

498
1981/1-6

1-6

артия ва Ленин қондош — эгизак,—
на тарих учун қай бири қиммат?
енинни
англаймиз
партия десак,
енин деганим
партия демак!

В. Маяковский

Гулистон
1-6
1981

Совет халқи Ленин партиясининг синалган раҳбарлигида, КПСС XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан иқтисодий стратегияни амалга ошира бориб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ва совет кишиларининг фаровонлигини оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришди.

Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқи, совет жамиятининг социал, сиёсий ва ғоявий бирлиги, СССР халқларининг дўстлиги янада мустаҳкамланди. Социалистик демократия янги поғонага кўтарилди, меҳнаткашларнинг ижтимоий активлиги ва ишлаб чиқаришдаги ғайрати ўсди, халқ депутатлари Советларининг, касаба союзларининг ва комсомолнинг роли ошди. СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социализм Конституцияси қабул қилинди.

СССРнинг қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамдўстлиги кенгайди ва бойиди. Совет Иттифоқи тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш программасини изчиллик билан амалга оширмоқда. Совет давлатининг жаҳондаги воқеаларнинг боришига таъсири узлуксиз ўсмоқда.

Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда, совет халқининг, барча иттифоқдош республикалар меҳнаткашларининг бунёдкорлик фаолиятида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлик, йўналтирувчилик ва ташкилотчилик роли ошди.

Совет халқи навбатдаги ўн йилликка (1981—1990 йиллар) уни янги катта ишлар ва зафарлар ўн йиллигига айлантиришга қатъий аҳд қилган ҳолда қадам қўймоқда.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврига мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан

Бепоён мамлакатимиз бўйлаб мислсиз ижодий руҳ ҳукм сурмоқда. Бутун совет халқи каби, республикамиз меҳнаткашлари КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш мақсадида меҳнат мўъжизалари яратмоқдалар.

1. Ворошилов номидаги Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи слесарлар бригадасининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Ревизия комиссиясининг аъзоси, УзССР Олий Советининг депутати Маҳмуд Мўйдинов замонамиз қаҳрамони — ишчилар синфининг илғор вакилидир. У етакчилик қилаётган бригада аъзолари КПСС XXVI съезди шарафига қизғин давом этаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол қатнашмоқдалар. 2. Уз сифатли маҳсулотлари билан Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам обрў қозонган Қўқон Электр машинасозлиги заводи ишчи, хизматчилари КПСС XXVI съезди шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар, улуғ анжуман очиладиган кунгача қўшимча 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ваъда бердилар. Суратда: завод техник бўлими бошлиғи Ирфон Абдурашидов, ишчи Борис Ставицкий, фрезерчи Рустам Солиҳов, партия ташкилоти секретари Мирза Урмонов. 3. Узбекистон ССРнинг Ленин ордени билан мукофотланиши Наманган Кимё заводи коллективини ҳам ниҳоятда руҳлантириб юборди. Заводнинг Наби Отабоев, Собит Отабеков, Исматулла Раҳматуллаев, Аҳмад Мўминжонов сингари илғорлари КПССнинг XXVI съезди, Узбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

А. ЖДАНОВ фотолари

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Гулистон

№ 1 (371)

Январь

1981

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз

ЛЕНИНЧА ЗАКОВАТ БИЛАН

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига ва умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган лойиҳаси КПССнинг иқтисодий ва социал ривожланишнинг энг муҳим масалаларига доир стратегияси ва тактикасини саксонинчи йилларнинг конкрет шароитларига татбиқан тўлиқ ифодалайди. Унда мамлакатимизнинг истиқбол тараққиётига оид энг муҳим масалалар КПСС Программаси ҳамда партия XXIV ва XXV съездларининг қарорлари, совет жамияти тараққиётида эришилган муваффақиятлар асосида ҳар тарафлама теран ишлаб чиқилган.

Коммунистик эртани яққол кўрган ҳолда — улуғ мамлакатимизнинг ўн йиллик тараққиётини кўзда тутган ҳолда тузилган бу режаларда барча қардош совет республикаларининг, шу жумладан Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиётининг асосий йўналишлари ҳам ёрқин акс эттирилган.

«Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилсин». Лойиҳанинг шу сатрлари замирида ўртоқ Л. И. Брежнев тарихий фигура деб атаган биз, чўлқуварларнинг бутун орзу-умидимиз, истиқболимиз намоён. Демак, Жиззах дашти гулистонга айланишда давом этади, чўлқуварлар янгидан-янги меҳнат мўъжизалари яратадилар. Демак, 143 минг гектар ерда 23 центнердан пахта ундириб, 340 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйган бизнинг Жиззах области ўн биринчи беш йилликда янада юксак суръатлар билан тараққий этади. Чунончи, 1980 йилда бизнинг совхозимиз 10 минг тонна ўрнига 13 минг тонна пахта етказиб берди. Султон Ғаффоров бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорликни 50 центнерга етказдилар. Муқим Раҳимжонов бошчилик қилаётган бўлим пахтакорлари ялпи ҳосилдорликни 35 центнердан оширдилар. Бу зафарларни қаҳрамонона меҳнат, ташаббус, фан-техника янгиликларидан унумли фойдаланиш натижасида қўлга киритдик.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига тақдим этган асосий йўналишлар лойиҳаси рекорд пахта ҳосили чўққисини йилдан-йилга муттасил тарзда юксалтириб бораётган Ўзбекистон пахтакорлари зиммасига катта вазифалар юклайди: «Пахта йилига ўрта ҳисобда 5,9 миллион тонна, шу жумладан ингичка толали пахта —400—420 минг тонна... миқдорида етиштирилиши таъминлансин». «450—465 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин». Бу қисқа, содда сатрларда республикамиз меҳнаткашлари ижодий шижоатига нисбатан чексиз ишонч, уларни янги қаҳрамонликлар сари даъват этувчи битмас-туганмас маънавий куч бор.

Биз, пахтакорлар, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига тақдим этган асосий йўналишлар лойиҳасини қизғин маъқуллаймиз. Зеро, ўн биринчи беш йиллик — фаровонлик беш йиллиги режалари ҳам муваффақиятли амалга оширилишига аминмиз. Чунки ленинча заковат билан ишлаб чиқилган бу ҳужжат шундан далолат бериб турибди. Унинг шу сатрлари бутун совет халқининг, жумладан Ўзбекистон меҳнаткашларининг истиқболга комил ишончини, кўтаринки сиёсий-маънавий руҳини тўла-тўкис ва ёрқин ифодалайди:

«Ўн биринчи беш йилликнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада кўпайтиришни ва халқ фаровонлигини янада оширишни, совет давлати мудофаа қудратининг юксак даражада бўлишини таъминлайди. Унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксак даражага кўтаради, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашга ва тинчлик ҳамда социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларни жипслаштиришга ёрдам беради».

Умарқул ЖЎРАҚУЛОВ,
Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз директори

КОММУНИСТЛАР АҲДИ

КПСС XXV съезди кўрсатмаларида Ангрен кўмир кони базасида Янги Ангрен ГРЭСи қуриш вазифаси қўйилган эди. Ўнинчи беш йилликда бу хайрли ишни амалга ошириш учун лойиҳачилар, олимлар, қурувчилар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Янги ГРЭС энг замонавий, қудратли иншоот бўлади. Ўтган вақт ичида Янги Ангрен ГРЭСи қурилиши бошқармаси коллективи асосий ишларни бошлашга тайёргарлик кўриш, қурувчи ва монтажчилар ҳамда электр станциядан фойдаланувчилар учун маданий-маиший бинолар барпо этиш билан шуғулландилар. Кўплаб уй-жой, мактаб, болалар боғчалари қурилди. Уй-жой қуриш бўйича 1980 йил плани ошириб бажарилди. Қўшимча равишда иккита тураржой биноси, 320 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига ва умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган лойиҳасида биз барпо этаётган 2-Ангрен ГРЭСида қувватлар фойдаланишга топширилиши кераклиги белгиланган. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Иншоотни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш, халқ хўжалигининг электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондириш, Ангрен ва Олмалиқ саноат районларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Бошқармамизда ҳукм сураётган кўтаринки маънавий муҳит КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан асосий йўналишларда кўрсатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришимизга ёрдам беради. «Саксонинчи йилларда Коммунистик партия бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни, меҳнат унумдорлигини кўпайтиришни, совет кишиларининг социал активлигини ва меҳнат ғайратини ўстириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтиришни, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун энг яхши шароитлар яратишни олий мақсад қилиб қўйган ўзининг иқтисодий стратегиясини амалга оширишни изчиллик билан давом эттиради», деб таъкидланади лойиҳада. Жонажон партиямизнинг бу эзгу мақсади бизни янги меҳнат ғалабалари сари руҳлантириши табиий, албатта.

Бинобарин, қурилишда иш миқёси ортмоқда. 1981 йилда 12 миллион, 1982 йилда 22 миллион, 1983 йилда 26 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади. Бундай катта ҳажмдаги ишни амалга ошириш учун ГРЭС қурилиши бинокорлик материаллари ва конструкциялари билан узлуксиз таъминланиши зарур. Бошқармамиз коммунистлари эса Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида тобора фаол иштирок этиб, объектни тез ва сифатли бажаришга аҳд қилганлар.

Усмон ЙЎЛДОШЕВ,
2-Ангрен ГРЭСи қурилиши бошқармасининг бригада бошлиғи

МАНЗИЛЛАР

Илҳом,
Ранг бер шеърим вазнларига,
Қўшиққа айлангин завқ тўла юрак,
Йўл олдик истиқбол манзилларига,
Ватаним, сафаринг бўлсин муборак!
Улуғвор кеманинг йўли ҳам улуғ,
Уфқларни кўзлар моҳир капитан.
Режалар аниқдир,
Аниқ йўл-йўриқ,
Жой олдик майдонда мардлар сафидан.
Эртанинг ишқи-ла яшаймиз бугун,
У — меҳнат, ўй-фикр, ижод, созимиз.
Катта беш йилликнинг салмоқли юкин
Кифтда даст кўтармоқ — олий орзумиз.
Денгиз пайдо бўлар минглаб булоқдан,
Қуёшнинг зимнида миллиард тола нур.
Сафарда шу сафлар аро бўлмоқдан —
Буюкроқ қувончни этмам тасаввур.
Қўнглим кўзгусида намоён эртам:
Атлас чаманларнинг хуш бўйидан шод,
Сени гуллар аро кутаман, эркам,
Чўл эди... Бу ерни биз қилдик обод.
Кел бирга, кезайлик шаҳру далани,
Қувончин сўзласак қўлбола денгиз.
Ильич ёқиб берган илк машъалани
Сомончи йўлидай ерга ёйдик биз.
Улкан иморатлар ҳавозасидан
Тер тўккан ижодкор, ишчи ўртоғим,
Бахтлиман, меҳнатинг овозасидан,
Болғанг-ла пайвастдир олмос ўроғим.
Бир ён — пўлат шаҳри,
Пахтамиз — бир ён,
Мурунтов чўғида қалбим исинар.
Она-ер, хазинанг этдинг намоён,
Яна тилга киргай талай «тилсим»лар.
Бу — газлар уммони,
Бу — нефть дарёси,
Ою юлдузларда баланд қўлимиз.
Бу улуғ ишларнинг бўлди дояси,
Партиям, сен чизган ойдин йўлимиз...
Раҳмат, моҳир дарға,
Буюк раҳнамо,
Сенинг ижодингдир гулгун эртамиз.
Офтоб билан обод бўлгандек само,
Сени қалб кўкида эъзоз этамиз.
Илҳом, ранг бер шеърим вазнларига,
Қўшиққа айлангил завқ тўла юрак,
Йўл олдик истиқбол манзилларига,
Ватаним, сафаринг бўлсин муборак!

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ДОВРУҚ

Меҳнат кишиси — ижодкор сифатида лауреат! Дарҳақиқат, у — янги воқеликни ўзи яратган ва айни пайтда ўзи ҳам бу янги воқелик самараси бўлган бунёдкор инсон ижтимоий-маънавий жиҳатдан муттасил камол топиб бормоқда. Доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги оламшумул шодиёнага айланган, бутун қардош совет республикалари, шу жумладан, серқуёш Ўзбекистон ўнинчи беш йилликни зўр муваффақиятлар билан якунлаб афсонавий рекорд ҳосил — 6 миллион 200 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тиклаган, ўртоқ Л. И. Брежневнинг таҳсинига сазовор бўлган, Ленин ордени билан мукофотланган 1980 йилда республикамизнинг тўрт фарзанди: қўқонлик ишчи Мақсуд Усмонхўжаев, олтиариқлик пиллакор Фазилат Қўзибоева, шаҳрихонлик экскаватор машинисти Ёқубжон Марасулов, томдилик чўпон Қодирмурод Қорабеков ўртоқлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиблари сифатида СССР Давлат мукофоти лауреати унвонига лойиқ деб топилдилар. Меҳнатда мўъжиза яратаётган замондошларимиз — ўнинчи беш йиллик қаҳрамонлари ана шу юксак тақдирга чиндан ҳам муносибдирлар.

ҚАНДОЛАТПАЗЛИК ЯШАРДИ

СССР Давлат мукофоти лауреати Мақсуд ака Усмонхўжаев ўз ҳикоясини бутун мамлакатни, республикамизнинг барча меҳнаткашларини тўлқинлантириб турган муваффақиятлар ҳақидаги гаплар билан бошлади:

— Ўнинчи беш йиллик кўнгилдагидек якунланди. 1980 йил қонуний равишда унинг гултожи бўлди. КПСС XXV съезди асосий йўналишларида 1980 йили бутун мамлакат бўйича 9 миллион тонна пахта етиштирилади, деб кўрсатилган эди. Пахтакор республикаларимиз бу маррадан аллақачон ошиб ўтдилар. Республикамиз пахтаси 6 миллион 200 минг тоннадан ошиб кетди. Мен — ишчи одамман. Бу «оқ олтин» рекорд ҳосилининг ҳар мисқоли меҳнат, ташаббус, ирода самараси эканини яхши биламан. Мен халқимиз ҳаётидаги улуғ бурилишларни, порлоқ болқишларни кўрган, Ленин партияси раҳнамолигида амалга оширилган буюк ишларда кучим етганча иштирок этган кишиман. Ўзбек халқи Катта Фарғона каналини 45 кун мобайнида қазиб битирганида мен ўн бир ёшли бола эдим. Бу ёшда инсон фарзанди эсини таниган бўлади. Биз, болалар қадимий шаҳримизни ёқалаб қазилаётган дарёни томоша қилгани борардик. Меҳнатнинг зўрлигидан баъзиларнинг болдирлари этик қўнжига сиғмай қолганига гувоҳмиз. Аммо одамлар ўйин-кулги, ғайрат-шижоат билан, дуторда машқ қилаётгандек сел бўлиб, ишлар эдилар. Чунки улар маъмурлик, фаровонлик дарёсини ҳаётга бошлаб келмоқда эдилар. Гўзал, тўкис инсоний ҳаёт йўлидаги кураш одамга қудрату маънавий камол бағишлайди. Катта Фарғона канали қурилиши манзаралари хотирамда муҳрланиб қолган. Ана шу мислсиз халқ қурилиши, буюк маънавий кўтарилишнинг чинакам маъносини кейин — Улуғ Ватан уруши йилларида тушуниб етдим. Биз, бир нечта тенгқурлар кўнгилли бўлиб жангга кетмоқчи эдик — ёш бўлганимиз учун рухсат бермадилар. Кейин Ватан учун энг зарур жойда хизмат қилишнинг йўлини топдик. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган саноат корхоналарида ишлаш учун Тошкентга бордик. Мен икки йил самолётсозлик заводида ишладим. Шу икки йил мени анча чиниқтирди. Эвакуация!.. Бу сўз мазмунини тўла-тўкис шарҳлаш қийин. Коммунистик партиямизнинг заковати, республика меҳнаткашларининг мислсиз ватанпарварлик ғайрати, қаҳрамонлиги туфайли ниҳоятда кўп саноат корхоналарини ошиғич кўчириб келтириш, тез кунда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлди. Вақтдан ўзиш, уни коммунистик иродага бўйсундириш ғалаба билан тенг эди.

Ўшандан бери, катта мақсадни назарда тутган ҳолда вақт билан мусобақалашиш шиорим бўлиб қолди. Назаримда, ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Мақсад улкан бўлса, кўзга ташланмайдиган касбда ҳам катта ишлар қилиш мумкин. Чунончи, Чирчиқ капролактами, Навоий катаранига қиёслаганда, бизнинг бригадамиз пишираётган новвот пойчўкир бўлиб қолади. Чунки улар — Ўзбекистон, балки бутун мамлакатимиз келажаги учун жуда катта аҳамиятга молик қурилишлар. Аммо новвотнинг ҳам ўз муносиб ўрни бор. У — маъмурлик, фаровонлик йўлдоши. Новвот тўй-ҳашамларимиз, тўкин дастурхонларимиз кўрки. Уни айниқса сувчи билан пиллакор қадрлайди. Барг қучоқлайбергандан кейин, кеча-кундуз сув кечавергандан кейин одамнинг совуғи ошиб, силласи қуриди. Ўшанда, сувчи билан пиллакорнинг жонига новвот ора киради: увишган томирларига офтобни бошлаб киради.

Қандолатпазлик ғоят қадимий ҳунар. У қўл учида ишлайдиганларни хушламайди ҳам, бийлатмайди ҳам. Чунончи, қиёмга ун гарди аралашса ҳам, қиём дур боғламайди. Ринд ҳунаримизнинг «қош-қовоғи»га қараб иш тутаётибмиз. Ишларимиз чакки эмас, шекилли, ўнинчи беш йиллик давомида ўз соҳамиз бўйича энг яхши бригада ҳисобланиб келдик. 4 йилда 2,5 миллион сўмлик фойда олдик.

Биз ишни қандолатпазликнинг бошидан—қозонлардан бошладик. Ота-боболардан мерос мис қозонларнинг оворагарчилиги кўп: уларни ҳар ойда оқлаш, йилда икки-уч таъмир қилиш керак эди. Яъни ортиқча сарф... Қанча иш кучи беҳуда кетишини айтмайсизми! Дастлаб бир мис қозон ўрнига зангламайдиган пўлат қозон ўрнатдик. У кўнгилдагидан ҳам ортиқ даражада дур боғлади. Иш жойидан жилди. Энди қозонларни беш йиллаб таъмирсиз ишлатаётибмиз. Бу — кони фойда.

Меҳнатга ижодий муносабатни тобора кучайтирмоқдамиз. Халқ фаровонлигини янада ошириш учун дастуриламал берган анжуман — КПССнинг 1980 йил Октябрь пленуми, унда ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет кишиларининг бахти-саодати ҳақидаги ёрқин нутқи бутун комбинатимиз, бригадамиз коллективини ниҳоятда қувонтириб юборди, назаримизда, бажариб турган ишимизнинг қадри бир неча марта ортиб кетди. Негаки, биз халқ фаровонлигини таъминлашга масъул кишилармиз. Демак, тўғри йўлдан бораётибмиз — қўл меҳнатини борган сари камайтириб, ишни механизмлаштираверишимиз зарур. Бир жойда тўхтаб қолмаётганимиз айниқса маъқул. Партия ва ҳукуматимиз камтарона меҳнатимизни қадрлаб, бизга СССР Давлат мукофоти лауреати унвонини муносиб кўрди. Биз ўз қарзимизни фидокорона меҳнатимиз билан адо этамиз.

Айтгандек, ўшанда, мис қозонларни зангламайдиган пўлат қозонлар билан алмаштиргандан кейин, ишни каттароқ ўзанга буриб юборишнинг имкони туғилди. Қиём қайнатадиган қозонларимиз 300 килограммлик эди, 1 тонналик қилдик. Кейин, навбатдаги янгиликни жорий этдик: ҳар куни 100 қозонга қиёмни қўлда пақирлаб ташиш баҳридан ўтдик, қиём қозонларга насосли шланг ўрнатдик. Калаванинг учини топиб олсангиз иш осон кўчаверяркан. Қопдаги шакарларни орқалаб бориб, қозонларга тўкардик. Ҳар бири 1 тонналик икки қозонни шакарга тўлдиришни ўйланг: бу куч келадиган меҳнат. Қозон тепасига тегирмоннинг дўлига ўхшаш тунука мослама ўрнатдик. Шу дўлгача қопдаги шакарларни автокран элтадиган бўлди, бир киши шакарларни қозонга тўкиб турса кифоя.

«Ишни асбоб қилади, эгаси лоф уради», деган матал маъқул эмас. Чунки у бугунга нисбатан қўлланилса, ишчининг ижодий қиёфасига соя ташлайди. Чунончи, биз, ишчилар, эски ҳунарни аста-секин механизмлаштириб, ҳар куни пландагига қараганда икки баравар кўп — 5 тонна новвот етказиб бераётган эканмиз, ана шу самарадорлик бригадамиз аъзолари ижодий меҳнатининг юксак савиясини кўрсата олади. Бундай ижодий меҳнатни ташкил этадиган маънавий механизмлар бор, албатта. Меҳнатга ижодий муносабат, интизом, коллективчилик каби фазилатлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

— Биз «йигит кишига етмиш ҳунар оз» деган мақолга амал қиламиз,— деб суҳбатга қўшилди ширапазлик цехи бошлиғи Юсуфжон Ҳусанов.— Мақсуд Усмонхўжаев бошчилигидаги бригаданинг ўнта аъзоси новвот пишириш билан боғлиқ ҳамма жараёнлар бўйича моҳир усталардир. Улар, керак бўлганда, бир-бирларининг ўринларида ишлай оладилар. Бу ишнинг узлуксиз давом этишини таъминлайди.

— Мақсуд ака ишни қатъий интизом асосига қуради,— дейди ишчи Раҳмонжон Давронбеков.— У янги келганларни тажрибали одамга биркитиб қўяди.

— Биномизнинг эскилиги, торлиги сезилиб қолмоқда. Комбинатимизнинг янги қурилаётган биноси битказилса, яйраб қолсак керак,— деди Юсуфжон ака.

— Ўшанда қозонларимизни газда қайнатадиган бўламиз,— деди кулимсираб Мақсуд ака.

Бригада ишлари билан танишиб бўлгач, суҳбатимиз бир пиёла чой устида давом этди.

— Оқ узумнинг қиров еб, оби-тобигача келиб карсиллаган пайти ҳозир,— деди бригадир бир шингил узумни қўлига олиб.— Бошқаларининг вақти ўтиброқ қолди.— Кейин ўйланиб қўшимча қилди:— Лекин ақл-заковатнинг, санъатнинг вақти ўтмайди. Бизнинг машҳур ҳамюртимиз — Қодиржон ота Ҳайдаровни кўзда тутиб шундай деяётибман. Қодиржон ота йигит ёшидаёқ қадимий нақш санъатини янги замона хизматига қўйди. Улуғ доҳиймиз Ленинга олиб борган совғалари— ўз санъати намуналари бунинг илк мисолидир. Кейин Қодиржон ота санъати жуда кўп замонавий биноларга кўрк бағишлади. Ота ҳозир Ўзбекистон Компартияси XX съезди ўтадиган сарой эшикларини тайёр қилиб қўйди. Бу эшиклар одамни чинакам санъат дунёсига бошлаб киради. Қодиржон ота вақтида етарли эътибор топмаган кўҳна санъат янги замона учун ниҳоятда керак, маънавий эҳтиёж эканини амалий исботлади. Бу унинг таҳсинга лойиқ гражданлик фаолиятидир. Биз ҳам Қодиржон ота сингари ажойиб кишиларимиздан илҳомланиб, ғоят анъанавий қандолатпазликни замона талаби даражасига кўтара олдик. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида беш йил давомида пешқадамликни қўлдан бермадик: 1980 йил 6 октябрь куни — СССР Конституциясининг 3 йиллик байрами арафасида ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик планини бажарганимиз ҳақида рапорт бердик. Бу «Ҳурмат белгиси» орденли Қўқон Нон комбинатининг, бизнинг бригадамизнинг КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съездига тайёрлаган меҳнат совғаси бўлди.

— Раҳмат, Мақсуд ака,— дедик хайрлашар эканмиз.— Бригадангиз ўн биринчи беш йилликда ҳам илғорликни қўлдан бермаслигига ишончимиз комил.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

СССР Давлат мукофоти лауреати Мақсуд Усмонхўжаев бригадасида ҳар куни 100 қозон новвот дур боғлайди.

Фазилат Қўзибоева 1980 йилда 20 грамм қурт уруғидан 192 килограмм пилла олди. Мусобақадоши Оминахон Қодирова (чапдан биринчи) билан Жўрақишлоқ Советининг раисаси Турдихон Шаропова уни бу улкан ғалаба билан самимий қутладилар.

«Ҳурмат белгиси» орденли Қўқон Нон комбинати ширапазлик бригадаси аъзолари — ўз етакчилари Мақсуд Усмонхўжаевни СССР Давлат мукофотига муносиб кўрилгани билан табрикламоқдалар.

СССР Давлат мукофоти лауреати Фазилат Қўзибоева билан ЎзССР Олий Совети депутати Раҳима Охунжонова Олтиариқ пиллачилигини янада ривожлантириш ҳақида маслаҳатлашиб турадилар.

Узбекистон халқ рассоми Қодиржон ота Ҳайдаров (ўнгда) ҳам, СССР Давлат мукофоти лауреати Мақсуд Усмонхўжаев ҳам КПССнинг XXVI съездини, Узбекистон Компартиясининг XX съездини ижодий меҳнатда зўр муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

А. ЭПШТЕЙН фотолари

Фазилат опани неваралари — Маҳфуза, Ҳакима, ва Муяссар: «Буви, суюнчи беринг! Лауреат бўлдингиз!» деб кутиб олдилар.

М. САНГИНОВ фотолари

ФАЗИЛАТ ОПАНИНГ ФАХРИ

Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Усмонжон Бегматов республика, область, ўз районлари ўнинчи беш йиллик мобайнида эришган муваффақиятлар ҳақида гапириб: «Фазилат Қўзибоева каби илғорларимизнинг Бутуниттифоқ миқёсида тақдирланиши биз яшаб турган жамиятнинг маънавий сиёсий кўтаринкилигидан, ижодий меҳнат жараёнининг баркамоллигидан далолат беради,— деди.— Бутун Олтиариқ меҳнаткашлари — ҳамюртлари Фазилат Қўзибоева СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганидан руҳланиб кетдилар. Фазилат опанинг уйи — ҳозир тўйхона».

Дарҳақиқат, Фазилат опа хонадонида тўйга ўхшар — жамоат жам эди. Тўкин дастурхон устида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Юсуф ота Хидиров, Турдихон ая Тўланова, Ленин орденли механизатор Муҳаббат Фахриддинова, Ленин орденли пахтакор Иброҳимжон Исмоилов, Паша Ангелина мукофоти лауреати, Меҳнат Қизил Байроқ орденли бригада бошлиғи Раъно Каримова, ЎзССР Олий Советининг депутати Раҳима Охунжонова гурунглашиб ўтирардилар.

— Бу кунлар қувончим ичимга сиғмайди. Тилимга сўз ҳам қуюлиб келаверади. Умр бўйи пахта экдим, қурт тутдим,— деб ҳикоя қиларди Фазилат опа.— Пахтани ҳам, ипак қуртини ҳам

фарзандларимдек азиз кўраман. Уларнинг ҳаммасини бўйига гул ўлчаб ўстираман. Ҳар бир одамнинг юракда олиб юрадиган гаплари бўлади. Ўша гапларни ҳозир айтсам дейман.

Мамлакатимиз пиллачиликда Европада биринчи. СССРнинг ярмидан кўп пилласини Ўзбекистон, Ўзбекистоннинг ярим пилласини Фарғона области етиштиради. Ўғил-қизларим пиллачилик тарихи ҳақидаги китоблардан ўқиб берганларида, ҳозирги қилиб турган ишларимизнинг кўламини кўриб ёқа ушлайман. Тавба! Шунақа ўсиб кетибмиз-да!.. 1919 йили Ўзбекистон 295 тонна пилла етиштирган экан. Мана энди биргина Олтиариқ районимиз 1 минг 475 тонна пилла тайёрлаб, ўнинчи беш йиллик планини 120 процентга бажарди. Яъни бизнинг район ҳар йили 1919 йилги бутун Ўзбекистоннинг пилласини бермоқда. Бу республикамиз пиллачилиги қанчалик тараққий топганини яққол кўрсатадиган мисол. Пилланинг ялпи ҳосили Совет ҳокимияти даврида уч баравар ортди. Эндиги ипакчиликнинг пойдевори — илм. Селекционерларимизнинг отасига раҳмат! Ўрта Осиё Ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари ипак қурти зот ва дурагайларини тўрт марта янгиладилар. Шунинг учун пилла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошмоқда. Бутун пиллакорларнинг жонига ора кирган хлорелла суспензияни айтинг! ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Султонов яратган «барака-82» дорисини айтинг! Шу янгиликлар ипак қуртини жадал боқишда янги уфқлар очди.

Пиллачилик — минг йиллик ҳунар. Мен баъзида: «Олияхон Султонованинг методи — ипак қуртини жадал боқиш методи нега аввал кашф қилинмади? Минг йилдан бери пилла етиштириб келадиган ўзбек хотин-қизлари бу ўнғай йўлни нега топа олмаган эдилар?— деб ўйлайман.— Нега бу метод 45 кунда Катта Фарғона каналидек азим дарёни яратган юртда юзага келди?» Сабаби ўзбек халқини озодликка олиб чиққан социализм руҳида, ҳур халқнинг офтобдек балқиган истеъдодида. Ленин ота бахш этган бахтли замон одамларни руҳан янгилади. Социализм энг инсоний улуғ мақсадларни рўёбга чиқарди. Ильич ғоялари одамлар руҳидаги энг ноёб туйғуларни, улар қалбидаги энг ноёб кучларни оҳанграбодай ўзига тортди. Натижада кишилар ўз қобилиятларини илгари мисли кўрилмаган даражада тўла-тўкис ва оммавий тарзда намоён этдилар. Чунончи, Олияхон Султонова методи Ўзбекистон ипакчилигига қанчалик катта фойда келтираётганини айтиб тамомлаб бўлмайди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олияхон Султонова — менинг йўлчи юлдузим. Муваффақиятларини ёддан биламан: у 1948 йили бир қути қурт уруғидан 24 иш кунида 109 килограмм, 1949 йили 22 иш кунида 113,4, 1950 йили 19 иш кунида 124,6 килограмм пилла топширган эди. Ўнинчи беш йилликда Олияхон Султонованинг издоши сифатида меҳнат қилдим: қурт боқишни жадаллаштириш, шунингдек, пилла ҳосилдорлигини ошириш — асосий мақсадим бўлди. 20 грамм қурт уруғидан 1976 йили 146, 1977 йили 152, 1978 йили 168, 1979 йили 171, 1980 йили 192 килограмм пилла олдим. Ўнинчи беш йилликда жами 272 килограмм пилла топширишим керак эди, 829 килограммга етказдим. Шундай қилиб, ипагимнинг толалари совет халқи улуғ ҳаётининг жон томирларига тобора маҳкамроқ уланиб бормоқда. Дарвоқе, совет кишиси умрининг мазмунини ана шу фазилат — Коммунистик партия билан совет халқи ҳаётига вобасталик белгилайди. Бу — социализмнинг шарофати. Доҳиймиз Ленин социализм «Инсоният ҳаётининг янги асосий формаларини ижод қилади», деган. КПСС XXIV съезди улуғ Ленин башорати рўёбга чиққанини: мамлакатимизда одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи қарор топганини, реал воқеликка айланганини тасдиқлади. СССРнинг ярим асрлик катта тўйида эса ўртоқ Л. И. Брежнев: «Биз бу бирликни мамлакатимизда ярим аср мобайнида амалга оширилган иқтисодий ва социал-сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос умумлашган якуни деб баҳолашга ҳақлимиз», деди. Мен шу улуғ халқнинг вакили бўлганим билан фахрланаман. Мени шу катта ўй, катта мақсад ҳамиша илҳомлантиради. Шу улуғ туйғу бўлмаса, пенсияга чиққан ёшимда билакларимга куч-қувват ёғилмас эди. Турмуш ўртоғим марҳум Тўқли ака билан биргаликда фарзандларимизни эл хизматига ярайдиган — меҳнатсевар қилиб тарбияладик. Тўнғичимиз — Эркинжон, яна икки ўғлимиз — Жўрабой билан Тўрабой — тракторчи, ўртанчамиз Тўлқинжон — иқтисодчи, ҳозир колхозимиз касаба союзи комитетига бошчилик қилади. Қизларимиз — Маъфиратхон, Байрамхон, Ҳабийтхон — пахтакор, пиллакор... Биз ҳар биримиз партиянинг амрига камарбастамиз, айтадиган сўзига илҳақмиз. Партия — бизнинг равшан дилимиз. Тўлқинжон партиямиз Октябрь пленуми қарорини ҳаммамизга ўқиб, тушунтириб берди: «Коммунистик партия ўзининг халқ турмуши даражасини юксалтиришдан иборат ленинча йўлини бундан буён ҳам сабот билан амалга оширишни энг зарур иш деб ҳисоблайди!».

Суҳбатимизга ЎзССР Олий Совети депутати Раҳима Охунжонова аралашиб:

— Жуда тўғри айтдингиз, Фазилат опа,— деди.— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII пленуми «КПСС Марказий Комитети 1980 йил Октябрь пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумда сўзлаган нутқида берилган кўрсатмалардан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» деб чиқарган қарорини, Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси иши мундарижасини ҳам худди шу муҳим фикр ташкил этди.

— Бу — бутун халқнинг кўнглидаги гап-да, айланай, Раҳимахон,— деб сўзида давом этди Фазилат опа.— Партия билан халқнинг бирлиги — ҳаётимизнинг негизи. Партия бизни юксалтирган офтоб. 1980 йил март ойида Киров районидаги Октябрь 40 йиллиги номли совхознинг пиллачилик звеноси бошлиғи — мусобақадошим Хадича Олтмишева билан биргаликда республикамиздаги ҳамма пиллакорларга «Мавсумга шайланинг!», деб мурожаат қилдик. Мурожаатимиз «Совет Ўзбекистони» газетасида босилди. Ўлкамизда 100—120 килограммчилик ташаббуси кенг қанот ёйди. Бунинг завқи сўзлаган билан тамом бўлмади!.. Киши бутун халқнинг дилидаги гапни биринчи бўлиб айтса, катта бир ташаббускорлик ҳаракатининг бошчисига айланса, юрагидаги ғайрат гув этиб аланга олади! Бошқалар сенинг изингдан келаётганини билиб турсанг, қийинчиликлар ҳам ҳеч гап бўлмай қоларкан.

— Фазилатхон синглим, тўғри айтдингиз,— деб унинг фикрини қувватлади Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юсуф ота Хидиров,— халқнинг олқиши одамни шердил қилади. Эл назари — кимё. Киши эл назарини топдими, иши ривож олаверади. 1933 йил 15 июлда мени бригадир қилиб сайладилар. Ўшанда колхозимиз 60 гектар, бригадамиз 25 гектар ерга пахта экарди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай, планни 200 фоиз бажардик: белгиланган 3 центнер ўрнига, 6 центнердан ҳосил олдик. 1945—1946 йиллари 38 центнердан хирмон кўтардик. 1956 йили бригадамиз 100 гектар ердан 45 центнердан пахта ундирди. 1933 йил планига нисбатан олганда, ҳосилдорликни 15 марта кўпайтирдик. Энди 55—60 центнерчи бригадалар жуда кўп. Районимизнинг пешқадам бригадири Қумбой Охунчаев ҳосилдорликни 60 центнерга етказди.

— Шу юксалишларнинг ҳаммаси — Ленин берган яхши замона шарофати. Шунинг учун мендек оддий пиллакор Олтиариқда юриб СССР Давлат мукофоти лауреати бўлдим. Ленин отамизни бориб кўрсам деб ният қилиб юрардим. 1980 йил октябрь ойида шу орзум ушалди. Доҳий мақбарасига кирганимда, Қизил Майдондан ўтганимда, кўз ёшимни тиёлмадим.

Ўнинчи беш йилликда икки ярим беш йиллик планини бажардим,— деди Фазилат опа.— Ўн биринчи беш йилликда ўз муваффақиятларимни янада мустаҳкамлаш мақсадидаман. Жонажон партиямизнинг ҳар бир съезди улуғ Ленин ғояларини борган сари тўла-тўкис амалга оширмоқда. Шунинг учун жонажон партиямизнинг XXVI съездига ниҳоятда зўр умид боғлаганман. Мен бу қутлуғ анжуманни соғиниб кутмоқдаман. Субҳидам офтоб йўлига менча интизор бўлмас...

Республикамиз меҳнаткашлари 1981 йилни — ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини, КПССнинг XXVI съезди очиладиган йилни мисли кўрилмаган муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов таъбири билан айтганда, ўзбек халқи, республиканинг барча меҳнаткашлари бизнинг муштарак улуғ ишимиз — ер юзида биринчи коммунистик жамият қурилишига қўшаётган катта ҳиссаси муносиб равишда эътироф этилди. Республикамизнинг КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди арафасида Ленин ордени билан мукофотланиши ғоят рамзий ҳодиса бўлди. Бу улуғ воқеа мазмунини, бутун совет халқи каби, меҳнатда мўъжизалар яратаётган — коммунистик меҳнат ғалабасини яқинлаштираётган Ўзбекистон ишчилари, пахтакорлари, чорвадорлари, пиллакорлари, зиёлиларининг, КПСС XXVI съезди шарафига қизғин давом этаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг Мақсуд Усмонхўжаев, Фазилат Қўзибоева, Ёқубжон Марасулов, Қодирмурод Қорабеков каби байроқдорларининг ўнинчи беш йилликда кўрсатган оммавий қаҳрамонлиги ташкил этади.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!

БИЗНИНГ ТУҲФАМИЗ

Миллий тенглик асосига қурилган социалистик жамиятимизда меҳнат кишисининг камолоти учун ҳамма имкониятлар бор. Буни ўз ҳаётим мисолида яққол кўриб турибман. Корхонамиз ишчилари мени СССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар. Ҳокимиятимизнинг олий органида мендек оддий касб эгалари, турли миллат қиз-жувонларидан дугоналарим анчагина. СССР Олий Совети сессияларида қатнашар эканман, социалистик демократиянинг, ленинча миллий сиёсатнинг кучини янада чуқурроқ ҳис қиламан. Менда, айниқса, СССР Олий Советининг учинчи сессияси жуда катта таассурот қолдирди. Биз, депутатлар КПСС Марказий Комитети Июнь пленумининг партиямиз XXVI съездини чақириш ҳақидаги қарорини қизғин кутиб олдик. Сессия КПССнинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш руҳида ўтди. Турли касбдаги халқ депутатлари юксак минбардан туриб зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Менда ҳам янги истаклар туғилди.

Жонажон пойтахтимиз Москвадан бир олам таассурот билан қайтдим. У ердаги илғор корхоналар коллективларининг «Йиллик планни 7 ноябрга бажарамиз!» деган ватанпарварлик ташаббуси бизни ҳам руҳлантириб юборди. Комбинатимизнинг пешқадам ишчилари бу ташаббусга якдиллик билан қўшилдилар. Мен ҳам зиммамга оширилган мажбурият олдим.

Мана, шундан буён цехимиз коллективи 5 минг 550 тонна арқоқ ўраб, сентябрь ойининг охирида йиллик планни бажарди. Ўзим эса шу йил май ойидаёқ ўнинчи беш йиллик вазифамни ошириб адо этдим. УА-300 дастгоҳида пландаги 195 тонна ўрнига 208 тонна аъло сифатли арқоқ ўраб топширдим. Ҳозир 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдаман. Комбинатимизнинг тўқувчи Е. Захарова, калаваловчилар К. Хамдамова, Н. Агапова, йигирувчилар Р. Юсупова, М. Дадажонова сингари 1 минг 250 нафар илғор ишчиси партиямизнинг XXVI съезди очилиш кунигача 1981 йил планини бажаришга аҳд қилдилар. Биз шу мақсадда бир сменада икки-уч норма ишламоқдамиз.

Комбинатимизда мураббийлик ҳаракати ҳам кенг йўлга қўйилган. Йил бошидан буён 3 минг 423 ёш ишчи тармоқ зоналарга ўтиб, бир яримикки баравар кўп дастгоҳларни бошқармоқдалар. Ўн ойда қарийб қўшимча равишда 3 миллион сўмлик сифатли газламани буюртмачиларга жўнатдик.

Партиямиз съездигача янги йил планини бажариш юзасидан олган мажбуриятимизни ҳам албатта уддалаймиз. Бу мамлакатимиз коммунистларининг буюк анжуманига муносиб совғамиз бўлади.

Шубҳа йўққи, шонли партиямизнинг XXVI съезди мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётида, халқимиз фаровонлигини янада оширишда, ер юзида тинчликнинг мустаҳкам қарор топишида муҳим тарихий босқич бўлади.

Мелихон АБДУЛЛАЕВА,
ЎзССР 50 йиллиги номидаги Наманган Шойи газламалар комбинати арқоқ ўровчиси, СССР Олий Совети депутати

Фармон ОМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари



ЮКСАК ДОВОНЛАР ОША...

Ўнинчи беш йиллик комил ишонч билан коммунизм йўлидан олға бораётган халқимизнинг қаҳрамонона зафарлари тариҳида муносиб ўрин олди. Республикамиз меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилида айниқса мисли кўрилмаган ютуқларга эришдилар. Пахтачилик тарихида биринчи марта энг кўп — 6 миллион 150 минг тонналик «оқ олтин» хирмони қад ростлади. Пахта йиғим-терими ҳар қачонгидан кўра зўр уюшқоқлик билан ташкил этилди. Бу ишда мавжуд механизмлар ва бошқа иш кучларидан унумли фойдаланилди. Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари йиғим-теримни жадал уюштириш учун чинакам ташкилотчилик намунасини кўрсатдилар. Пахта тайёрлаш суръати ниҳоятда жадал борди: 19 сентябрь куни 1 миллион тонна, 26 сентябрь куни 2 миллион, 1 октябрь куни 3 миллион, 14 октябрь 5 миллион, 1 ноябрь куни 6 миллион ва 6 ноябрь куни 6 миллион 150 минг тонна пахта тайёр бўлди.

Фақат совет пахтачилигига хос бўлган бу ҳайратомуз суръат ва салмоқли рақамлар деҳқонларимизнинг зафарли тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Социалистик жамият учун ишлаб чиқариш ана шундай суръати ва шиддаткорлик тасодиф эмас. Бу ривожланган социалистик жамиятимиз қонуниятининг мантиқий самарасидир. Бинобарин, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз меҳнаткашларига меҳнатдаги мислсиз ғалаба муносабати билан йўллаган табригида бу нарса алоҳида таъкидланди. «Эришилган муваффақиятлар КПСС ленинча аграр сиёсати изчил амалга оширилаётганлигининг,— дейилади табрикда,— кадрлар маҳорати ўсганлигининг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари юксак ижодий активлигининг, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўтказган моҳирона ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларининг натижасидир».

Дарҳақиқат, деҳқонларимиз ғайрат ва жасорат билан пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириб бормоқдалар. Айниқса, ўнинчи беш йиллик пахтачиликни ривожлантириш ва механизмлашда муҳим босқич бўлди. Беш йил давомида республикамиз деҳқонлари давлатдан 73 минг трактор, пахта ва дон йиғиштирадиган 29 минг комбайн, 80 минг бошқа хил механизмлар олдилар.

Маълумки, пахтачиликда ҳосил йиғим-терими сермашаққат жараёндир. Масалан, 100 килограмм пахта териш учун 20 минг чаноққа қўл чўзиш керак. Партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантириш борасида кўрсатаётган алоҳида ғамхўрлиги туфайли ўнинчи беш йилликда йиғим-теримни машиналаштириш соҳасида кескин бурилиш ясалди. Агар 1955 йили ялпи ҳосилнинг 3 проценти машиналарда йиғиштирилган бўлса, 1980 йили 6 миллион 150 минг тонна пахтанинг 63,2 процентдан ошиқроғи «зангори кема»ларда териб олинди. Илғор областлар, районлар ва хўжаликлар эса янада юқори кўрсаткичларга эришдилар. Сирдарё областининг механизаторлари ҳосилнинг 81,9 процентини, Тошкент области 81,7 процентини, Жиззах области 70,4 процентини машиналар ёрдамида йиғиштирib олди. Дўстлик, Ғалаба, Задарё, Арнасой, Бўз, Октябрь, Оққўрғон, Мирзачўл, Пахтакор, Пискент Ўрта Чирчиқ, Тахта-кўпир районларининг механизаторлари ҳосилнинг 82-84 процентини машиналар билан йиғиштирдилар.

КПССнинг XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашган азамат механизаторларимиз ажойиб матонат кўрсатдилар. Пахта йиғим-терими даврида оилавий экипажлар ташаббуси кенг қулоч ёйди. Таллимаржон районидаги «Самарқанд» совхозининг механизаторлари — ака-ука Болта, Ҳамро, Қурбон, Ўроқ ва Ўроз Норовлар мавсумда 2 минг 550 тонна пахта териб, ўзига хос рекорд қўйдилар. Нишон районидаги СССР 50 йиллиги номли совхоз механизаторлари Шомурод, Мурод, Неъмат, Холмурод ва Рамазон Қиёмовлар ҳам Норовлар ташаббусига қўшилиб «зангори кема»ларда 2 минг тонналик хирмон уйдилар. Бундай ватанпарвар механизаторларни ҳар бир хўжалик ва районда учратиш мумкин. Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, Ленин мукофоти лауреати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова 490 тоннадан ортиқ пахта терди. Шунингдек, Иштихон районидаги Навоий номли колхоз механизатори, СССР Давлат мукофотининг лауреати Жўрақул Қўшоқов, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз пахтачилик бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов, Пешку районидаги Ибн Сино номли колхоздан Қаюм Наимов, Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли совхоздан Шайдулло Ҳазратов, шу райондаги Будённий номли совхоздан Хўжамқул Рустамов, Холмурод Ғафуров, Бўз районидаги «Ленинчи» совхозидан Абдуфаттоҳ Солиев, Элликқалъа районидаги «Москва» совхозидан Жамила Бекжонова, Ромитан районидаги «Ромитан» совхозидан Аҳмад Ҳамроев, Хива районидаги Огаҳий номли колхоздан Собир Раҳимов сингари моҳир механизаторлар машиналарда 400—600 тоннадан «оқ олтин» териб юксак хирмонимизга барака киритдилар.

Республикамиз пахта далаларида 34 минг терим машинаси, ипатовчилар усули асосида ташкил этилган 3 минг 100 терим-транспорт отряди ишлади. Мавсумда ҳар машинада терилган пахта 110 тоннани ташкил этди. Пахта териш техникасидан самарали фойдаланиш натижасида биринчи марта машиналарда 3 миллион 894 минг тонна пахта терилди. Айниқса, йиғим-терим ишларини намунали ташкил этган Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро областларининг пахтакорлари бир кунда 5—6 процентдан пахта тайёрлаб, кунлик ўсишда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил Март пленумида ишлаб чиқилган партия аграр сиёсатининг изчил амалга оширилиши республикамиз қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш имконини берди. Ўнинчи беш йиллик давомида давлатга 28,3 миллион тоннадан ортиқ пахта топширилди. Бу пландагидан қарийб 800 минг тонна, тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан эса 4 миллион тонна кўпдир. Сифат беш йиллигининг якунловчи йилида 335 минг тонна юқори сифатли ингичка толали пахта етиштирилди. Бундай қимматли хомашёни етиштириш кейинги беш йилликда бир ярим марта кўпайганини мамнуният билан қайд этамиз. Шуниси қувончлики, ҳосилдорлик республикамиз бўйича йилдан-йилга ошиб бормоқда. 1978 йилда ўртача ҳосилдорлик гектарига 30,2 центнерни, 1979 йилда эса 31,3 центнерни ташкил этган бўлса, пахтакорларимиз беш йилликнинг якунловчи йилида эса ҳосилдорликни гектарига 32,8 центнерга етказишга эришдилар. Илғор районлар, хўжаликлар ва бригадалар эришган кўрсаткичлар яна ҳам қувончлидир. Ғалаба, Тўрткўл, Қўшкўпир, Амударё, Боғот, Элликқалъа, Беруний, Ҳонқа, Хива, Янгиариқ, Ғиждувон, Ромитан, Урганч, Пешку, Пахтачи каби районларнинг пахтакорлари гектаридан 40—45 центнердан, Беруний районидаги «Правда», Навоий номли, Октябрь 50 йиллиги номли, Тўрткўл районидаги Димитров номли, Максим Горький номли, Энгельс номли, «Коммунизм», «Ленин йўли», «Намуна», «Победа», Элликқалъа районидаги Охунбобоев номли, Ғиждувон районидаги Садриддин Айний номли, Пешку районидаги «Москва», Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли, Пахтачи районидаги Киров номли, Карл Маркс номли колхозларнинг деҳқонлари ҳосилдорликни 50—55 центнерга кўтардилар. Лекин шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, мазкур хўжаликлар билан бир хил шароитда бўлган бошқа колхоз ва совхозларда ҳосилдорлик нисбатан паст бўлди. Янги беш йилликда ўртача ҳосилдор хўжаликларни илғорлар даражасига кўтаришга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Бу, ҳосилдорликни оширишни таъминлайдиган ички имкониятларимиздан биридир. Демак, майдонни кўпайтирмасдан ҳосилдорликни ошириш бундан кейин ҳам муҳим бўлиб қолаверади.

6 миллион 150 минг тонна!

Республика бўйича гектаридан 32,8 центнер!

Бу юксак кўрсаткичларга қандай эришдик? Пахтачиликни жадал ривожлантиришнинг сири нимада?

Олтин қўлли пахтакорларимиз бунёд этган осмонўпар «оқ олтин» хирмонимизга назар солар эканмиз, хаёлимиздан беихтиёр мана шу саволлар ўтади.

Албатта, улкан ютуқлар осонликча қўлга киритилмади. Пахтакорларимизнинг бугунги камолоти ифодаси бўлган салмоқли рақамлар замирида уларнинг қаҳратон қишда, жазирама ёзда ва изғиринли кузда бедор ўтказган тунлари ва ташвишли кунлари ётибди. Бугунги деҳқон қудратли техника жиловини қўлига олган, деҳқончилик маданиятини пухта эгаллаган омилкор совет кишисидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз XXV съездининг юксак минбаридан туриб: «Пахтакорларимиз тўғрисида илиқ сўз айтсак арзийди. Беш йилликнинг ҳар йили пахта етиштиришда катта муваффақиятлар билан нишонланади», деб башорат қилганда деҳқонларимизнинг салоҳиятига ишонган эди.

Республикада пахтачиликни жадал ривожлантириш учун партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига суяниб бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Мирзачўлни ва Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш асосан ниҳоясига етказилди. Жиззах, Қарши чўлларида ва Бухоро областининг беполн даштларида ўн минг гектарлаб янги ерлар ўзлаштирилди, янги сув омборлари қурилди, каналлар қазилди. Қудратли насос станциялари ёрдамида Амударё суви асрий чўллар томон оқизилди. Бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланган Бухоро областининг деҳқонлари илк бор энг кўп — 630 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этдилар. Янги ерларда мўл ҳосил етиштирган қашқадарёлик миришкорлар эса ўзларининг 583

минг тонналик пахтаси билан республикамиз хирмонига барака қўшдилар.

Ўнинчи беш йиллик якунлари фан ва техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш нақадар самарали эканини яна бир бор исботлади.

Чигитни одатдаги 60 сантиметр ўрнига қатор ораларини 90 сантиметр кенгликда экишга ўтилиши ғўза парваришида механизмлардан самарали фойдаланиш имконини берди. Ҳозир уруғ экишдан тортиб, ғўзани чеканка қилиш, бир вақтнинг ўзида экинга ишлов бериш ва минерал ўғитлар солишгача бўлган мураккаб жараёнларнинг ҳаммаси механизмлар воситасида бажарилмоқда. Кейинги вақтда чигитни аниқ миқдорда ташлайдиган сеялкаларда экиш уруғни уч ҳисса тежаш имконини бермоқда ва шу ҳисобга бир иш жараёни яъни ғўзани чеканка қилиш қисқарди. Бир миллион 875 минг гектарлик пахта майдонидан 1 миллион 425 минг гектарнинг ағдариб ҳайдайдиган плуглар ёрдамида шудгор қилиниши тупроқнинг мўътадил зичлашиши, унда етарли нам тўпланишини, озуқа моддаларининг бир текис жойланишини таъминламоқда. Пахта ҳосилдорлигини ошириш омилларидан яна бири, ерга йил сайин кўпроқ минерал ўғитлар солишдир. Агар республикамиз тўққизинчи беш йилликда давлатдан 18 миллион 237 минг тонна минерал ўғитлар (шартли бирлик ҳисобида) олган бўлса, ўнинчи беш йилликда деҳқончиликда 24 миллион 414 минг тонна минерал ўғит ишлатилди. Деҳқончилик маданиятини яхшилашда ва ҳосилдорликни кўтаришда республикамиз хўжаликларида пахта — беда, пахта — маккажўхори тартибида алмашлаб экиш усулининг кенг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Дуккакли дон экинларининг пахта билан алмашлаб экилиши фақат ҳосилдорликни ошириб, тупроқ тузилишини яхшилабгина қолмасдан, балки пахтакор зоналарида чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам етарли озуқа базаси яратишга имкон туғдирмоқда. Буни Норин, Шаҳрисабз, Ромитан, «Оқолтин», Ғиждувон каби районлардаги хўжаликларнинг тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Деҳқончиликда алмашлаб экишнинг энг қулай ва самарали усулини янги беш йилликда янада кенгроқ жорий қилишимиз лозим. Партия ва ҳукуматимиз чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштиришни энг муҳим вазифа қилиб қўйган ҳозирги шароитда бу энг муҳим имкониятдир.

Вилт ва бошқа касалликларга бардошли «Тошкент-1» навининг кўплаб экилиши, янгидан ҳосилдор, сувни кам талаб этадиган ва муҳими, пахтаси пишиши билан барги табиий равишда ўзи тўкиладиган «АН-402» навининг районлаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биз олимларимиз пахтанинг самарадор янги навларини яратиш устида олиб бораётган изланишларини тезроқ ниҳоясига етказишларини, саноатимиз учун қимматбаҳо хомашё бўлган бу экиннинг жанубий ва шимолий зоналарнинг тупроқ-иқлим шароитларига янада мосроқ навларини яратиб, деҳқонларимизга тавсия этишларини истардик. Конструктор-инженерларимиз ҳам ҳозир синовдан ўтаётган универсал терим машиналарини янги беш йилликда кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, пахтакор деҳқонларимизни қувонтирадилар, деган умиддамиз.

Ўн биринчи беш йилликда пахтачилигимизнинг истиқболи янада равнақ топади. Олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва гектаридан 50—60 центнердан ҳосил олиш имконини берадиган «Пахта» агротехник ва ташкилий тадбирлар комплекси янги беш йилликда муваффақиятли амалга оширилади. Бу тадбир замирида саноатимиз учун қимматли бўлган бешинчи тип тола берадиган «АН-402», «АН-Ўзбекистон-3», «Тошкент-6», «Самарқанд-2», «Чимбой-3010», «Қизилравот» навлари ҳамда ингичка толали навлардан «С-6037», «Ашхобод-25» навларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш кўзда тутилмоқда. Шу беш йиллик давомида 500 миллион гектардан ортиқ янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик тасарруфига киритиш планлаштирилган. Саноатимиз учун қимматли хомашё бўлган ингичка толали пахта етиштиришни ҳам кескин кўпайтириш тадбирлари амалга оширилади. Ғўза парвариши билан боғлиқ барча меҳнат жараёнларини тўғри ва самарали уюштириш учун электрон машиналар ёрдамида бошқариладиган Ҳисоблаш марказлари ташкил этилади.

Республикамиз меҳнаткашлари барча совет халқи сингари жонажон партиямиз раҳбарлигида қудратли иқтисодий ва илмий-техника кучига, юқори малакали ажойиб кадрларга эга бўлган ҳолда янги беш йилликка қадам қўйди. КПСС XXVI съездини улкан ютуқлар билан кутиб олаётган қаҳрамон халқимиз янги беш йилликнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажаришга қодир.

Чорвачиликни ривожлантириш фақат хўжалик масаласигина бўлиб қолмасдан, катта сиёсий ва ижтимоий масала ҳамдир... Чорвачилик проблемасини ҳал этишнинг катта хўжалик, сиёсий аҳамиятини уқтириб ўтаётганлигимиз тасодифий эмас. Бу соҳани муваффақиятли ривожлантириш билан биз яқин вақт ичида республика аҳолисини ўзимизда етиштирилган гўшт ва сут билан таъминлашни анча яхшилашга эришамиз.

Ш. Р. РАШИДОВ

ТАШАББУС ТУҒИЛГАН ЖОЙДА

ҒАИС тунд эди. Кейинги икки кун ичида сут соғиб олиш икки юз килограммга камайиб кетибди... Бу кутилмаган ҳодиса. Раис ташвишга тушиб, калаванинг учини тополмай ўтирарди. Ўйлаб ўйига етолмаётгани кифоя қилмагандек, қўнғироқ устига қўнғироқ... У телефон трубкасини қўятуриб, дилидаги ғашликни сездирмаслик учун жилмайди:

— Мухбирлар нуқул танг пайтни пойлаб келишади-да. Юринглар, фермага борамиз, қаерда қоқинганимизни биргалашиб аниқлайлик.

Охунбобоев номидаги колхоз — Қува районида энг йирик, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан. Қарийб 1500 гектар майдонда пахта етиштиради. Ҳосилдорлик — 40 центнер атрофида. Ерининг ярми район маркази — Қува шаҳрига туташ, ярми Полвонтош адирларида.

Бу адирда колхознинг чорвачилик комплекси жойлашган. 1978 йили қурилган ферма биноси 400 сигирга мўлжалланган эди. Торлик қилди. Ёнига 100 сигирга мўлжаллаб молхона тикланди. Ҳамма иш механизмлашган. Молларга зооветеринария хизмати кўрсатишни намунали йўлга қўйиш учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Озуқа ишлаб чиқариш цехию сенаж, силос бостириш хандақлари, пичан ғарамлари — ҳаммаси ферманинг ўзида. Ана шу имкониятлар туфайли ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори 1979 йили 1977 йилдагига нисбатан 450 килограммга кўпайиб, 2655 килограммга етган эди. Ўтган йили эса 3000 килограммни ташкил этди. Лекин негадир кейинги кунларда сутнинг баракаси учди.

Машинанинг олдинги ўриндиғида ўтирганича, қўшни колхоз далаларидаги ғўзаларнинг авжини кузатиб бораётган раис Турғунбой Мамадалиев биз томонга бурилиб, салмоқлаб сўзлай бошлади:

— «Сигирлиги — маъмур эшик, сигирсизи — сағир эшик» деган мақол бор. Лекин унинг қўлга ўрганиши... Яхшиси, мен икки йил илгариги воқеани айтиб берай, гапнинг мағзини ўзларингиз чақиб оларсизлар. Шу ферма биноси қурилгач, сигирларни эски фермадан ҳайдаб келиш зарур бўлиб қолди. Оралиқ — анча олис, дала йўли. Подачи сигирларни дарвозадан ҳайдаб чиқди, қани энди жониворлар йўлини топиб юролса? Бири у ёққа, бири бу ёққа уради ўзини. Яна биттаси сув қўйилган далага ўтиб, лойга ботади, бошқаси уватдаги ўтларга тумшуғини чўзиб, пишқириб бўйин тўлғайди, чимдиб узиб олишни билмайди. Нимага? Умрида қўрадан ташқарига чиқмаган, яйлов кўрмаган-да. Бу ёруғ дунёда кўрган-билгани, танигани: биз — одамлар; кўз тиккани — бизнинг қўлимиз...

Чорвадорлик — икки миллион йиллик касб. Турғунбой Мамадалиев шу қадимий касб сирлари тўғрисида фикр юритади, икки миллион йиллик ҳақиқатни ўзи учун яна бир бор кашф қилаётгандай. Қаерда қоқинганини аниқлаш мақсадида тахминларини тош-тарози қилиб боради:

— Кеча, бирор соғувчи ишга чиқолмай, унинг сигирларини бошқа биров соққан бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Бундай ҳол ҳам бўлади: беташвиш рўзғор йўқ, қолаверса, иссиқ жон, дегандек... Сигир эса бегона қўлга иявермайди. Ахир, 35-40 бош сигир бир килограммдан сутини «қизғанган»да ҳам, икки соғишда 70-80 килограмм сут йўққа чиқади.

Биз фермага етиб келдик: раиснинг тахмини тасдиқланди ҳисоб. Аммо ферма ходимларининг жўяли саволларидан шу нарса маълум бўлдики, сут камайиб кетаётганининг бошқа асосий сабаби ҳам бор экан.

— Нега қора жўхорини ўриб едиравермай, кунимиз ўтга қолди?

— Устига-устак, у ҳам узилишлар билан ташиб келинаётибди?

— Бўлмаса, емни кўпайтиринглар...

— Ҳусанбой тутқич бермайди, сиз хабар олмайсиз...

Раис суҳбатдошларини тинчлантирди: айбни ўз бўйнига олди. Зоотехник Ҳусанбой Болтабоев билан қора жўхорига ўроқ солиш тўғрисида маслаҳатлашган эди. Лекин тушунмовчилик юз бериб-дими, ёки... ҳайтовур, рацион «суюлиб» кетибди. Бугун эса зоотехник йўқ, зарур иш билан районга кетган.

— Тушунмовчилик юз беришининг сабаби бор,— деди раис машина қўзғалиб, озуқа экинлари даласи томон йўл олганида.— Масъулият катта. Зоотехник бугуннигина эмас, эртани — қишловни ҳам ўйлайди. Баъзан муғомбирлик қилиб, бугундан бирор нарса орттириб, эртанги кунга олиб қолмоқчи бўлади.

Масъулият ҳисси... Биз районда бўлганимизда, оддий молбоқардан хўжалик раҳбаригача кундалик ташвишдан тортиб энг йирик муаммогача ўйлашини, уни муваффақиятли ҳал қилиш учун жон куйдираётганини кўрдик. Райондаги Калинин номли, Энгельс номли колхозлар чорвадорларининг ишлари билан танишганимизда бунга яна бир карра амин бўлдик. «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Ҳабибахон Ҳакимова: «Сигирнинг сути — тилида,— деди.— Чорвадор сигир билан тиллаша билса, сут олади».

Биз «Коммунизм» колхози фермасига борганимизда зоотехник Охунжон Қўлдошев, ферма мудири Раҳматжон Ҳакимов, сут соғувчилар ва молбоқарлар давра қуриб, ҳафталик рацион тузиш билан банд эдилар. Бу — муҳим, нозик иш. Колхоз 1,5 озуқа бирлиги эвазига 1 килограмм сут олади. Рацион тузишда эса сигирнинг маҳсулдорлиги, вазни, бериладиган озуқа ҳисобга олинади. Баъзи сут соғувчилар рацион тузишга аралашмайдилар, фақат мутахассисларга ташлаб қўядилар. Ҳабибахон — ундай қилмайди.

— Сигирларимни ҳеч ким менчалик билмайди, улар билан менчалик тиллаша олмайди; биз олти йиллик синаштамиз, ахир», деди у. Раҳматжон Ҳакимов Ҳабибахоннинг иш тутумини маъқуллаб шундай деди:

— Ҳабибахоннинг айтишича, сигирларини икки кун биров соғса, улар айниб қоларкан. Ўзи соғадиган бўлса, бир говмуш кунига 12-13 килограмм сут беради. Келинг, ҳисоблаб кўрайлик. Ҳакимова беш йилда 45 сигирдан 517 тонна сут соғиб топшириши лозим эди, у топшириқни икки ҳисса ошириб бажарди. Бу йил у ҳар бош сигирдан ўртача 3 минг 900 килограммдан сут соғиб олди. Ваҳоланки, бундан атиги уч йил муқаддам район партия комитетининг биринчи секретари Мусажон Шербўтаев ўз докладида пленум қатнашчиларига шундай деб уқтирган эди:

— Биз маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқмоқдамиз. Лекин чорвачилик кадрларини вояга етказиш ишига уларни жой-жойига қўйишга эътибор бермасак,

ҳар бир ходимнинг, хўжалик раҳбарининг бу муҳим тармоқ учун масъулиятини кучайтирмасак, режаларимиз қоғозда қолиб кетаверади.

КПСС Марказий Комитетининг мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда туб ўзгариш ясаган 1965 йил Март пленуми чорвачилик тараққиёти катта сиёсий-хўжалик иши эканини кўрсатиб берди, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил Июль пленумининг тарихий қарори бу соҳани юксалтиришда дастуриламал бўлди. Қува район партия комитетининг шу муҳим масалага бағишланган пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов иштирок этиши хўжаликларда ишчанлик вазиятини вужудга келтирди. Пленум арафасида эса райком биносидаги энг катта хона биринчи секретарнинг қабулхонасига айланди. Бу ердан колхозларнинг раислари, партия ташкилотлари секретарлари, чорвачилик мутахассислари, агрономлар, инженерлар, қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг қадами аримасди. Чунки масала кенг кўламда, комплекс тарзда ҳал этилиши лозим эди. Моллар зотини яхшилаш, подаларни бузоқ олиш ҳисобига тўлдириб бориш имкониятлари қандай? Маҳсулдорликни оширишнинг резервлари нималардан иборат ва уларни ишга солиш учун қандай йўл тутиш керак? Ферма биноларини шу йилнинг ўзида реконструкция қилиш мумкинми, янгиларини қуришга етарли куч борми? Озуқа етиштиришни кўпайтириш масаласи қайси тарзда ҳал қилинади?

Ҳар бир колхоз ўзи учун ишлаб чиққан тадбирларда шундай масалаларни ҳал қилишни кўзда тутган эди. Бу режаларни райком секретари Мусажон Шербўтаев раҳбарлигида етакчи мутахассислар ҳар тарафлама синчковлик билан ўрганар эдилар.

— Бизга қуруқ рақамлар керак эмас. Резерв ва имкониятларни амалга ошириш тадбирлари аниқ кўрсатилиши лозим,— деб таъкидларди райком секретари.

Район партия комитетининг пленуми чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин ошириш ҳақида қарор қабул қилди ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқди: озуқа экинлари майдонини кенгайтирмасдан уларнинг ҳосилдорлигини ошириш эвазига, фан-техника ютуқларини, илғор тажрибаларни қўллаган ҳолда 1977 йилдагига нисбатан 1980 йилда икки баравар ошишга эришиш зарурлигини таъкидлади. Беш йилликнинг иккинчи йилини эса район юқори кўрсаткичлар билан якунлади. Хусусан, 1 минг 515 тонна гўшт, 6 минг тонна сут, 1 миллион 687 минг дона тухум етиштирилди. Ҳар сигирдан ўртача 2 минг 120 килограммдан сут, бир товуқдан 111 дона тухум олинди.

«Қува район партия ташкилотидан намуна олиб, яқинда бошқа район партия комитетлари ҳам ўз пленумларини ўтказдилар,— деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумидаги докладида.— Пленумларда гўшт, сут, тухум етиштиришни беш йиллик охиригача 1,8—2 баравар кўпайтиришни кўзда тутган тадбирлар тасдиқланди. Бу жуда яхши. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюроси бу ташаббусни маъқуллади. Эндиликда мана шу белгилаб қўйилган тадбирларга яраша конкрет ташкилотчилик ишларини амалга ошириш зарур».

Қува район партия комитети, унинг бюроси ташкилотчилик ишларини, кадрларга нисбатан талабчанликни, уларда топширилган иш учун масъулият ҳиссини кучайтирди, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш учун шарт-шароит яратди.

Масъулият ҳиссининг кучайганлиги туфайли чорвачилик етакчи соҳа даражасига кўтарилди, уни муваффақиятли ривожлантиришга эришилди. Барча хўжаликлардаги ферма коллективлари коммунистлар ҳисобига мустаҳкамланди. Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Юсуфжон Мамадалиев ва бош зоотехник Фоил Мустаев таъкидлаганларидек, бундан уч йил илгари фермалардаги масъул ходимларнинг 30 процентигина махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар эди, ҳозир улар 70 процентни ташкил этадилар; 15 хўжаликда ишлаётган 22 зоотехник ва ветеринария врачи олий ва ўрта махсус маълумотга эга; 20 киши колхозлар йўлланмаси билан олий ўқув юртларида ўқимоқда.

Район партия комитетининг пленумидан кейин ўтган қарийб уч йил чорвачиликни комплекс ривожлантиришда кескин ўсиш даври бўлди. Амалга оширилган ишларни шарҳлаб беришни бош зоотехник Фоил Мустаев ва бош агроном Рўзимат Назаровдан илтимос қилдик.

— Мен, агар таъбир жоиз бўлса, «пойдевор» ҳақида гапираман,— деди Фоил Мустаев.— Аввало шуни айтишим керакки, қуваликлар маҳсулот етиштиришни уч йилда икки ҳисса кўпайтириш ташаббусини бошлаб бердилар, бунинг учун замин бор эди, албатта. Моллар зотини яхшилаш, фермаларни механизмлаштириш, зооветеринария хизматини такомиллаштириш сингари бир қанча тадбирлар амалга оширилаётган эди. Масалан, «Коммунизм» колхозида 600 бош сигирга мўлжалланган комплекс қурилган эди. Тўғри, уни фойдаланишга қабул қилиб олганимиздан кейин лойиҳадаги камчиликларни тугатиш учун кўп вақт кетди. Охунбобоев номидаги колхозда ана шундай комплекс қуриб битказилаётган эди. Масалан, колхозлараро бўрдоқичилик базаси олти-етти йилдан бери ишлаб турар, район хўжаликларида алмашлаб экиш системасини жорий қилишга зўр берилаётган эди. Бу эса озуқа базасини мустаҳкамлашнинг бирдан-бир гарови бўлди. Кейинги икки йил ичида ҳамма колхозларнинг ферма бинолари реконструкция қилиниб, тўла механизмлаштирилди. Ҳар бири 12 минг паррандага мўлжалланган 8 товуқхона қурилди. Мўл, арзон маҳсулот етиштириш омилларидан бири — сигирлар сонини кўпайтиришга боғлиқ. Биз уни район миқёсида 40 процентга етказишга аҳд қилганмиз. Сир эмас, илгарилари хўжаликлар подаларни ташқаридан мол сотиб олиш йўли билан тўлдирардилар. Эндиликда туёқлар сони бузоқларни вояга етказиш ҳисобига кўпайтирилмоқда. Зотли сигирлар алоҳида парвариш қилиниб, энг соғлом бузоқлар танлаб олинмоқда. Натижада ҳар юз бош сигир ҳисобидан 22 ғунажин, хуллас, район бўйича 680 ғунажин ўстирилмоқда. Бу тадбирларимиз келгуси йилдан самара бера бошлайди.

— Ҳали Мустаев алмашлаб экиш системаси тўғрисида хўб гапни айтди,— деди Р. Назаров.— Илгарилари айрим хўжалик раҳбарлари озуқабоп экинлар учун унумсиз ерларни ажратар эдилар: «Экдингми — экдим» қабилида иш тутардилар. Кейин зир югуриб, пахтачиликдан тушган пулни пичанга, емга сарфлардилар. Алмашлаб экиш системаси жорий қилинганидан кейин эса аҳвол тубдан ўзгарди, ишчан раҳбарлар бир йилда икки йилга етадиган ем-хашакни жамғариб олмоқдалар. Бунинг устига районда юқори ҳосил берадиган экинларни танлаб экиш, беда, ғалла, хашаки лавлаги сингари илгаридан экиб келинган экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, бир далага икки-уч марта экин экиб ҳосилни йиғиштириб олиш, оралиқ экинлар экиш, аралаш экиш каби усуллар қўлланилмоқда. Масалан, район хўжаликларининг ҳаммасида оқ жўхори, судан ўти, қора жўхори (судан ўти билан оқ жўхорининг дурагайи) экиш жорий қилинди. Бошоқли экинларнинг ҳосилдорлиги 25 центнердан 40 центнерга, хашаки лавлаги ҳосилдорлиги 200 центнердан 800 центнерга, беда пичани 200 центнерга, маккажўхори дони 75 центнерга етказилди. Озуқа етиштириш борасида районда қандай йўл тутилаётганини Димитров номидаги, «Социализм», «Коммунизм», Калинин номидаги колхозлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Яхшиси, Охунбобоев номидаги колхозни олайлик. Хўжаликда 1 минг 200 бош қорамол, 5 минг бошга яқин қўй-қўзи, 3 минг товуқ бор. Тасаввур қилинг-а, шунча молни, паррандани 263 гектар ерга ёйиб юборса, бир кунда бу бошидан кириб, нариги бошидан чиқади, яна тўймай ҳам қолади.

Кейин биз хўжаликлараро бўрдоқичилик базасида бўлиб, озуқа етиштиришдаги чинакам тадбиркорлик самаралари билан танишдик. Бу ерда бир йилда 3 минг бош мол боқилади. Иш тартиби шундай: бугун 200 бўрдоқи гўшт учун топширилса, эртага бунинг ўрни тўлдирилади ва ҳоказо. 1980 йилда хўжалик 600 тонна гўшт, шундан 450 тоннасини эса молларни семиртириш ҳисобига етиштирди. База директори Фозилжон Сўфихўжаев коллективнинг меҳнатини яққол кўрсатадиган рақамларни эсга олди: боқиб семиртириш ҳисобига етиштирилган 1 центнер гўштнинг таннархи 1975 йили 161 сўм 34 тийин, 1978 йили 153 сўм 83 тийинни ташкил этган бўлса, 1970 йил 134 сўмга тушди. Нимасини айтасиз, арзон гўшт!

— Озуқа экинлари майдони қанча?— деб сўрадик директордан.

— 502 гектар.— Директор бир варақ қоғозга рақамлар ёзиб ҳисоблади.— Бир йилда ҳар гектар ер ҳисобига 6 бўрдоқи боқамиз. Ёки: ҳар юз гектар ҳисобига 120 тонна гўшт етиштирмоқдамиз. Бунга фақат озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш туфайли эришдик. Айни пайтда мавжуд майдоннинг тенг ярмига ҳар йили уч мартадан экин экиб, ҳосилини йиғиштириб олмоқдамиз.

Бу рақамлар — жонли. Улар мазмунини изланишлар, ташаббуслар ташкил этади. Улар илмий-техник революция асри деҳқончилигининг намунаси бўлгудек. Қувалик дўстларимиз гапнинг кавшари сифатида келтирган рақамларга худди шу нуқтаи назардан қаралса, уларнинг чинакам мазмуни намоён бўлади. Ҳамроҳимиз — Охунбобоев номидаги колхоз раиси Турғунбой Мамадалиев сўзларига қулоқ тутганда, хаёлимга шу фикр келди.

— Колхозимизда алмашлаб экиш системасига мувофиқ ҳар йили 60 гектар бедазор чигит экиш учун бўшатилиши керак,— деди Турғунбой ака,— Биз шу майдондаги бедани яхши парвариш қилиб, уч ўримда 200 центнердан ҳосил олмоқдамиз. Қолган икки ўримдан воз кечамиз. Бедапоянини бузиб, маккажўхори экамиз, 600 центнерга етказиб кўкпоя ўрамиз. Сўнгра, яна шудгорлаб, рапс экамиз, У декабрь ойида етилади, ўриб, молларга едирамиз. Бу — бир даладан уч экин, ҳар гектар ердан қарийб 1000 центнер озуқа олинди дегани. Айниқса, қора жўхори жонимизга ора киряпти: олти марта ўриб олиш мумкин. Ҳар ўримдан кейин яна бачкилайди. Гектар ҳисобига 2 минг 200 центнерга етказиб ҳосил ундираётирмиз. Хуллас, районда кейинги уч йил ичида чорва учун озуқа жамғариш икки баравар кўпайгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, озуқа етиштириш — қуваликлар қўлга киритаётган ютуқларнинг омили. Бу ютуқлар эса оз эмас. Районда 7 минг 368 тонна гўшт, 30 минг 306 тонна сут, 10 миллион тухум етиштирилиб, ўнинчи беш йиллик планни тўрт ярим йилда бажарилди. Тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 1,5-1,9 ҳисса кўп маҳсулот олинди. Қорамоллардан, совлиқлардан насл олиш планлари анча ошириб адо этилди.

Район партия комитетининг XII пленуми тасдиқлаган тадбирлар ва уларнинг бажарилиши билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, ўртоқ М. Шербўтаев шундай дейди:

— Гўшт етиштириш икки йилдаёқ 95 процентга, тухум — 57 процентга кўпайди. Сут етиштиришда мўлжалдан сал чекиниш бўлди: 40 процент ўсишга эришдик, холос. Лекин 1980 йилдаги натижаларимиз яхши. Сигирлар сонини 327 тага кўпайтирдик.

Ҳақ гап. Район партия комитети белгилаган тадбирларнинг изчил амалга оширилаётгани туфайли Қува меҳнаткашлари кўзланган мақсад сари собит қадамлар билан бормоқдалар. Аввало баркамол маънавий-сиёсий муҳит, ажойиб иқтисодий шарт-шароит, сўнгра бир жиҳати Қува каби байроқдор районлар сабаб бўлиб, республикамиз чорвадорлари ўртасида социалистик мусобақа борган сари зўр кучлар билан тўлқинланмоқда, янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари туғилмоқда. КПСС XXVI съезди шарафига қизғин давом этаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ижодий меҳнат мўъжизаларини яратмоқда. Ўзбекистон вакиллари — Кўқон Нон комбинатининг бригада бошлиғи Мақсуд Усмонхўжаев, Бухоро областининг Томди районидаги В. И. Ленин номли совхоз бош чўпони Қодирмурод Қорабеков, Фарғона областининг Олтиариқ районида-



«Ленинизм» колхозининг моҳир соғувчиси Ҳалимахон Халилова 1980 йили ўзига бириктирилган 40 бош сигирнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга эришди.

Қува район партия комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг депутати Мусажон Шербўтаев (чапдан иккинчи) «Коммунизм» колхозининг чорвачилик комплексида правление раиси Қўлдош Аҳмедов, ферма мудири Раҳматжон Ҳакимов, зоотехниклар Охунжон Қўлдошев ва Раҳматжон Олимов билан гўшт-сут маҳсулотларини кўплаб етиштириш тадбирлари тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Охунбобоев номидаги колхознинг илғор соғувчилари (чапдан) Мурибат Ариева, Хосиятхон Қирғизбоева, Эътиборхон Жалилова ва Хатима Тиллабоева ўртоқлар КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар.

Ғ. ҚОСИМОВ фотолари

ги Ф. Энгельс номли колхоз ипакчилик звеноси бошлиғи Фазилат Қўзибоева, Шаҳрихон Қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаватор машинисти Ёқубжон Марасулов ўртоқлар ҳам 1980 йилги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил Октябрь пленумидаги ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёркин ва сермазмун нутқи, серқуёш ўлкамиз меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг пахтачиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорларини амалга оширишда жуда катта муваффақиятларга эришганликлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари учун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ленин ордени билан мукофотлангани қувалликларни ҳам янада илҳомлантириб юборди. Район пахтакорлари, чорвадорлари ўнинчи беш йилликни, унинг ҳал қилувчи йили план ва топшириқларини шараф билан бажардилар, КПСС XXVI съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрладилар.

Бахтли замонада ҳар тарафлама камол топаётган Қува райони меҳнаткашлари саломини ҳам қабул эт, шонли Ленин партиясининг XXVI съезди!

Фарғона

Омон ЖОРҚИНБОЕВ

Усмонжон ШУКУРОВ

Энг ҳаққоний сўз

Бу кўҳна ва бу ёш дунёнинг
Қадди мағрур ҳаққоний сўздан.
Бундай сўзлар нур сочиб турар
Соф юракдан, беғубор кўздан.

Мен истайман: чин инсон сўзи
Қуёш қадар ҳаққоний бўлсин.
Унинг сутдай пок ёғдулари
Одамларнинг қалбига тўлсин!

Яшаши кўп оғир ҳаққоний сўзнинг.
Ўлиши ақлга сиғмайди зарра.
Уни маҳв этолмас жаллод болтаси,
Уни маҳв этолмас дорлар ва дарра!

Иродалар жамулжами ҳаққоний сўздир!
Юракларнинг ёниқ шами ҳаққоний сўздир!
Замин узра зеҳн билан боқсангиз қаён,
Унинг мағзи-моҳияти бир сўзда аён:
Ленин!

* * *

Боғда кезар заъфарон ел,
Боғда сокин ҳаяжон.
Бунда Кузак ўқийди шеър
Навоий бобомсимон.

Босар Вақтнинг елкасидан
Мўл ҳосилнинг залвари.
Бунда барглар нафасидан
Оқар офтоб зарлари.

Бўлса кимнинг қўллари гул,
Куздай кулар омади.
Боғда нурга ғарқ кўринур
Кузнинг мағрур қомати!

* * *

Қизим, қўлларингни чўзасан кунга,
Оташ нурларини тўкади офтоб.
Пилдираб югурсанг, тунда йўлингга
Сутдай ёғдуларин тўшайди моҳтоб.
Ҳузурига борсанг, дарё шовуллаб,
Жонбахш қўшиқларга чулғар дилингни.
Далаларга боқсанг, борлиқ гувиллаб,
Майин чайқалтирар қўлда гулингни.
Сен бобо Қуёшга айлагил таъзим,
Далаю дарёга бағишла зийнат.
Улар шунча меҳр кўргизиб, қизим,
Меҳнатларин асло қилмаслар миннат.
Уларда чегара билмайди ҳиммат,
Қизим, улар буюк, оддийдир яна.
Билсанг: буюкларда бўлмайди миннат,
Буюклар бир умр яшар бетаъма!

Бошқарув маркази — комплекс юраги...

ЖАҲОНДА ЭНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ

Мамлакатимизда капролактам ва азотли ўғит ишлаб чиқарувчи энг катта комплекснинг қисқа фурсатда қуриб битказилиши Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада юксалтириш, саноатнинг бир қанча муҳим тармоқларини синтетик хом ашё билан таъминлашни яхшилаш, халқ истеъмол қиладиган моллар тайёрлашни кўпайтириш, республикада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Чимён тоғ этакларидан бошланадиган Чирчиқ дарёси соҳилларининг гўзал манзаралари кимларни мафтун этмайди... Гўзал Чимён бағрида вояга етган Фахриддин Юсупов шоир бўлиш орзусида эди. Лекин у шоир бўлмади. Индустриал Чирчиқ уни кимёгар бўлишга ундади: Фахриддин Тошкент Тўқимачилик институтининг кимё технология факультетини битирди. Қурувчи студентлар билан биргаликда Капролактам комплекси қурилишида қатнашди. Ўшанда шу корхонага келиб ишлашни кўнглига тугиб қўйган эди. Институтни битиргач, Чирчиққа юборишларини илтимос қилди.

Кейин иш жараёнида мураккаб технологияли, замонавий техника эстетикасининг энг янги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган бу корхонада ишлайдиган инженер руҳан шоир бўлиши кераклигини пайқади. У шундай мутахассис бўлдими-йўқми, ўзи буни аниқ айтолмайди. Аммо шу бугунги ишидан жуда мамнун.

Комплекс биноси Чирчиқ манзарасига уйғунлашиб кетди. Гўзал табиат оғушида санъат асаридек кўркам замонавий саноат корхонаси қад кўтарди: инсон қўли билан бунёд этилган иншоот табиатни гултож бўлиб безади.

Комплекснинг ташқи кўринишини сўз билан тасвирлаш қийин. Уни кўриш керак. Бугун у қуёш нурларида беқиёс товланди. У кўпқаватли осмонўпар бинолардан ташкил топган кичик бир шаҳарни эслатади. Фахриддин корхона биносининг гўзаллигини Пикассонинг бир асарига ўхшатди. Ўша асарда шаҳар манзараси, уйлар, кўчалар уч ва тўрт бурчакли шакллар воситасида ниҳоятда жозибали ва оригинал тарзда тасвир қилинганди. Комплекс қурилишини бутун маҳобати ва гўзаллиги билан тасвирлаш учун зўр рассом керак. Шундай корхона қурилишида иштирок этганлиги, ниқоят, шу ерда ишлаётганлигидан ғурурланди.

Олдинда кетаётган машина шофёри илкис тормоз босди. Фахриддин ҳам «Жигули»сини кескин тўхтатди. Машина эшигини очиб, шина протекторига кўз ташлади. «Бунақа тўхташларга резина чидайдими?» деб ўйлади.

Салқин ҳаво этини жунжиктирди. Сал енгил тортди... Олдинда турган машина ўрнидан қўзғалгач, Фахриддин ҳам машинасига чиқди. Беихтиёр диплом ишини, ўшанда қилган ҳисоб-китобларини эслади: «Капролактамдан тайёрланган шиналар бошқа материаллардан тайёрланган шиналарга қараганда уч баробар кўп хизмат қилади. Мамлакат миқёсида капролактам шиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш натижасида миллион-миллион сўмлик маблағ тежалади».

Бугун эса мамлакатдаги энг йирик Чирчиқ капролактам комплексида ана шундай қимматли хом ашё олинди. 52 алоҳида корхонадан ташкил топган мураккаб киём комплекси ишга тушди.

Бу кунни Фахриддин бир умр унутмайди: бу кун корхонанинг кўп мингли коллективи учун улуғ байрам. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Чирчиқ Электр кимё ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактам ва аммоний сульфати ишлаб чиқарувчи комплексни қуриш ва ишга тушириш қатнашчиларига табрикнома йўллади, мамлакатимиз миқёсида энг катта комплекснинг қисқа муддатда қуриб битказилишини ижодий ташаббуснинг ажойиб намунаси сифатида юксак баҳолади. Шу муносабат билан ўтказилган митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шараф Рашидович Рашидов иштирок этди, бир гуруҳ мутахассислар қаторида Фахриддинни ҳам катта ғалаба билан табриклаб, муваффақиятлар тилади.

Ёмғир севалаб ўтган, равон йўлдан елиб бораётган «Жигули»ларнинг шивиллаши қулоққа чалинади. Фахриддиннинг кайфияти яхши. Аммо бу яхши кайфият — сермашаққат кунлар, уйқусиз тунлар эвазига келган мукофот. Айниқса сўнгги ойлардаги қийинчиликлар катта синов бўлди: капролактамни гипохлорид воситасида тозалаш узели кўпчиликни жуда қийнаб қўйди — мураккаб лойиҳанинг камчилиги намоён бўлди.

Воқеа эса бундай бўлганди: асосий цехлардан биридаги двигатель тўсатдан тўхтаб қолди. Кутилмаганда,— бунинг устига ярим кечаси,— бутун корхонанинг иши издан чиқди.

Корхона самолётини амрига бўйсундира олмаётган учувчининг аҳволига тушган эди. Ўшанда у, негадир, аввало академик Королёвнинг: «Авария ҳодисаларини синчиклаб ўрганиш керак. Бу кўпинча масалани ҳал этишнинг принципиал янги йўлларини кўрсатиб беради», деган сўзларини эслади.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Одатдаги, эрталабки маслаҳатда корхона қурилишида иштирок этаётган италиялик мутахассислар ишдан чиққан двигателни янгиси билан алмаштириш кераклигини айтдилар. Лекин кўп ўтмай, иккинчи двигатель ҳам куйиб кетди.

Шу куни Фахриддин Юсупов — Капролактам комплекси бошлиғи ўринбосари кечаси билан двигатель бажараётган иш ҳажмини ҳисоблаб чиқди. Эрталабки маслаҳатда у: «Узелга янги юқори қувватли двигатель ўрнатиш керак», деди. Бу эса энг илғор ҳисобланган чет эл технологиясига ўзгартириш киритиш деган гап эди. Фахриддин Юсупов таклиф этган юқори қувватли йирик двигатель ўрнатилди. Натижада корхона йилига лойиҳада белгиланганидан 10—15 процент кўп капролактам ишлаб чиқарадиган бўлди.

Капролактам эски технология бўйича бензолдан, бензол эса ўз навбатида яна бир кимёвий хом ашё — толуолдан олинар эди. Чирчиқ комплекси жаҳон практикасида биринчи бор капролактамни бевосита толуолдан олиш имконини берди. Натижада толуолдан бензол ажратиб олишдек бутун бир технологик жараён қисқарди. Мураккаб ускуналар билан жиҳозланиши керак бўлган катта бир корхона қурилишига эҳтиёж қолмади. Бу эса маҳсулот таннархини арзонлаштирди. Чирчиқда энг арзон капролактам олинди. Айни бир пайтда технологияни такомиллаштириш, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш устида қизғин иш олиб борилмоқда.

КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қила-

ётган янги комплекснинг навқирон коллективи корхонани муддатидан илгари лойиҳа қувватида белгиланган даражага кўтаришга аҳд қилди. Дастлабки ҳисоб-китоблар бу кўрсаткичлар ҳам ошириб бажарилажагидан далолат бермоқда. Технологияга киритилган ўзгартиришлар мамлакатдаги энг йирик комплекс қувватини ошириш билан бирга, жаҳонда энг юқори сифатли қимматли саноат хом ашёси — капролактам олиш имконини берди. Капролактамни тозалаш цехи бошлиғининг ўринбосари Собир Замитов киритган янгилик эса хомашё сифатини лойиҳа кўрсаткичидан ҳам анча ошириш имкониятини берди. Бундай юқори сифатли капролактамнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти,— ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасида қайд этилганидек,— ниҳоятда катта.

Фахриддин ўйланиб борар экан, кўз олдидан конларда ишлатиладиган улкан «БелАЗ»лар, пахта териш машиналари, Қозоғистон чўлларида кезаётган «Кировец»лар, шаҳарлараро қатнайдиган «Икарус»лар ўтди. Уларнинг ҳаммасига юқори сифатли шина керак. Чирчиқ капролактамидан тайёрланган шиналар эса ана шундай юқори сифатга эгадир.

Хаёл билан уйга етиб келганини билмай қолди. Уйга кирганда: «Дада, дада, телевизорда сизни кўрсатаётибди, сизни кўрсатаётибди», деб беш ёшли қизи Нодира унинг бўйнига осилди.

Телевизор экранида «Время» информацион программасида Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган митинг ҳақида репортаж берилаётган эди.

...Сўнгги олти ой мобайнида у биринчи бор қаттиқ уйқуга кетди.

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ

Чирчиқ электр кимё саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси Капролактам комплексининг бошқарув маркази: италиялик мутахассис Лучано Борго ва оператор Валентина Ваганова иш устида.

Бутун комплекс меҳнат аҳли каби, компрессор мосламалар машинисти Фароғат Тўланова ва смена бошлиғи Юрий Дорофеев ишлаётган 2-цех ишчилари ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасидан руҳланган ҳолда, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

6-цех ходимлари Гулчеҳра Қодирова билан Назокат Илҳомова Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қизғин иштирок этмоқдалар.
А. ЖДАНОВ фотолари

ҚАВАТЛАР ҚАНОТИ

Қадимий Самарқандда замонавий саноат корхоналари кўп. Уларда ишлаб чиқарилаётган хилма-хил маҳсулотлар — пахта тозалаш саноати ускуналари, кино аппаратлари, трактор ва автомобиль қисмлари, камалакранг шойи газламалар Иттифоқимиздагина эмас, ундан ташқарида ҳам маълум. Шаҳар саноати ходимлари кейинги йилларда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу борада айниқса СССР 50 йиллиги номидаги Лифтсозлик заводи коллективининг ишлари ибратли. Корхонанинг ишга туширилганига ўн йил бўлди. Бу вақт ичида завод ҳар томонлама такомиллашди, ишчиларнинг малакаси ошди. Мана бугун корхонада 60 процент маҳсулот Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Завод ҳовлисида аввал тўрт қаватли маъмурий бино кўзга ташланади. Қуюқ соя ташлаган дарахтлар, анвойи ҳид таратиб турган гулзорлар кишига завқ бағишлайди. Ҳовлисининг четроғида темир панжара билан тўсилган кенг гаражда ишчи ва инженер-техник ходимларнинг машиналари тизилиб турибди. Бу ерда ҳар ўн ишчининг бирида енгил машина бор.

Эшикдан ичкарига киргач, ёнма-ён ўрнатилган иккита лифтга рўпара келасиз. «Тўрт қаватли бино учун ҳам лифт ўрнатишибди-да?», деган фикр хаёлингиздан ўтади. Бунинг сабабини тушунтиришади: лифтларнинг ишини мунтазам кузатиб бориш, ундаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, камчилиги аниқланса буни дарҳол бартараф этиш учун шундай қилинган. Хуллас, мутахассислар, конструкторлар лифтда юқорига кўтарилганда ҳам, пастга тушганда ҳам эшикларнинг очилиш-ёпилишидан тортиб қандай шовқин чиқаришигача — ҳаммасига эътибор берадилар.

Учинчи қаватга кўтарилиб директор хонасига кирдик. Ушер Лейбович Розенвейг нима мақсадда келганимизни эшитгач, бизни корхона музейига таклиф этди.

Музейга қўйилган ҳар бир экспонат завод коллективининг қайноқ меҳнати ва тинимсиз изланишларидан гувоҳлик берарди. Янги бир детални ишлаб чиқаришми ёки қандайдир механизмни металлдан бошқа равонроқ материалдан тайёрлашми — ҳамма-ҳаммасининг ўз тарихи бор.

Девордаги карта-схемада Самарқанд лифтлари жўнатилаётган асосий шаҳарлар кўрсатилган: Тошкент, Олмаота, Уфа, Горький, Свердловск, Новосибирск, Хабаровск... Улар юздан ортиқ.

Завод В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида ишга туширилган эди. Тайёрланган дастлабки лифтлар Навоий ва Свердловск шаҳарларининг қурувчиларига жўнатилган эди. Биринчи буюртмачилар мамнуният билдиришди. Дастлабки ютуқлардан руҳланган лифтсозлар ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш йўлларини қидирдилар. Мутахассислар пассажир лифтларидаги айрим нуқсонларни тузатдилар. Лифт эшигига реверс қурилмаси ва кабина ичига микрофон ўрнатиш таклиф этилди. Бунинг учун эса қўшимча ишларни амалга ошириш лозим эди. 1972 йилдан конструкцияси яхшиланган лифтлар йўлга қўйилди.

Коллектив изланишни давом эттирди. 320 килограмм юк билан секундига етмиш бир метр тезликда ҳаракат қиладиган пассажир лифтлари тайёрлана бошланди. Бу лифтлар Давлат Сифат белгиси билан тақдирланди.

Корхона ишчилари ва мутахассислари маҳсулот таннархини камайтириш, лифтларнинг оғирлигини камайтириш йўлини қидиравердилар. Деталларни қуйма капрондан тайёрлашга ўтилгач, бир лифтни ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақт 22 соатга камайди, йилига 95 тонна металл тежаладиган бўлди. Илгари лифтнинг эшик редукторлари чўяндан тайёрлангани учун оғирлиги 9 килограмм эди. Ҳозир уни алюминийдан қуйма равишда ясамоқдалар. Энди унинг оғирлиги 1,4 килограмм, ишлаб чиқариш жараёни енгиллашиб, саккиз кишини бошқа ишга ўтказиш имконияти туғилди.

1976 йилда конструкторлар ва мутахассислар ҳамкорликда ишлаб, секундига бир метр тезликда юрадиган лифт яратдилар. Бундай лифтлар ҳам Сифат белгиси билан баҳоланди.

Корхонанинг ишчан коллективи Иттифоқимизда биринчи бўлиб 250 килограммгача юк кўтарадиган кема лифтлари ишлаб чиқара бошлади. Кема ошхонасидан каюталарга озуқа етказиб берадиган ихчам лифтлар ҳам сув транспорти ходимлари ва саёҳатчилари учун қулай келди.

Завод ходимлари лифт учун янги қулай механизм ўйлаб топдилар.

Бу механизм лифт эшигини ва кабинасини ҳаракатлантиради. Ҳозир фойдаланаётган лифтлардаги редуктор бир оз шовқинли. Янги механизм эса редукторсиз ишлайди ва натижада лифт кабинасида мутлақо шовқин бўлмайди. Корхона коллективи яқин вақтларда ана шундай лифтларни ҳам ишлаб чиқара бошлайди.

Корхона тобора такомиллашмоқда, кўрсаткичлар салмоғи йил сайин ортмоқда. Завод лойиҳа қуввати бўйича ишлай бошлагач ишчилар сони планда кўзда тутилганидан 600 кишига камайди. Шу фактнинг ўзиёқ коллективнинг вақтдан ўзиб кетганлигини кўрсатади. Бу, ишга юксак маъсулият билан ёндашиш, ишлаб чиқаришни ҳар бир участкада тўғри ташкил этиш ва социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйиши самарасидир.

Лифтсозлар тўққизинчи беш йилликдаёқ ўнинчи беш йиллик учун мустаҳкам замин ҳозирлаган эдилар. Шунинг учун ҳам натижалар кутилганидан ортиқ бўлмоқда: беш йилликнинг тўрт йили давомида буюртмачиларга 23 минг лифт жўнатилди, маҳсулотни реализация қилиш 49,2 процент ортди, ишлаб чиқаришдан 40 миллион сўм соф фойда олинди. Энг муҳими — маҳсулот сифати янада яхшиланди.

Ҳар бир ютуқ салмоғи минглаб кишиларнинг меҳнати, фидокорлиги билан ўлчанади. Самарқандлик лифтсозлар ўнинчи беш йилликни «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» деган шиор билан бошлаган эдилар. Ташаббускорлар маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнатни комплекс бошқариш системасини жорий этиш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни уюшқоқлик билан амалга

ИСЁНКОР ШЕЪР

1982 йилнинг июль ойида қардош белорус халқининг классик шоири Янка Купала туғилганига 100 йил тўлади.

ЮНЕСКОнинг қароригa мувофиқ бу сана жаҳон миқёсида кенг нишонланади. Шу муносабат билан Минскдаги «Мастацкая литаратура» нашриёти буюк шоирнинг «Кимлар келади?» деган машҳур шеърини жаҳон халқлари тилларида алоҳида китоб ҳолида нашр этишга тайёрламоқда.

1907 йили ёзилган бу исёнкор руҳдаги шеър революцион белорус ишчиларининг гимнига айланиб, улуғ пролетар адиби Максим Горькийнинг эътиборини тортган эди. Шеър рус тилида Максим Горький таржимасида революциядан илгари босилиб чиққан.

Асарни турли тилларга Максим Горький, Людас Гира, Максим Рильский, Луи Арагон ва бошқа машҳур шоирлар таржима қилганлар. Китобда «Кимлар келади?» шеърининг ўзбек тилидаги таржимаси ҳам босилади. Шеърни ўзбекчага СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таржима қилган.

Янка КУПАЛА

Кимлар келади?

Кимлар келар бу томон, кимлар келади,
Бўлиб катта оломон, кимлар келади?
— Бу — белоруслар.
Нелар элтар елкада мушкул йўлларда,
Бу чорикли, қонталаш оёқ-қўлларда?
— Машъум қисматин.
Улар қайга элтмоқчи машъул қисматин,
Кимларга арз этмоқчи аччиқ ҳасратин?
— Бутун жаҳонга.
Бу миллионлар кўзини очган ким бўлди,
Шум қисматдан кечмоққа тортган ким бўлди?
— Муҳтожлик, алам.
Асирлару кўру кар, ҳақир гумроҳлар
Эндиликда исёнкор, нимани хоҳлар?
— Инсонлик қадрин.

оширдилар. Дастгоҳларни бошқарувчилар ва йиғувчиларнинг меҳнатини балл системаси бўйича баҳолаш жорий этилди.

Йил давомида юқори баҳо олган ишчиларга «Ўз касбининг моҳир устаси» унвони берилди. Улар маҳсулотдан техник назорат бўлимисиз тўғридан-тўғри фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Илғор ишчиларга билдирилган бу ишонч туфайли сифатни яхшилаш бўйича янги резервлар топилди. 3-цех бурғуловчиси Юсуф Иброҳимов, шу цех токари Ҳасан Исмоилов, 1-цех фрезерчиси Валерий Шостаковский, 4-цех йиғувчи слесарлари Ислом Оллоёров ва Станислав Калганов сингари илғор ва ташаббускор ишчилар самарали меҳнатлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. 3-цех токари Николай Горелов, фрезерчи Анатолий Петров, 5-цех мастери Искандар Сари ва 11-цех слесари Илья Потапов эса бир неча йил давомида аъло кўрсаткичларга эришганлиги учун СССР Қурилиш саноати министрлиги томонидан «Ўз касбининг моҳир устаси» унвони билан тақдирландилар.

Завод маъмурияти ва жамоат ташкилотлари моддий рағбатлантириш омилларидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Масалан, фақат 1979 йилнинг ўзида ишчиларга ўн учинчи маош тариқасида 160 минг сўм берилди. Илғор ходимлар ва коллективлар учун тақсимланган мукофот эса 306 минг сўмни ташкил этади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида» деб чиқарган қарорида ишни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ

КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашаётган механика цехининг токари Мавжуда Сингатуллина 1983 йил ҳисобига ишламоқда.

тўлашнинг самарали янги усулларини кенг қўллаш алоҳида таъкидланган эди. Волжск Автомобиль заводи коллективи мазкур қарор асосида мамлакатимизда биринчи бўлиб ишни ташкил этишнинг бригада методини жорий этди. Самарқандлик лифтсозлар ҳам бу усулга биринчилар қаторида ўтдилар. Ҳозир заводда ўттизга яқин бригада шу усулда ишламоқда.

Бу янгиликнинг афзалликлари нимада?

Бригада бошлиғи Сарвар Умаров буни шундай изоҳлайди:

— Янгиликни жорий этганимизга икки ой бўлди. Шу қисқа вақт ичида меҳнат унумдорлиги 15 процент ортди. Бу усул ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун жон куйдиришини тақозо этади. Гап шундаки, илгари коллективнинг ҳар бир аъзоси ишига яраша ҳақ олар ва бригадага ажратилган мукофотга тенг шерик бўлар эди. Энди эса бригада кенгаши ҳар ишчи меҳнатининг самарадорлик коэффициентини ҳисоблаб боради. Иш ҳақи ҳам, мукофот ҳам шунга қараб тақсимланади. Бригада коллективига эса бажарган иш ҳажмига, унинг сифатига қараб ягона наряд бўйича ҳақ тўланади. Демак, коллектив ҳар бир кишининг яхши ишлашидан манфаатдор. Ҳамма гап мана шу манфаатдорликда.

Бошқа цехлар ва участкалар ҳам самарали янги усулга ўтиш ҳаракатини қилмоқдалар. Корхонанинг ишчан инженер-техник ходимлари шахсий ижодий режалар асосида ишлаб, оғир меҳнат жараёнларини енгиллаштириш ва ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштиришга, материалларни тежашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Бош технолог ўринбосари Александр Кочемасов, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Ҳайдар Алимов, конструктор-инженер Лариса Дашкина шундай жонкуяр рационализаторлардан.

Завод маъмурияти ва жамоат ташкилотлари ишчилар учун қулай иш шароити яратишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Кейинги йилларда корхона ходимлари учун учта кўп қаватли уй ва болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Сўлим Ургут тоғи бағрида ишчилар учун дам олиш зонаси барпо этилмоқда.

Коллектив бугунги вазифаларни аъло бажариш билан бирга эртанги кун режаларини ҳам белгиламоқда. Завод келгуси беш йилликда жаҳон стандарти талабларига тўла жавоб берадиган янги пассажир лифтларини кўплаб ишлаб чиқаради.

«КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ўн кунлик!» деган шиор остида тобора унумли меҳнат қилаётган самарқандлик лифтсозлар ўнинчи беш йиллик планини ошириб бажариб, янги беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Аҳмаджон МУХТОРОВ,
Исо АБДУРАҲМОНОВ

Самарқанд Лифтсозлик заводи бош инженери Виктор Бабаскин (чапда), йиғув цехининг бошлиғи Тамара Чернявская, ишлаб чиқариш ва диспетчерлик бўлими бошлиғи Айдар Алимов иш сменаси якунларини муҳокама қилмоқдалар.

Қуйиш-галваника цехининг илғор ишчиси Элмурод Шарипов билан мастер Али Алиев иш сифатини аъло бажарадилар.

Ғ. АЛИЕВ фотолари

ИЛМНИНГ КАТТА ЙЎЛИДА

Мухбиримизнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик ***Обид Содиқов*** *билан суҳбати*

Мухбир: — Мамлакатимиз халқ хўжалигининг ривожланишига ҳар беш йилда якун ясаб, эришилган ютуқларга бир назар ташлаш ҳамда навбатдаги беш йиллик режаларини кўриб чиқиш бизда шонли анъанага айланган. Бу муддат яна шунинг учун ҳам юксак эътиборга эгаки, у мамлакатимиз коммунистларининг олий анжумани — съезд томонидан белгиланади. Беш йиллик планларда социалистик жамиятимизнинг ҳамма тармоқлари қамраб олинади, уни қабул қилишда кўп муҳим масалалар, жумладан, илм-фан ва техника тараққиётининг асосий йўналишлари ҳам назарда тутилади.

Обид Содиқович! Биз, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки кунларида, совет халқлари ва бутун илғор инсоният партиямизнинг навбатдаги XXVI съездини ҳаяжонланиб кутаётган дамларда суҳбатлашмоқдамиз. Ҳар бир беш йиллик Ватанимиз тарихида катта юксалиш босқичи бўлиб қолаётгани шубҳасиз. Буюк тарихий воқеалар сирасида, ўтилган йўлга ана шу босқичдан туриб назар ташлаш ғоят мароқлидир. Шундай экан, ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон олимларининг илм-фан йўлида қўлга киритган ютуқлари, умуман, республикамизда фан тараққиётининг ҳозирги аҳволи хусусида сўзлаб берсангиз.

Президент: Бажонидил. Аввало, айтиш керакки, бугунги ўзбек олимлари қўлга киритган ютуқларнинг туб илдизи жуда мустаҳкам ва чуқур. Ўтмишда яшаган буюк юртдошларимиз фақат халқимиз тарихига эмас, балки бутун инсоният тафаккурининг ривожига залворли ҳисса қўшганлар. Ҳозир фан-техниканинг қайси бир соҳасида тадқиқот олиб борилмасин, ўша буюк зотларнинг илмий тажрибаларидан сабоқ олиш, уларнинг ҳозирги фан тараққиёти учун зарур бўлган жиҳатларидан фойдаланиш жоиздир.

Партия ва ҳукуматимиз миллий республикаларда илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. КПССнинг XXIV ва XXV съездларида бу масалага ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берилди. Халқнинг турмуш фаровонлиги орта боргани сари, одамзод фан-техника кўмагига кўпроқ муҳтож бўлади. Асримиз ўрталарига келиб совет халқининг турмуш фаровонлиги, яшаш тарзи шу қадар тез ривожлана бошладики, инсониятни порлоқ келажакка элтувчи фан тараққиёти ҳам шу тезликка монанд бўлиши кундек равшан эди. Ушбу ҳаётий заруратнинг XXIV съездда алоҳида таъкидлангани ҳамда XXV съездда унинг ривожланиш йўллари жуда конкрет белгилаб берилганлиги ленинчи Коммунистик партиянинг буюк доно сиёсати шарофатидандир. Съездда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «Мамлакат олдида турган хилма-хил иқтисодий ва социал вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун меҳнат унумдорлигини тез ўстириш, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширишдан бошқа йўл йўқ, деб қатъий таъкидлади. Шунингдек, ҳозирги босқичда экономикани ривожлантиришнинг асосий проблемалари хусусида тўхталиб, даставвал фан-техника тараққиётини жадаллаштириш зарурлигини айтди.

Ўзбекистон — қадимдан пахта ўлкаси. Эндиликда республикамизни том маънодаги «оқ олтин» кони деб улуғлайдилар. Шундай экан, республикамиз олимларининг олдида турган энг муҳим вазифа ҳам пахта масаласига келиб тақалади. Ҳозир кенг кўламда олиб борилаётган тадқиқотлар, биринчи галда, шу мавзудадир. ЎзССР Фанлар академиясининг олимлари жаҳон фанида биринчи марта вилтга ўта бардошли ёввойи Мексика ғўзасини ирсий донор сифатида қўлладилар. Натижада вилтга чидамли, юқори ҳосилли янги навлар яратишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. «Тошкент», «Ўзбекистон-3», шунингдек барги ўз-ўзидан тўкиладиган «Ан-Боёвут-2», «Октябрь-60», ҳамда «АН-402» ғўза навлари мазкур янги усуллар туфайли юзага келди. Шуни ҳам айтиш керакки, пахта — толасидан тортиб, чигити ва ғўзапоясигача инсон эҳтиёжига яраши мумкин бўлган қимматбаҳо хомашёдир. Ғўза барги, пояси ва пўстлоғидан 100 дан ортиқ, пахта толасидан 50 га яқин, чигитидан эса 45 дан ортиқ маҳсулот тайёрланиши бу фикрнинг аниқ исботидир.

1980 йил пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган муваффақиятлар йили бўлди — Ватан хирмонига 6 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердик! Пахтакорларимизнинг меҳнат жасорати ва айни пайтда олимларимизнинг илмий жасорати туфайли шунча олий нав ҳосилни эрта етиштириш ҳамда қисқа фурсатда йиғиб-териб олиш имконига эга бўлдик! Бу мислсиз ютуқ, албатта.

Мўл пахта ҳосили етиштириш борасида биринчи навбатда биологлар, селекционерлар, кимёгарлар ва механик олимлар хизматини тилга олиш зарур, шу билан бирга ўз тадқиқот натижалари билан пахтачилик практикасини бойитган бошқа бир қанча фундаментал фан соҳиблари ҳиссасини ҳам унутмаслик керак. Умуман, «Пахта» комплекс илмий программадир, уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўплаб илмий-ишлаб чиқариш муассасалари доим фаол иштирок этадилар.

«Халқ хўжалиги пахтачилик комплексини оптималлаштиришга,— деган эди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов,— биз улкан сиёсий ва иқтисодий масала деб, ватан пахтачилигини ривожлантириш соҳасида партиямиз илгари сурган масалаларни амалга оширишнинг муҳим шарти деб қараймиз».

Олимларимиз олдида турган барча муҳим масалаларнинг моҳияти шундан иборатдир.

Академиямизнинг полимерлар кимёси бўлимида ғўзанинг ўсишига яхши таъсир кўрсатадиган чумоли кислотаси синтезлаш усули ишлаб чиқилди. Зоология ва паразитология институтининг мутахассислари ғўзани зараркунандалардан муҳофаза қилишнинг биологик методларини, шунингдек, 200 та энтомофагни аниқладилар. Булардан айримларини лаборатория шароитида кўпайтириш тавсия қилинди. Тупроқшунослик ва агрокимё институтида Ўзбекистон территорияси тупроқ ва иқлим жиҳатидан районлаштирилди ҳамда ғўзани суғориш ва тупроқ шўрини ювиш учун ерости сувларидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга, жумладан, Орол денгизига олиб келишга бағишланган «Тўрғай» лойиҳаси атрофлича, жуда чуқур изланишларни талаб қилмоқда. Республикамиз олимлари шу тадбирга оид социал-иқтисодий муаммолар устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Мухбир: Демак, катта проблемалар бир қанча илмий-текшириш институтлари, юзлаб олимлар томонидан комплекс равишда ўрганилмоқда.

Президент: Шундай. Бу, аввало, ҳозирги фанлар соҳасида буюк кашфиётлар якка шахслар томонидан эмас, балки йирик-йирик коллектив кучларнинг баҳамжиҳат изланиши туфайли бўлаётганини кўрсатади. Қолаверса, бепоён мамлакатимиз фани ягона организм ва ягона системага бириккан. СССР Фанлар академияси, иттифоқдош республикалар академиялари ва бошқа тармоқ институтларнинг фаолияти бир мақсадга — совет фанини юксалтиришга, илмий-техника тараққиётини тезлаштиришга қаратилган.

Илм-фанни халқ хўжалиги масалаларига мос равишда ривожлантиришнинг беш йиллик планларини ишлаб чиқиш шу улкан мақсадларни аниқ кўзлашга имкон беради. Беш йиллик планларда халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларидан келиб чиқилган ҳолда илм-фан ходимлари олдига қисқа муддатларда ҳал қилиниши зарур бўлган аниқ вазифалар қўйилади. Фан-техникани юксалтиришнинг комплекс программасини чуқур ишлаб чиқишда барча илмий ташкилотлар ҳамкорлигининг турли кўринишларидан фойдаланилади. Бу янгилик илмий кучларни бирлаштириб туриш, тадқиқотларни координациялаш, илмий-муассаса ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқасини яхшилашга, шунингдек, илмий марказлардаги лабораториялар ишини яхшилашга ёрдам беради.

Ўтган йили республика партия активи йиғилишида сўзлаган нутқида ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов Ўзбекистон олимларининг юксак бурчи хусусида тўхталиб, «Республикада фундаментал тадқиқотлар маркази, бутун фан координатори ва ташкилотчиси сифатида ЎзССР Фанлар академиясининг ролини ошириш муҳим», деб таъкидлаган эди. Академиямиз институтлари фаолиятида худди ана шу кўрсатмани изчил амалга оширишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Мухбир: Суҳбатимизда илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлиги, фан-техника тадқиқотларининг самарадорлиги масаласи ўз-ўзидан қалқиб чиқди. Бу табиий. Партия XXV съездида «Янги илмий ғояларни амалда татбиқ этиш... жуда муҳим вазифа» деб алоҳида таъкидланган эди. Кейинги йилларда ҳаёт илмий ғояларнинг амалда тўла намоён бўлишини тақозо қилмоқда.

Президент: Жуда тўғри. КПСС Марказий Комитети СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг фаолиятини кўриб чиқар экан, татбиқий илмий тадқиқотларни ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқларини халқ хўжалигига жорий этиш ишларига алоҳида эътибор қилди. Республикамиз партия активи йиғилиши ҳам фан ва техника ютуқларини ҳаётга тезроқ жорий этиш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлаш — фан-техника тараққиётининг энг му-

ҳим проблемасидир, деган фикрни қатъий уқтирди.

Академиямиз институтлари фаолиятида бу кўрсатма ҳам диққат марказида турибди. Мен ҳам «Пахта» комплекс программасининг қувонарли натижалари хусусида қисман тўхталиб, унда олимларимизнинг ҳиссаси улкан эканлигини таъкидлаган эдим. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, ўтган беш йилликда биргина «Тошкент» группасидаги ғўза навларининг ўзиданоқ ҳар йили 300 миллион сўм фойда кўрилмоқда. Республикамизнинг ҳамма областларидаги, шунингдек, пахта етиштирувчи қардош республикалардаги кўп минглаб гектар пахта майдонларида янги, заҳарлаш хусусияти оз бўлган эффектли дефолиантларни ялпи ишлаб чиқариш ва фойдаланиш синовдан ўтказилди.

Самарадорлик ҳақида сўз борганда, одатда, аниқ фан мутахассисларининг фаолиятидан мисоллар келтириш қулайроқ. Бу борада биз республикамизнинг кибернетик олимлари томонидан ишлаб чиқилаётган республика автоматлаштирилган бошқариш системасига ва унинг истиқболига катта умид билан қараётганимизни айтиш лозим. Ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган ноёб тадбирни лойиҳалашнинг биринчи навбати якунланди, жумладан, коллектив фойдаланиладиган ҳисоблаш маркази ва Наманган область автоматлаштирилган бошқариш системаси биринчи навбатининг илмий-техник лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Агар ўтган беш йил мобайнида олимлар фаолияти туфайли қўлга киритилган иқтисодий самарани рақамлар тили билан ҳикоя қиладиган бўлсак ҳам манзара кўзга яққол ташланади. 1976—1980 йиллар мобайнида республикамиз Фанлар академиясининг илмий муассасалари томонидан халқ хўжалигига 485 таклиф киритилди, булар туфайли 1,5 миллиард сўм иқтисодий фойда олинди. 1979 йили илм-фан учун сарфланган ҳар бир сўм эвазига салкам 5,5 сўмдан фойда кўрилди.

Ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари чигитни экишдан аввал қаҳрабо кислотаси аралашмасида ювишни жорий қилдилар. Бу усул Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижон ва бошқа область пахта далаларида синовдан ўтказилди. Биргина шу илмий ютуқнинг татбиқ этилиши 22,5 миллион сўмлик иқтисодий фойда беради.

Академиямизнинг Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида яратилган янги хил шпинделли пахта териш машиналари Тошкент Қишлоқ машиналари заводида кенг кўламда ишлаб чиқилмоқда. Улар туфайли меҳнат унумдорлигининг 20 процентга ортиши тахминан 11,5 миллион сўмга яқин соф фойда берди.

Ботаника институти олимлари Бухоро областидаги қоракўлчилик совхози далаларида озуқабоп ўсимликлар экиш йўли билан сунъий яйловлар барпо этишда иштирок этдилар. Шунинг ўзидан олинган иқтисодий фойда 1 миллион сўмдан ортади.

Хуллас, бундай рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин. Буларга қўшимча тарзда маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш, шаҳарларни кўкаламзорлаштириш, соғлиқни сақлашни яхшилаш йўллари билан жуда катта социал ғаниматлар қўлга киритилдики, уларнинг қимматини пул билан ўлчаб бўлмайди.

Илмий ғояларнинг амалга оширилишида, улардан соф иқтисодий самара олинаётганида Ўзбекистон олимларининг ўзаро ҳамда қардош республикалар, хорижий мамлакатлар илмий марказлари билан ўрнатган илмий алоқалари яхши омил бўлаётир. Ҳозир ЎзССР Фанлар академияси қошидаги илмий муассасалар турли олий ўқув юртлари, муассасалар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва ташкилотлари билан тузилган 200 дан ортиқ шартнома асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Хусусан, СССР Фанлар академияси ва тармоқ институтлар билан биргаликда йирик кўламдаги муаммолар устидаги изланишларнинг аҳамияти катта.

Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги халқ хўжалигини юксалтиришнинг омилларидан биридир. Суратда (чапдан): Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреати, пахта териш машиналари конструктори М. Марков, Тошкент Қишлоқ хўжалиги машиналари заводининг цех бошлиғи В. Ситников, ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлик илмий-тадқиқот институти пахтачиликни механизмлаш назарияси лабораторияси мудири Ҳ. Усмонхўжаев ва шу лабораториянинг катта илмий ходими Қ. Иноғомов олимлар ва ишчилар ихтиро қилган янги шпинделларнинг илк намуналарини кўздан кечирмоқдалар.

Муҳбир: Обид Содиқович! Республикамиз Фанлар академияси системасида вужудга келган кенжа илмий марказлар ҳам янги-янги проблемаларни жиддий ўрганаётгандир?

Президент: Ҳа, Бирон тадқиқот объектини атрофлича ўрганиш мавзунинг тобора кенгайишига, унинг янги, номаълум қирраларининг очилишига олиб келади. Бунинг учун эса катта коллектив куч талаб қилинади. Кейинги беш йил мобайнида Фан штабимизнинг Микробиология, Биоорганик кимё, Физиология, Қўлёзмалар институтлари, Иссиқлик физикаси ва Полимерлар кимёси бўлимлари (институт мавқеида) ҳамда Республика ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш совети ҳисобига кенгайиши ана шундай ҳаётий эҳтиёж туфайли юз берди.

Муҳбир: Суҳбатимизда ижтимоий фан мутахассислари олиб бораётган изланишлар ҳақида ҳам тўхталсак.

Президент: Бу борада кўп фахрли ҳодисаларни айтиш мумкин. Ўзбекистон экономикаси тараққиётининг қонуниятлари ва самаралари мамлакат халқ хўжалигининг ягона комплекси сифатида тадқиқ қилинади. Иттифоқимиздаги йирик саноат ва маданият марказларидан бири бўлган Тошкент шаҳрининг социал-иқтисодий плани ишлаб чиқилди. Академиямизнинг Республика ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш совети «Ўзбекистон ССР тимсолида илмий-техника тараққиёти комплекс программаси ва унинг 2000 йилга қадар бўладиган социал-иқтисодий оқибатлари»ни тузиб чиқди.

Совет халқларининг социал ва маънавий такомилида умумий ва хусусий, миллий ва интернационаллик масалалари мавзуида, шунингдек, янги инсоннинг шаклланиши ва социалистик турмуш тарзининг такомиллашиши, фалсафий тафаккур тарихи ва ўртаосиёлик илғор алломалар меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган илмий изланишлар диққатга лойиқ. «Туркистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси», «Ўзбекистонда миллий масаланинг ҳал этилиши», «Ўзбекистон ижтимоий фан арбобларининг библиографик очерки», «Ўзбек адабиёти тарихи», «Адабиёт назарияси» ҳамда «Ҳозирги замон ўзбек тилининг изоҳли луғати» сингари йирик асарларнинг нашр этилгани ижтимоий фан арбобларининг тинимсиз изланишлари маҳсулидир.

Муҳбир: ЎзССР Фанлар академиясидек катта илмий марказнинг бош йиллик фаолияти ҳақида бир суҳбат доирасида муфассал гаплашиш қийин. Суҳбатимиз ниҳоясида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидовнинг «Ўзбекистон олимларининг юксак бурчи» мавзуида қилган докладидан келиб чиқиб бир савол бермоқчи эдим.

Президент: Марҳамат.

Муҳбир: Гап шундаки, докладда ўзбек олимларининг улкан ютуқлари муносиб баҳоланган, айни вақтда бажарилиши зарур бўлган вазифалар, йўл қўйилган нуқсонлар қайд этилган, қимматли маслаҳатлар берилган. Чунончи, илмий муассасаларда фойдаланилмай қолган имкониятлар, илмий кучлар ва моддий ресурсларнинг тарқоқлиги, илмий тадқиқотларни координациялашдаги камчиликлар...

Президент: Аввало, ҳурматли Шароф Рашидовичнинг республикамиз фанини юксалтириш масалаларига доимо алоҳида эътибор бериши, ғамхўрлик кўрсатишидан олимларимиз ниҳоятда миннатдорлар. Ўртоқ Рашидовнинг докладида, сиз санаб ўтган вазифалардан ташқари, академиямиз ҳузурида илмий асбобсозлик заводи бўлиши зарурлиги, ихтисослаштирилган лабораториялар ташкил этиш, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методлари ва интегралланган системаларини ишлаб чиқиш, илмий ишга мойил ёшларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб вазифалар чинакам куюнчаклик билан қайд этилган.

Дарҳақиқат, булар фан-техниканинг келгусидаги тараққиёт йўлларини белгилаб берадиган тадбирлардир. Шундай экан, уларни амалга оширишга бутун кучни сафарбар этиш республикамиз олимларининг сира кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Биз бу вазифаларни янги беш йиллик режаларимизнинг конкрет рақамларида акс эттирдик.

Олдимизда турган мураккаб тадқиқотлар олимларимиздан том маънодаги фидойиликни талаб қилади. Ватанимизда олимларимизнинг илмий жасорати учун барча шарт-шароит муҳайё.

Суҳбатни **Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВ** ёзиб олди



Осмон жисмлари ҳақидаги билимимиз тобора бойиб бормоқда. Бунинг учун қудратли техника воситалари инсонга қўл келмоқда. Суратда: ЎзССР Фанлар академияси Астрономия институтида осмон жисмларини замонавий телескоп орқали кузатув пайти.

С. ДАВИДОВ фотолари

Уктам УСМОНОВ

ҚИСМАТ

Ҳикоя



Яқинда Тошкент аэропортида бундан йигирма йиллар бурун институтда бирга ўқиган, ҳозир район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаётган Акрамжон Норжигитов деган курсдошимни учратиб қолдим. У планларни тўлғазиб, энди куз пайти, кўнгли хотиржам, дам олишга кетаётган экан. Суриштирсак, Кримга учадиган самолёт бир соатча кечикадиган бўлибди. Иккинчи қаватдаги хилват буфетга кирдик-да, кўк чой буюрдик. У ёқбу ёқдан, студентлик йиллари, болачақа, ушалган, ушалмаган орзуларимиз, ҳозирги ишларимиздан гаплашдик. Суҳбат орасида Акрамжон кутилмаганда қизиқ бир воқеани сўзлаб берди; буни чамамда ўзи ҳам сезмади. Кўнглимда бирдан ўша жувонни тезроқ кўриш, керак бўлса у ҳақда нимадир ёзиш иштиёқи туғилди...

Сўраб-сўраб Маккани топибди, деганларидек, Қизилқия бекатида автобусдан тушдиму торгина кўчадан баландликка — қишлоқ гузарига қараб юрдим. Аввал чапга, салдан кейин ўнгга бурилган эдим, одамлар айтган кўримсизгина ҳаворанг дарвоза рўпарасидан чиқдим. Иморат ўзи эски, лекин яқинда оқланган, ҳовлисидаги барги заъфарон дарахтлар кўча девори пастлиги учун ярим белидан кўриниб турар, чапроқдаги, эҳтимолки, яқиндагина солинган анча тик болохонанинг шиферли томи четларидан эса ҳавога кўкиш тутун кўтарилмоқда эди. «Кечки овқатнинг ғами», деган фикр кўнглимдан ўтди ва «Бари бир улгуролмадим, кеч келдим, ҳали яна Самарқандга — меҳмонхонага қайтиб кетишим керак», деб ўйлаб, Тошкентдан эрталабки рейсда учмаганимга афсусландим. Дарвоза тагида бир зум ўйланиб қолдим; кимнинг номини атаб чақиришимни билмайман. «Тўти опа» дейишга эса, ҳар қалай танимаган, кўрмаган кишим... Шу пайт ичкаридан: «Ҳай, қара, Санобар, нонинг куйяпти», деган овоз эшитилди. Дарвозани тақиллатдим. Сал ўтмай, йўлакдан наридан-бери оёққа илинган калишнинг шап-шупи эшитилди ва қўлида негадир бўш челак кўтарган, ёши ўн тўққизларда, қошлари, кўзлари қоп-қора, тўладан келган, майда гулли чит кўйлак кийган бир қиз дарвозани очди-да, мени танимагани учун бир оз гарангсиди; челакни ерга қўйиб, салом берди. Ботаётган қуёшнинг ўткир нури кўзига тушиб, кафти билан юзини тўсди ва беихтиёр менинг соямга ўтди. Кейин «марҳамат» дегандай ҳаракат билан ичкарига — ҳозиргина овоз келган томонга бошлади. Йўлакдан ўтаётганимда ингичка соям баттар чўзилиб, шундоқ рўпарадаги омонат айвонча остига киритиб қўйилган, устига бўз мато ташланган енгил «Волга» автомашинасига бориб тақалди. Машина яп-янги, баллонлари ҳали уринмаган. «Ҳа, шу бўлса керак», деган фикр ўтди хаёлимдан қайси кунги Акрамжоннинг ҳикоясини эслаб...

Йўлакдан ўтиб, ҳовлига бурилганимда этак тарафда жазава билан ит вовуллади. Ўгирилиб қарасам, узун ишком охиридаги қамиш томли бостирма устунига боғлаб қўйилган каттакон тарғил ит менга шу қадар важоҳат билан ташланмоқчи бўлардики, ҳар силтанганда занжири бўйнини узиб юбормасмикан, деб ўйлаш мумкин эди. Санобар унга пўписа қилиб: «Ёт, ёт», деган эди, у думини қисиб ғингшиди-ю, жим бўлди... Ҳовли эскигина эди. Уйлари пастак-пастак, аммо яхшилаб ремонт қилинган, бир текис оқланган; қамиш бўғотлари кунгирали фанера шарафа тагида қолган, томига эса аввалги тупроғи устидан шифер ётқизилган эди. Чап бурчакда олди очиқ ошхона: чўғ яллиғланиб турган тандирга кўзим тушиши билан седана ҳиди анқиган самарқандча ширмой нонниng тоти димоғимга урилди. Санобар мени ариқча устига ўрнатилган чорси сўрига бошлаб борди-да, тандирга имо қилиб жилмайди ва апил-тапил ошхонага қараб кетди.

Сўри бурчида муштдеккина бир кампир ўтирибди: букчайган қадди ўтирган жойида ҳам билинар, ҳаворанг товар кўйлаги, чийдухоба нимчаси, оқ рўмоли аллақандай ўзига мос, ярашган; думалоқ линзали кўзойнак таққан бўлса ҳам узоқни кўролмаслиги бўшлиққа маъносиз тикилиб туришидан маълум эди. Сўрининг ҳозир кун тушиб турган томони сурма парда билан тўсиб қўйилгани учун унинг ранги кампирнинг бутун жуссаси, айниқса юзига қизғиш тус берган. Саломлашиб, сўрининг бир четига ўтирдим. Тўти кампир овозимдан бегоналигимни сезди-ю, менга тикилиб турди, кейин «Бу ишим меҳмонни хижолат қилмасин тағин», деб ўйладими, шошилиб: «Ҳа, яхши юрибсизми, болам, тинчмисиз», деди ёнида турган чойнакни пайпаслаб.

Санобар бу орада дастурхон билан ушласа ҳам қўлни куйдирадиган иккита қип-қизил нон ташлаб кетди. Тўти кампир устига духоба қопчиқ ёпилганидан янги дамлангандек қайноқ турган чойнакдан бир пиёла кўк чой қуйиб узатди:

— Нонни ушатинг, болам.

Нонни синдирдим-да:

— Ая, мен Тошкентдан, газетадан келдим,— дедим.

Тўти кампир гапимни аниқ эшитолмади шекилли, кафтини қулоғига тутиб, қайта сўради. Мен яна такрорлаганимдан сўнг бошини сараксарак қилиб, негадир:

— Пойизда келдингизми?— деб сўради. Мен самолётда келганимни айтганимда, «Ҳа, шундайми?», дегандай бош ирғади:

— Норпошшаям Ташканда,— деди ва менга муҳим янгиликни айтаётгандай:— Пойизда кетган, куёв ҳам бирга кетган,— дея қўшиб қўйди.

Бирдан ҳафсалам пир бўлди. Кампирга буни сездирмасам ҳам суриштирмай-нетмай, Норпошшанинг ўзи билан хабарлашмай тўппа-тўғри келаверганимга ачиндим.

— Қачон қайтадилар?

Тўти кампир ҳавога қараб бармоқларини санади-да, қизи айтган кунни янглиштириб юборди шекилли, нон ёпаётган неварасига юзланди:

— Санобар, онанг қачон келади?

— Эрта ўтиб, индинга...

Орага ўнғайсизлик чўкди. Кетишимни ҳам, қолишимни ҳам билмайман. Ҳовлига разм сола бошладим. Куз бўлса ҳам кунлар ҳали совимаган, бироқ ҳовлидаги дарахтларнинг барглари дув-дув тагига тўкила бошлаган, атроф-теваракдан эса аҳён-аҳёнда куйган хазоннинг иси келиб қолади. Икки уй ўртасига жойлашган очиқ айвон устунларидаги сербар рафларга катта-кичик товоқлар териб қўйилибди; уларда ҳойнаҳой эрталаблари қўлбола қаймоқ етилади. Устунга бир даста исириқ боғланган. Тагига илиб қўйилган кичкина репродуктордан ғўнғир-ғўнғир товушлар эшитилмоқда...

Хаёлимни Тўти кампирнинг овози бўлди. У «Волга»ни кўрсатди-да:

— Мана шуни беришдию газитдан кўп келадиган бўлишди,— деди текис ясама тишларини кўрсатиб кулиб.— Илгариям келишарди, ундабунда. Норпошшаям нуқул кулади, гоҳо хафаям бўлади. «Шу темирни деб ҳаммага отнинг қашқасидек танилдим», деб ўпкаланади. Мошинда гўнг ташиганини шу ерда ўтириб мен билмабман. Ҳайронман, шаҳарда туриб газитдагилар қайдан билишган? Фақат наврўзда қудамизникига кетаётиб, Назруллажондан сўрадим...— Кампир яна Санобарга қаради-да:— Ҳай, болам, Назруллажон келмадими?— деб сўради. Санобар «Ҳали вақт бор, эна, келади», дегач, ботаётган қуёшга кафти оша қараб ўзича вақтни чамалади:— Назруллажон мошинда қудамникига олиб кетаётувди. Ҳадеб бурнимга қўланса бир ҳид урилади. Оғзи-бурнимни беркитганча Назруллажондан: «Нима бало бу?», деб сўрадим. «Нимани айтаяпсиз, эна?», дейди. «Ичпичини кўрдингми мошинингни, бир нарсаси куяяпти-ку?», дедим. «Буни қизингиздан сўранг!», дейди. Жон ҳолатда: «Вой, қайси қизим?», дебман. У бўлса: «Ия, қайси қизингиз бўларди? Онамда!», деб кулди. «Вой, вой, бу нима деганинг, шумтака!», дедим. Назруллажон қовоқ-тумшуғи осилиб, «Э-э», деб қўлини силтади. Ҳеч нима тушунмадим. Кейин билсам, Норпошша тушмагур, янги мошинни орқа курсисини олиб ташлаб, унда даласига гўнг ташибди-я! Неварамни юпатиб: «Ҳа, Назруллажон, бу темир-ку, бир ери ейилиб қолмас, ташиса ташигандир, ахир гўнг ҳам ернинг нони», десам, баттар аччиқланади: «Э, қўйинг-э! Ким кўрган кулади. Ҳаммаёқда даранг-дурунг. Биттаси: «Жинними!», деса, биттаси: «Яна орден олмоқчидир-да?», деб ачитади. Агар айтганларида елкамда ташиб берардим ўша ўн қоп гўнгларини! Ҳайронман, ҳаммага ўхшаб, тинчгина юраверсалар бўлмасмикан-а?..», деб ғижинди. «Вой, болам, онангни энди биляпсанми?— дедим.— Қачон у тинч юрган? Қачон? Қўй, хафа бўлма, тойчоғим, бу унга ота мерос, қонида бор, бари бир фойдаси йўқ. Хафа бўлма...» Назруллажонни қўлимдан келганча юпатдим-у, ичимда Норпошшадан койиндим. У ҳам бир мартагина шу болаларининг айтганини қила қолса осмон узилиб ерга тушармикан, деб куйинаман. Колхозда нима кўп, мошин кўп. Биттасини сўраса-ку, олам — гулистон. Йўқ, тутганини кесади. Норпошша билан юзма-юз гаплашмагунимча бари бир кўнглимдаги хижиллик ёзилмади. «Хўш, она, оғир кунимга ярамаса, бу матоҳни менга нега беришган?— дейди куйиниб.— Дўлни ўзингиз кўрдингиз. Ёнбағирдаги еримизни кўз очиб юмгунча пайхон қилди-кетди, ҳаммаси олатароқ. Бутун картани қайта экишга вақт ҳам, куч ҳам йўқ. Лекин ўша куниёқ тиклаш керак бутун картани. Раисдан, бригаддан мошин сўрагунча кун кеч бўлади. Эсимга уйдаги мошин тушди бирдан. Нима қилиб топширган эдилар уни. Бир хижолат бўламан, бир хижолат бўламан. Билмасалар, ичларида нима деб ўйлаяптилар, деб ташвишдаман. Яп-янги мошинга қараб бўлмайди, томигача лой. Ўзимиз, звено аъзоларининг-ку, афти-ангоримизни таниш қийин, ҳолдан тойганмиз. Обком бобо анча вақт чурқ этмай бизга тикилиб турдилар-да, кейин бирдан кўзлари чарақлаб, елкамга бир-икки қоқиб-қоқиб қўйдилар, «Раҳмат, сизглим, раҳмат,— дедилар,— агар қўлимдан келганда ҳозироқ, мана шу ернинг ўзида сизларга ҳайкал ўрнатардим». Ўша кундан бошлаб газитчиларга худо берди. Келгани аввал мошинни сўрайди. Баттар хижолат бўламан. Колхозчилар олдида ер ёрилмайди-ю, мен кирмайман. «Давлат берган янги «Волга»да гўнг ташияпти, ана қаҳрамонлик!», эмиш... Нимаси қаҳрамонлик бунинг, зарурат-ку ахир бу! Одамнинг устидан кулганларими бу?! Темир азиз бўлибдими биздан?! Уни миниб, ишлатиш ўрнига ўзимиз устимизга миндириб олайликми, хўш?! Ҳа, ахир, ёзганларидан шу маъно келиб чиқади-да?..», дейди қизим шўрлик...

Тўти кампир ўз гапларидан ўзи толиққандай узун уҳ тортди. Анча вақт индамай қолди. Кейин: «Келинг, чой қуйиб берай», дегандай энгашиб олдимдаги пиёлага қўл узатди... Мен яна Акрамжоннинг гапларини эсладим. Тўти кампир уни ўз тили билан, яна ҳам мароқли қилиб сўзлаб берди. Шунда Акрамжоннинг кейинги фикрлари ҳам беихтиёр хотиримга тушди: «Норпошшанинг асосий иши кейин бошланади. Шудгорни ҳам биринчи бўлиб тугатади-да, ташвиш кетидан ташвиш орттираверади бизга. Звеносидагиларнинг кам-кўсти деб келаверади олдимизга. Йўқ,

десак, обкомгача боради. Ғишт, тахта, шифер дейсизми, биронтасининг ўғли ўқишга кириши ёки ишга жойлашиши керакми, бирон адолатсизлик бўлганми... ишқилиб, тинчимайди. Бошқа бригададагилар ҳам Норпошшага ўтамиз, деб жанжал қилишгани-қилишган...»

Шу пайт ташқаридан эски коржома кийган, қош, киприкларигача чанг, йигирма ёшлардаги йигитча кириб келди. Назруллажон шу бўлса керак, деб ўйладим. У йўлакданоқ «Овқат пишдими?», деб кирди-ю, бегона одам борлигини кўриб илжайди ва тез келиб мен билан икки қўллаб кўришди. Кейин ариққа энгашиб ярим белигача маза қилиб ювинди, кийимларини алмаштириш учун уйга кириб кетди. Бир оздан кейин чиқиб ёнимга келиб ўтираркан, ошхонада синглисидан сўраб олган шекилли, дабдурустдан «Қайси газетадансиз?», деб сўради. Мен жавоб қайтардим. Назруллажон чой билан икки бурда иссиқ нонни шошилиб еди-да:

— Кечирасиз, кино кепти,— деди худди ёш боладай севиниб.— «Москва кўз ёшларига ишонмайди». Кўрганмисиз? Тошкентда кўрган эдим. Яна кўрмоқчиман.

Бувиси: «Ҳай, Назруллажон, уят эмасми, меҳмон бор-а», деса ҳам кўнмади. Менга қараб жилмайганча: «Узр, дўстларим кутиб туришибди, бошқа пайт бўлганда жоним билан...», деди совунлаб ювса ҳам қора мойи унча кетмаган қўлларини икки томонга ёйиб. У чиқиб кетиши билан бувиси бошини чайқаб-чайқаб қўйди.

— Ҳамма Норпошшани, отасига тортган, дейди, асли манави худди икки томчи сувдек!— деди кампир сийрак қошларини учириб йўлакка ишора қиларкан.— Бобоси раҳматлик ҳам шунақа кучи ичига сиғмаган, серғайрат одам эди. Туз-насибаси кам экан, Норпошшага иккиқатлигимда оламдан ўтган, бечора.— Тўти кампир «Дунёнинг ишлари шу, болам», дегандай дастурхон попукларини ўйнаб қолди. Сертомир, озғин қўлларини кўтариб, ичида дуо ўқигандай пешанасини, юзини силади. Муюлишга қаради.

— Бобоси Султон полвон фирқа эди. Назруллажондай кезларида кирган эди фирқага. Худо умр берганда... бу хонадонда ҳозир яна кимларни кўрган бўлардингиз, болам! Ўшанда оғир оёқли эдим. Ҳалиям бугундек кўз олдимда: «Султон полвон ҳу анави муюшда, эгилиб ердан ўроқни олаётган жойларида ўгирилиб менга қарадилар, «Тушликка хўрда қилиб қўй, шу ерда овқатланаман», дедилар. Ҳали-ҳали қулоғимда овози. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Худди шарпадай изимдан эргашиб юрганга ўхшайди. Бир хил пайтда ўйлаб қоламан, тавба, деб ёқамни ушлайман. Арвоҳ деган нарсага ҳозиргилар ишонишмайди. Гоҳида хаёлимни олиб қочиб, раҳматли эрим билан гаплаштириб қўяди мени. У киши худди ўнгимдагидек савол беради, мен жавоб қайтариб ўтираман. Бирдан ўзимга келиб атрофимга қарасам, ҳеч ким йўқ, ўзим билан ўзим гаплашиб ўтирган бўламан. Қўрқиб кетаман-да, калима келтираман... Ўшанда тушликка хўрда пиширдим. Кутаман-кутаман, кун кеч бўляптики, қани қораси кўринса! Унга-бунга чалғиб, ўзимни овутмоқчи бўламан. Лекин кўкрагимга тиғли тош қадалгандай ичимдан бир нарсани сезаётганга ўхшайман нуқул. Замон нотинч эди-да. Фалончини сўйиб кетишибди, пистончини осиб кетишибди... Юрагим чидамади охири, икки гўдак ўғлимни қўшнимникида қолдириб, бошимга рўмолимни илдиму одамлар буғдой ўраётган ўша қирга қараб чопдим. Ярим йўлдаёқ: «Султон полвонни босмачилар ўлдириб кетишди», деган шумхабар! Худди биров томдан итариб юборгандек юрагим орқамга тортди. Кейин нима бўлганини билмайман! Шамолдай учиб бораётганим, узоқда — буғдой ғарамлари орасида одамлар уймалашиб, кимнидир кўтаришаётгани... додлай десам, овозим чиқмайди... Полвонимга етиб бордим. Кўзлари хиёл очиқ, юзларида ранг қолмаган. Ўкириб йиғлаганча бошини қўлимга олсам, шилқиллаб тушди. Олти ойдан кейин Норпошша туғилди. Э, ўғлим, ҳали-ҳали шу муюшга қарасам, юрагим шув этади. Бегона жойга борсам ҳам йўлакка, муюшга қарайвераман ўзим билмай. Биздан бошқа ҳамма қўшнилар янги участкаларга кўчиб чиқиб кетишди. Битта ўзимиз қолдик бу ерда шумшайиб. Ҳа, ёлғон бўлмасин, бир қўшнимиз бор. Боридан йўғи яхши асли... Хуллас, болам, шу жойнинг чироғи ўчмасин, дедим. Кўнмадим, болаларим қанча қисташса ҳам кўнмадим. Ахир, манави муюшни қандай ташлаб кетай?! Кейин биттаси келиб, аввал бўлган воқеалардан бехабар, гуп этиб кетмонини ураверди-ю, бузиб ташлайди. То тирик эканман, кетмайман бу ердан. Майли, ўлганимдан кейин... у ёғини билмайман, у ёғига кучим етмайди. Норпошшага қанча айтдим. «Розиман, қизим, бора қолинглар, юртдан ажралманглар, унда-бунда бир келиб хабар олиб турсаларинг бас, беш кунлигим борми-йўқми, отангнинг арвоҳини ранжитмай, шу ерда ўлай», десам, болам бояқишнинг ҳам кўнгли бўш жуда, ўша кундан ремонтни бошлаб юборди. Ана, қаранг, анави йўлакка шундоқ бурилдилару «Хўрда қилиб қўй», дедилар. Ҳалиям худди сиздай кўриб турибман у кишини. Орадан эллик йил ўтди! Худди тушдай! Гоҳида ё туш кўряпманми, деб ажабланаман ўзимча. Худди тушдай...

Қўшни ҳовлидан ошиқ-мошиғи алпанчадан бери мой кўрмаган эски дарвозанинг асабни бузувчи узун ғийқиллаши эшитилди, кейин тепадан тахта тушиб кетгандай қарсиллаб ёпилди. Тўти кампир бир сергакланиб, невараси анча нарида бўлса ҳам унга қараган кўйи:

— Келди,— деди киноялы товуш билан, энсаси қотганини яширмай. Рўмолини тўғриларкан, менга «Зерикмадимикан?», дегандай секин кўз қирини ташлаб қўйди.— Бари тушдай ўтди-кетди, ўғлим. Тўнғичим Озодни айтинг! Уларни эсласам, бировга гапирсам, Норпошшам жеркийди: «Қўйинг энди, улар бари бир қайтиб келишмайди-ку, ўзингизни аянг, соғлиғингизни ўйланг», деб менга насиҳат қилади. Ўйлаб қарасам, гаплари тўғри. Аммо умрнинг олди ҳам, кети ҳам, болам, одамнинг ўзиники. Ўтганларни эслаб-эслаб, эртанги кундан ноумид бўлмай яшайди тирик жон. Мен сизга айтсам, Озодим инқилоб йили туғилган эди. Шундан исми «Озод». Бир келишган, бир тўлишган бола эди қурмагур. Бугун уруш бошландию эртаси олиб кетишди. Икки ой деганда қорахат келди. Болам бечора кўкрагини фашистнинг ўқига тутибди-я. Аввал ўйламасам ҳам ўлгандан кейин кўп ўйлайдиган бўлдим уни. Бўш вақтларимда худди мунчоқ тергандай, у билан кечган воқеаларни бир-бир эслаб ўтираман денг. Анча енгил тортаман шунда. Ўзим туққан, ўзим ўстирган болагинамнинг кўп фазилатлари, кўнгилчанликларини илгари билмас эканман, мана шунисига куяман. Бўлмасам, ўша жаҳаннамга жўнаётиб ҳам, шайтон йўлдан урмаса мени, нуқул йиғлайманми-я? Бир оғиз ширин сўз айтмабман-а бола фақирга. Нуқул елкасига осилиб йиғлабман. Душман ўқи теккан ўша юраккинасини баттар тиғлабман. Бу дунёга келиб нима кўрди у? Армони ичида кетди. Чақмоқ ярқ этиб ўчгандай. Мен бўлсам ҳали судралиб юрибман... Оҳ, ўғлим, одамни қурт-қумурсқа еса чидаса бўлади. Шоҳу гадо — охир жойимиз шу, деб юпанасан. Аммо одамни одам еса — бу аламни қандай унутасан?.. Яна битта куядиганим — бу ҳам қисмат, нима қилай, Озодимга унашилган қиз келиб-келиб манави пиёнистага тушди-я!— Кампир хуноби ошиб, қўшни ҳовлига қўлини нуқиб кўрсатди.— Кўрсам, раҳмим келади, эзиламан. Қизлигида шундаймиди?..

Тўти кампир яна жимиб қолди. У айтган воқеалардан кейин уни юпатишнинг ўзи ортиқча эди...

— Уруш-ку уруш! Каттадан-кичикнинг бошига тушган оғир кулфат бўлди,— дея, худди овоз чиқариб хаёл сураётгандай ғамгин гап бошлади у.— Бутун оиласи, уй-жойи билан йўқ бўлиб кетганларни кўриб, эшитиб, тавба қиласан. Аммо аслида мени кенжа ўғлимнинг ғами адо қилди! Ўшанда букчайдим. Ташканда беш йил ўқиб келиб, қурувчи бўлган эди. Янги уйга кўчамиз, деган гап ўшандан чиққан эди. Болагинамга Ленин ордени беришган эди. Мен сизга айтсам, меҳмон ўғлим, Эркиним мактабдалик вақтидаёқ чопишсакрашларга эпчил эди. Еттинчида ўқиганидаёқ Ташканга бориб қайтган. Ташкандалигида Масков, яна аллақайси шаҳарларга ҳам борган. «Тоққа тирмашиб чиқади. Шундан биринчи ўғлингиз», дейишарди. Мен ҳайрон бўлардим...

Шу ерда Тўти кампирнинг гапини бўлиб:

— Альпинистмиди?— деб сўрадим. Бирдан унинг чиройи очилиб:

— Ҳа, ҳа, ўшанақа эди, алпинис эди,— дея маъқуллади-да, ҳикоя қила кетди:— Отпускасида ҳордиқ чиқаргани бормасди сира. Тўрвасини кўтариб, жўнаб қоларди. «Ҳа, йўл бўлсин?» «Тоққа». Бир ойдан кейин озиб-тўзиб, қорайиб кириб келарди. Папалаб зўрға ўзига келтириб олардик. Уям бир кун кетди-ю, қайтиб келмади. Мен бағритош худди Озодимдек униям жеркиб жўнатиб-ман-а ўшанда: «Бола кўрсанг ҳам тоғу тошда санқиганинг-санқиганми? Уят-ку! Қачон эсинг киради?» Ўғлим бечора бу гапимга кулди-да, ҳазиллашиб елкамга уриб қўйди. Отаси раҳматликда шу одат бор эди... Ийиб кетиб, индамадим... Нальчик деган жойда мусобақа бўлган экан ўшанда, тоғдан-тоққа ўтишга. Бир тоққа кўтарилишаётганда изидан келаётган ўртоғи тойиб кетиб, уни қутқараман деб, болам шўрликнинг ўзи тиғипаррондай учиб кетибди пастга... Норпошша мени бултур ўша ерларга олиб борди, келиним, Эркинимдан қолган ёдгорим Фотиҳжон — ҳаммамиз биргалашиб бордик. Тирик қолган ўша ўртоғи ҳам келди биз боришимизга. У Владивос деган олис шаҳарда яшаркан. Норпошша билан хатлашиб, боришимизга тўғрилаб кепти у бояқиш ҳам. Ҳамма ерларни биттама-битта кўрсатишди. Ўғлимнинг қабрини ҳам кўрдик. Нақ ўша қулаган чўққисининг тагида, сўлим яланглиқда ётибдики... Жасадини беришмаганидаям гап бор экан, илгариги шаҳидларга ўхшаб ҳаммаси бир ерга кўмиларкан.. Қаёққа қарама—ўрмон. Рўпарада баланд-баланд тоғлар. Одам азбароби қум донасидан ҳам кичик уларнинг олдида. Лекин одамзоднинг ғайрати ичига сиғмас экан бари бир... Ўшандан бери ҳар байрамда ўғлимнинг ўртоғидан хат оваман. Бечора хатини доим «Ойижон, салом», деб бошлайди. Шуларга юпаниб, болагинам ёш кетса ҳам бекорга кетмаган, биров учун жон фидо қилиб, яхши ном билан кетган, деб ўзимга-ўзим таскин бераман-у, аммо туриб-туриб юрагим ўртанганига чидолмайман. Кўзимни юмсам, Эркинимни кўргандай бўлаверараман. Қизиқ бир одати бор эди болагинамнинг. Ойлик олганда унда-бунда дўстлари билан сал-пал ичишарди. Эшикдан киришиданоқ билардим. Илжайиб, ширинсўз бўлиб қоларди. Аммо олдимга келишга ҳайиқиб, ҳидини сезмасин, деб ўзини олиб қо-

Давоми 19-бетда

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

ЎзФА мухбир аъзоси, драматург ***Иззат Султон*** *билан суҳбат*

Ўзбек совет адабиёти тарихида иккинчи авлод деб ном олган авлоднинг унутилмас хизматлари ҳаммага аён. Бизнингча, бу авлоднинг бир ажойиб фазилати ҳозирги ва бундан кейинги барча адабий авлодлар учун доимо ўрнак бўла олади. Ойбек билан Ғафур Ғулом ҳам, Ҳамид Олимжон билан Мақсуд Шайхзода ҳам, Абдулла Қаҳҳор билан Миртемир ҳам — ҳаммалари қамрови кенг, ижоди кўп қиррали санъаткорлар эдилар. Улар тарих, фалсафа, этнография ва санъатни яхши билар, бир нечa тилда ўқир ва гаплаша олар, ўзбек классик адабиёти, жаҳон ва қардош халқлар адабиётларини теран тушунар, энг муҳими, халқимизнинг бой ўтмишини, бугунги жўшқин ҳаётини катта меҳр-муҳаббат билан ўрганар, беқиёс ҳаётий тажрибалари ва буюк истеъдодларини чинакам санъат асарлари яратишга сарфлар эдилар. Бу устод адиблар ижодиётини кўздан кечирсак, улар адабиёт ва санъатнинг бир неча тур ҳамда жанрларида баб-баравар муваффақият билан қалам тебратганликларини кўрамиз.

Социалистик маданиятимизнинг йирик арбоби, атоқли аллома ва санъаткор драматург Иззат Султон ~~ана шу авлодга мансубдир~~. Бу донишманд инсон, устод санъаткорнинг адабий танқидчилигимиз ва адабиётшунослик фанимизда алоҳида бир босқични ташкил этган бой илмий ижоди, теран бадиий асарлари халқимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиб келмоқда. Иззат Султоннинг «бутун бир давр кўзгуси, бутун бир давр қомусидек салмоқли ва мазмундор» (Миртемир) «Навоий»нинг қалб дафтари» фундаментал асари, яқиндагина босилиб чиққан «Адабиёт назарияси» тадқиқоти, Уйғун билан ҳамкорликда ёзилган «Алишер Навоий», шунингдек, «Истеҳком», «Донишмандннинг ёшлиги» драмалари маданиятимиз хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Қисқаси, кўп қиррали ижодкор — адабиётшунос олим, танқидчи, драматург, кинодраматург, либреттонавис, матншунос ва таржимон Иззат Султоннинг бой илмий-бадиий ижодини ҳар тарафлама таҳлил этиб, йирик илмий тадқиқотлар яратиш мумкин. Бироқ, бизнинг ниятимиз ғоят камтарин, яъни алломанинг ижодига кенг баҳо бериш эмас, балки олимнинг адабиётда тарихий мавзунинг ишланиши ва замонавийлик муаммолари борасидаги фикр-мулоҳазалари ҳақида суҳбатлашишдир. Шундай бўлса-да, Иззат Султоннинг янги маданиятимиз тарихидаги ўрнини тўғри кўрсатиб берган ЎзФА мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжоновнинг қуйидаги ҳаққоний фикрини келтиришни лозим кўрдик: «Фанлар тарихига назар ташласангиз,— деб ёзади М. Қўшжонов,— ҳар бир фаннинг ҳар бир даврда ўз устозлари борлигини кўрасиз. Совет даврида республикамизда математика фанининг туғилиши ва шаклланишини Қори Ниёзийсиз, геология фанининг туғилиши ва шаклланишини Ҳабиб Абдуллаевсиз тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, Совет даврида танқидчилик ва адабиётшунослик илмининг туғилиши ва шаклланишини ҳам Иззат Султонсиз тасаввур қилиш қийин».

Суҳбатимизга мавзу сифатида



тарих ва замонавийлик проблемасини танлаганимиз бежиз эмас. Чунки Иззат Султон йирик адабиёт назариётчиси, адабиёт тарихчисигина ~~эмас, шу билан бирга, аввал айтганимиздек~~, узоқ ва яқин ўтмишимиз ҳақида бадиий баркамол драмалар, либретто ва киносценарийлар яратган забардаст адиб ҳамдир. Бинобарин, бу ҳол мавзуимизнинг бир неча жуда муҳим жиҳатларини ёритишга, кўпчилик адабиёт ва санъат мухлисларини қизиқтираётган масалалар хусусида анча батафсил фикр алмашишга имкон беради.

М у х б и р: Аввало, тарихий жанр тушунчасининг мазмунини конкретлаштириб олсак.

И з з а т С у л т о н: Тарихий жанр деб нимани айтамиз? Бу ҳақда адабиётшуносликда ҳали ҳамма томонидан эътироф этилган узил-кесил, аниқ бир фикр ёки таъриф йўқ. Бироқ фанда аста-секин бир мезон юзага келаётир. Асар ҳақиқий маънода тарихий ҳисобланиши учун ўтмиш ҳодисалари билан бугунги кун ҳодисалари ўртасидаги боғланишни, алоқани топиш, ўтмишдан давримизга ҳамоҳанг, ҳозирги замон одамларига сабоқ бўла оладиган воқеалар, проблемалар танлаб тасвирланиши керак. Тарихий асарнинг энг муҳим аломатларидан бири шуки, унда ўтмишга янги бир давр мафкураси, эстетик идеали, ахлоқий, маънавий талаблари нуқтаи назаридан баҳо берилиши лозим. Масалан, ўзбек тарихий насрининг классик намуналаридан —«Ўтган кунлар»да Абдулла Қодирий Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги янги даврдан туриб яқин ўтмиш — хонлар замонларига баҳо беради. «Навоий» романида Ойбек ҳам, «Алишер Навоий» драмасида Уйғун билан мен ҳам ана шу йўлдан борганмиз.

Менингча, мамлакатимизда 20-йилларда содир бўлган воқеалар тасвирланган асарларни тарихий деб атамаслигимиз керак. Чунки 20-йиллар совет жамиятининг бошланғич даврига мансуб. У йиллар ҳодисаларига бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо берсак, қарашимиз ўзгармай қолаверади. Негаки, 20-йиллар янги тарихимизнинг бир босқичи, холос. Агар биз «Ўтган кунлар»ни олсак, бу бошқа гап, аввал айтганимиздек, романда тарихийлик аломатини яққол кўрамиз: феодал ўтмишга совет воқелиги, янги замон нуқтаи назаридан баҳо берилади. Хуллас, тарихий масофа, ғоявий масофа мавжуд бўлган тақдирдагина, менингча, асарнинг тарихийлиги ҳақида гапириш мумкин. Акс ҳолда мезон йўқолади. Шу маънода Улуғ Ватан уруши воқеаларига бағишланган асарлар ҳам тарихий ҳисобланмайди.

Тарихий асарнинг яна бир хусусияти шуки, ўтмишдан, энг аввало, нур қидирилади, ижобий ҳодисалар ахтарилади. Масалан, ўтмишдан инқилобий анъаналарни топиб тасвирласак, замонамизга мос тушади. Умуман, шуни айтиш керакки, ҳаётдан нур изламаган, идеал қидирмаган адабиёт яшай олмайди.

Тарих ҳамиша замон учун хизмат қилади. Асар тарихий мавзудами, замонавий мавзудами, бари бир, унда замонага зарур гап айтилиши, замонанинг маънавий эҳтиёжларига жавоб берилиши керак. Мен ҳам ижодимда қўлимдан келганча шунга интиламан. Масалан, «Бургутнинг парвози» драмасида революциянинг халқимизни рўёбга чиқарганини бадиий исботламоқчи бўлганман. «Истеҳком»да Туркистонда революциянинг муқаррарлиги масаласини қаламга олганман. «Алишер Навоий»да эса буюк шоир орзуларининг ҳаётимизда амалга ошганлигига ҳам ишора қилганмиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, мен асарнинг жанрини кўрсатганда «тарихий» сўзини қўлламаслик тарафдориман. Оддийгина тарзда: «роман», «повесть», «ҳикоя» ёки «драма» деб ёзаверган маъқул.

М у х б и р: Кейинги йилларда ўзбек совет адабиётида ҳам тарихий мавзуга эътибор ҳар қачонгидан кучайиб кетди. «Улуғбек хазинаси», «Меъмор», «Пиёда қўшин капитани», «Юлдузли тунлар» каби романлар, «Жайҳун узра булутлар», «Ихлос тузоғи» сингари қиссалардан ташқари, ёш адиблардан Тоҳир Малик, Маҳкам Маҳмудов, Мамадали Маҳмудов, Хайриддин Султонов, Алишер Ибодинов, Хуршиднинг қисса ва ҳикоялари майдонга келди. Бу ҳодиса ёш драматурглар ижодида ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, Омон Матжон, Саъдулла Аҳмад, Усмон Азимов, Асқар Қосимов каби ёш драматурглар тарихий мавзудаги асарлар устида иш олиб бормоқдалар. Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

И. С у л т о н:— Демоқчисизки, кейинги йиллар ўзбек совет адабиётида тарихий мавзунинг катта ўрин олаётганининг сабаблари нимада? Буни мен табиий деб ҳисоблайман. Фикримча, эски анъана — ўтмиш материали асосида ҳозирги замоннинг ахлоқий, маънавий, сиёсий муаммоларини ёритиш давом этмоқда. Адабиётимизда тарихий мавзунинг аввалгига нисбатан кенг жой олаётганига келсак, бунинг бир муҳим сабаби бор. Биз ўтмишимизни Улуғ Октябрдан аввал, революциядан кейинги дастлабки беш-ўн йил ичида ҳам яхши билмас, яхши тушунмас, қадрига етмас эдик. Маданий савиямиз паст эди. Шу сабабли, табиийки, ўтмишимиз ҳақидаги энг йирик илмий асарларни рус олимлари ёзган, баъзилари эса чет эл олимлари ~~томонидан ёзилган эди. Пушкиннинг~~, халқнинг маданияти унинг ўз ўтмишига муносабатига қараб белгиланади, деган яхши фикри бор. Шунга асосланадиган бўлсак, илгарилари биз ўтмишимизга тўғри муносабатда бўлолмас эдик. Кейинги даврларга, яъни 30-йилларга, Улуғ Ватан уруши йилларига келиб ёзувчиларимизнинг кўпчилиги, халқимизнинг кўпчилиги ўтмишга тўғри баҳо беришга қодир бўлди.

Мен бир ўхшатиш келтирмоқчиман. «Ота қадрини ота бўлган билади», дейдилар. Ёшлигимизда биз ота-она қадрига етмаймиз. Улғайиб, ўзимиз фикрий балоғатга етганимиздан кейингина ота-боболаримиз қадрига ета бошлаймиз. Халқ ҳам шундай — балоғатга етмагунча, маълум савияга кўтарилмагунча ўз тарихига, ўтмишига, ота-боболарига тўғри баҳо беролмайди. Айниқса, ўтмишдаги ижобий ҳодисаларга холис муносабатда бўлолмайди. Ўз ўтмишига қизиқиши ҳам кам бўлади. Мана, ҳозирги пайтда ўзбек халқи яна дунёдаги энг маданий халқлардан бирига айланди. Бу — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг энг зўр самараларидан биридир. Энди биз ана шу юксак савиядан туриб ўтмишимизга баҳо беришга қодирмиз, ўтмишимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Бизда миллий ифтихор туйғуси кучайди. Шу туфайли ёш адибларимизда ҳам тарихий мавзуга қизиқиш ортди. Зотан, миллий ифтихор туйғуси адабиётимизда тарихий тематиканинг ривожланишига ёрдам беради.

Энди менинг баъзи асарларимда ўтмишга мурожаат этганимга келсак, масалан, «Истеҳком»да ўтмишга бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо бериш йўқ. Шунинг учун драмани замонавий мавзуда деб ҳисоблайман. Лекин асарда маълум даражада вақт масофаси, замон масофаси бор. Нега мен 20-йилларга, Октябрь арафаси ва революциядан кейинги дастлабки йиллар воқеаларига мурожаат қилдим? Аввал айтганимдек,

биз халқимизнинг балоғатга етган даврида яшамоқдамиз. Бинобарин, ўтмишдан тўғри сабоқлар, хулосалар чиқара оламиз.

«Истеҳком»ни Улуғ Октябрнинг тарихий аҳамиятини ёритиш учун ёздим. Асарда Октябрнинг, рус пролетариатининг халқимиз тақдирига курсатган ҳаётбахш таъсирини кўрсатишга интилдим. Бу ҳақда ҳар хил гаплар бор. Масалан, чет эллардаги душманларимиз революция, совет ҳокимияти Туркистон халқлари томонидан тушунилган эмас, Туркистон халқлари революцияни қабул қилмаганлар, деб ёзадилар. Шу нуқтаи назардан инқилобий ўтмишимизга назар ташладим (мен бу иш билан кўп йиллардан, «Бургутнинг парвози»ни ёзганимдан бери шуғулланиб келаман) ва текширишларим натижасида яна бир марта чуқур қаноат ҳосил қилдимки, Октябрь революцияси бизга экспорт этилган ё зўрлаб киритилган эмас, балки халқимизнинг курашлари самарасидир. Шу билан бирга, агар Россияда социалистик революция рўй бермаганда, Туркистонда инқилоб бўлиши қийин эди. Демак, бу ҳодиса икки томонлама муҳим. Бир томондан, Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсирида халқимизнинг онги ўсиб, ўз ҳақини таниб, инқилобга қўшилган. Иккинчи томондан, ўзбек халқи оға рус халқининг маънавий мададига муҳтож эди. Россиядаги революцион ҳаракат халқимиз онгига таъсир этиб, унинг тез вояга етишига, ғоявий, фикрий савиясининг ўсишига сабаб бўлди. Мен ана шу — ҳам ички тажрибаларимизни бадиий умумлаштириш, ҳам чет эллардаги мухолифларимизга жавоб тариқасида «Истеҳком»ни ёздим.

Худди шу тарзда мен Абу Али ибн Сино мавзуига мурожаат этдим. Бу ерда икки масала бор. Биринчидан, нега Ибн Сино ҳаётига мурожаат қилдим? Иккинчидан, нима учун улуғ бобомизнинг ёшлик даврига мурожаат қилдим? Бунинг сабаблари шундан иборатки, Абу Али ибн Сино — бизнинг миллий фахримиз. Биз шундай буюк зотлар юртимизда ўтганидан фахрланамиз. Иккинчидан, Ибн Сино олим сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам жуда ёрқин шахс. Мени у ибратвор ёрқин шахслиги, ахлоқий, фикрий юксак шахслиги билан қизиқтиради. Ёшлар учун бунинг ибратли сиймо сифатида аҳамияти жуда катта. Чунки инсондаги барча фазилатларнинг аломатлари болаликда, ёшликда пайдо бўлади. Абу Али ибн Синонинг буюклиги аломатлари ҳам унинг ёшлигидаёқ кўзга ташланган. Ҳаммага маълумки, у ўн тўққиз ёшидаёқ қўли енгил буюк табиб сифатида шуҳрат қозонган. Шу машҳурлиги туфайли ўша давр тарихий адабиётига кирган. Бу гаплар тарихий факт. Шубҳасиз, ана шундай улуғ зотнинг фидокорона ҳаёти, ўлмас ишлари ҳозирги ёшлар учун намуна бўлишга арзийдиган образ яратишга имкон беради.

Мен атайин Ибн Сино таржимаи ҳолининг мутлақо номаълум саҳифасини қаламга олдим. Нега? Бу, албатта, мен тасвирлаётган давр ҳақида ҳеч нарса маълум эмас деган сўз эмас. Абу Али ибн Синонинг ўзи ёзиб қолдирган таржимаи ҳоли, шогирдлари, замондошлари унинг ҳақида билдирган фикрлар, хотиралар, алломанинг бой мероси — илмий ва адабий асарлари, Ибн Синодан кейин ўтган қадимги замон муаллифларининг берган маълумотлари, аллома ҳақида халқимиз яратган афсоналар менга «Донишмандниинг ёшлиги» асаримнинг майдонга келишида фактик асос бўлиб хизмат қилди. Мен Абу Али ибн Сино образини эркин яратишни ният қилдим.

Тарихдан маълумки, Бухорода яшаши ва ижод этиши мумкин бўлмай қолгач, тахминан, 1000—1003 йилларда Ибн Сино ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Ўша сарсонлик-саргардонлик йилларида у кўп жойларда яшайди. Жумладан, Нисо шаҳрига кириб ўтганлиги ҳам маълум. Таржимаи ҳолида, тарихий манбаларда бу факт бор. Қаҳрамоним Нисо шаҳрида қандай саргузаштларни кечириши мумкин? Мен асаримда тасвирланган воқеаларни гўё Нисо шаҳрида ҳақиқатан бўлиб ўтган деб фараз қилдим. Драмани ёзишга жазм этарканман, яна бир нарса хаёлимга келди: Ибн Сино фақат бизнинг халқимизнингина фарзанди эмас, балки жаҳондаги барча халқларга мансуб. Чунки ўша йигитлик пайтларидаёқ унинг обрўйи Бухородан узоқларда ҳам баланд бўлган. Шу сабабли қаҳрамонимнинг Бухорода эмас, бошқа жойда, бошқа миллий шароитда, бошқа халқлар орасида қандай қадр-эътибор қозонганини ҳам кўрсатгим келди. Нисо шаҳрида (ўз даврида жуда машҳур бўлган, Ашхобод шаҳридан ўн беш чақиримча наридаги бу шаҳар қўрғонининг харобалари ҳозир ҳам сақланиб қолган) асосан туркманлар, яна ўзбеклар, эронийлар, афғонлар ва бошқа халқлар яшардилар. Ибн Синони мана шу хилма-хил халқлар орасида кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Қаҳрамоним йигирма беш ёшда. Бу ёшда ҳар қандай одам ҳам маълум даражада илмга (ўқиган одам, албатта), ҳаётий тажрибага эга бўлади, фикри балоғатга етади. Ибн Синодек одамнинг ҳаёти томошабин учун намунага айланиши мумкин. Мендан баъзи ўртоқлар: «Нега Ибн Синонинг ўн тўққиз яшарлик даврини тасвирламадингиз?», деб сўрайдилар. Тўғри, олимнинг ўн тўққиз яшарлик пайтини ҳам қаламга олиш мумкин эди. Бироқ Ибн Синонинг бу ёшда амалга оширган ишлари, яратган илмий кашфиётлари фақат даҳоларнинггина қўлидан келади. Мен эса қаҳрамонимни оддий одамларга яқин бир шароитда кўрсатишни маъқул топдим. Яна шуни айтишим керакки, «Донишмандниинг ёшлиги» Абу Али ибн Синонинг буюк ҳаётидан кичик парча, таъбир жоиз бўлса, хамир учун патир. Шубҳасизки, Форобий, Беруний, Фарғоний, Ибн Сино, Навоий, Бобирдек кишилар жуда буюк зотлар. Уларнинг баркамол образларини яратиш учун Шекспир керак, яъни ижодининг моҳияти, истеъдодининг қудрати жиҳатидан ана шу зотларга яқин турган санъаткор, ҳозирги замон Шекспири керак. Энди биз — ҳозирги ёзувчилар Ибн Сино образини яратишга интилар эканмиз, бу — буюк бобомизни мумкин қадар тушунишга, қўлимиздан келганча бошқаларга тушунтиришга уринишимиз натижасидир. Шахсан мен интилиб, қўлим улуғ бобомизнинг этагига етган бўлса ўзимни жуда бахтиёр ҳисоблардим. Буни адабиёт учун ҳам, айрим ёзувчининг ижоди учун ҳам катта муваффақият, деб биламан.

Фикримча, Ибн Синодек боболаримизнинг образларини яратиш учун жуда катта тайёргарлик керак. Бу — жуда масъулиятли вазифа! Асар ёзган ҳар бир адиб ҳам, айтайлик, Абу Али ибн Синонинг ёки бошқа улуғ инсоннинг етук образини яратдим, деб даъво қилмаслиги керак. Менингча, бугунги кунда тарихий шахсларга муносабатимизда катта бир камчилик бор, бу камчиликни мен ўзимда ҳам кўраман. Агар менга яна тарихий мавзуда асар ёзиш насиб этса (шундай ниятим бор), бир нарсага албатта эътибор қиламан, қўлимдан келганча. Биз буюк кишиларни тасвирлаганда бутун эътиборни уларнинг шахсига қаратамиз. Ваҳоланки, тарихни ҳаракатга келтирувчи куч — халқ. Буюк кишилар халқнинг манфаатларини, халқнинг орзу-интилишларини қай даражада ифода эта олган, рўёбга чиқара олган бўлсалар, фақат шу даражадагина буюкдир. Демак, биз тарихнинг буюк сиймосини асаримизга қанчалик марказий образ қилиб олмайлик, асосий диққатимиз халқни, халқнинг ҳол-аҳволини кўрсатишга, унинг ўз инсоний ҳуқуқлари, орзу-умидлари йўлидаги курашини ҳаққоний тасвирлашга қаратилиши даркор. Ҳозирги ижодий ниятларимдан бири шуки, мен халқдан чиққан қаҳрамонни бир неча буюк кишилар билан учраштирмоқчиман ва худди буюк кишилар халқнинг манфаатларини ифодалаганларидек, халқнинг тақдирига онгли равишда таъсир кўрсатганларидек, меҳнаткаш халқ вакиллари билан учрашув ҳам буюк кишиларнинг фикрий ривожини тезлатади. Бу — икки тарафлама жараён. Буюк киши халққа, халқ буюк кишига интилади. Ҳар иккала томонни кўрсатиш йўли билангина ҳақиқий тарихий асар вужудга келиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, масалан, тарихий-биографик жанрнинг биздаги ривожи яхшию лекин бу етарли эмас деб ҳисоблайман. Энди ёзилажак асарларимизда меҳнаткаш халқ ҳаётининг ўзини, унинг интилиш ва орзуларини биринчи ўринда тасвирлашимиз керак. Ўшанда тарихий шахс ютқазмайди, ютади. Буюк шахс, таъбир жоиз бўлса, тоғнинг баланд чўққисига ўхшайди. Лекин биз фақат тоғнинг юксак чўққисини тасвирлаб қолмасдан, унинг ёнбағирларини, этакларию заминини ҳам тасвирлашимиз зарур. Ўшанда шу чўққининг чўққи эканлиги, чўққининг қанчалик баланд эканлиги маълум бўлади.

М у х б и р: «Алишер Навоий» драмаси ёзилганидан бери қирқ йил, Ҳамза номидаги театримизда Маннон Уйғур томонидан саҳналаштирилганидан бери эса салкам ўттиз олти йил ўтди. Гениал бобомиз Алишер Навоийнинг нурли сиймоси, табаррук номи халқимизнинг қалбидан теран жой олишида асарнинг хизматлари беқиёсдир. «Алишер Навоий»нинг қуйма мисрларини гапининг ўроли сифатида ишлатмаган бирон ўзбек йўқ, десак, муболаға бўлмас. Сиз, шу классик асарнинг яратувчиларидан бири сифатида эмас, балки адабиётшунос олим сифатида «Алишер Навоий»нинг халқ орасида бу қадар машҳур бўлиб кетиш сирларини изоҳлаб беролмайсизми? Эҳтимол, бунинг асосий сири, ўзингиз бир суҳбатимизда айтган — Шарқда сўзни, адабиётни юксак қадрлаш, эъзозлаш анъанаси, яъни ўз таъбирингиз билан айтсак, «сўз культи»—«сўзга сиғиниш»да эмасмикан?

И. С у л т о н: Уйғун домла билан ҳамкорликда ёзилган «Алишер Навоий» драмасининг кенг шуҳрат қозониб кетганлигининг сирлари ҳақида гапириш мен учун ноқулай, албатта. Бу саволга, айтганингиздек, авторлардан бири сифатида эмас, балки адабиётшунос сифатида жавоб беришга уриниб кўришим мумкин. «Алишер Навоий»нинг муваффақияти, шунча йилдан бери театрларимиз саҳналаридан тушмай келаётгани, асарни томошабинларнинг Ҳамза номидаги театр саҳнасида яна кўришга иштиёқи баландлигининг сабаблари нимада? Биринчи сабаби шуки, Алишер Навоийни халқимиз жуда яхши кўради, унинг ҳақидаги яхши асарларнинг пайдо бўлишини ҳамиша орзиқиб кутади. Халқимиздаги бу улуғ сиймо ҳаётига бўлган ана шу сўнмас қизиқиш билан бизнинг камтарин ишимизнинг мос тушиши муваффақият келтирди. Менингча, асарнинг ютуғини фақат бизнинг меҳнатимизга, маҳоратимизга боғлаб қўйиш унчалик тўғри бўлмас. Тарихий қаҳрамоннинг ўзи халқимиз қалбида тутган ўринни ҳам доимо ёдда сақлашимиз лозим.

«Алишер Навоий»нинг муайян фазилатларини адабиётшунос олимларимиз таъриф-тавсиф этганлар. Шу туфайли мен диққатингизни драманинг баъзи жиҳатларигагина тортмоқчиман. «Алишер Навоий»— психологик драма. Психологик драма томошабиннинг қалбига тез йўл топади. Чуқур психологик драма доимо театрларимизнинг орзуси. Биз шу жанрни танлаб, унинг талабларига қўлимиздан келганча риоя қилишга интилиб тўғри йўл тутганмиз, деб ўйлайман. Фикримча, асарнинг муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири ҳам мана шу.

Максим Горькийнинг «Адабиёт — инсоншуносликдир», деган доно фикри доимо дилимда туради. Инсоншунослик йўлидан борган, чинакам бадиий асар яратишга ҳаракат қилган ҳар бир адиб китобхоннинг, томошабиннинг — халқнинг қалбига тез йўл топиши, шубҳасиздир.

Психологик драманинг муҳим бир хусусияти — лиризм. «Алишер Навоий»да, менингча, чуқур лиризм бор. Лиризм майдонга келишида истеъдодли, ҳассос шоир Уйғуннинг хизмати катта бўлди. Бу асарнинг шеърий парчалари, шеърий қисми халқ оғзига тушиб кетди. Энди драманинг насрий қисмининг баъзи хусусиятларига келсак, мен ҳам Алишер Навоийнинг асарларидан ижодий фойдаланиб образли шеърий фикрлаш йўлидан бордим. Асардаги прозани ҳам, маълум даражада, шеърий проза, деб ҳисоблайман.

Алишер Навоий ижоди фикрий теранлигидан ташқари, шаклий жиҳатдан ҳам ёрқин. Драмада биз ҳам шаклий ёрқинликка эришишга, Навоий ижодига хос хусусиятларни сақлашга ҳаракат қилдик. Натижада эсда қоладиган эпизодлар, саҳналар, қанотли иборалар вужудга келди. Масалан, пьесада Навоийнинг ишонч ва умидларини оқламаган ўз дўсти Ҳусайн Бойқарога қарата айтган: «Мен умримга ачинмаймен. Аммо сизга сарф қилган меҳнатларимнинг зое кетганига ачинамен. Мен янглишмбмен. Мен писта пўчоғидан кема қилмоқчи бўлубмен...», каби сўзлари ёки қаҳрамоннинг «Ноумид — шайтон. Мен ҳали умидларимдан воз кечганим йўқ. Биз етолмаган умидларга келажак наслларнинг етмоғи мумкин. Қачонлардир адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дунёда бахт ва ҳаққоният тантана қилмоғи лозим...», сингари оташин нидолари улуғ шоир меросидан ижодий фойдаланиш, Навоий қабилида ўйлаш, фикрлашга интилиш, Навоийнинг фикрлаш тарзига мослашиш натижасидир.

Биз «Алишер Навоий»ни трагедия жанрида ёзишга ҳаракат қилдик. Трагедия даражасига етказа олмаган бўлишимиз мумкин, лекин шунга интилдик. Мана шу ҳаракатнинг самараси сифатида асарда муайян фазилатлар юзага келди. Уйғун домла билан материал тўплаб бўлгач, Шекспирнинг бир неча драмаларини, масалан, «Макбет», «Гамлет», «Қирол Лир» трагедияларини махсус таҳлил этиб чиқдик. («Макбет»нинг таҳлил материаллари ҳали ҳам қўлимда сақланади.) Мақсадимиз — Шекспирнинг драматурглик маҳоратини, трагедиялари умрини боқий қилган ижодий сирларни, хуллас, улуғ санъаткор тажрибаларини ўрганиш эди. Шекспир теран маъноли саҳналар, эпизодлар яратишга, пурмазмун фикрлар баён этишга, чуқур рамзийликка катта эътибор берган. (Масалан, «Гамлет»даги машҳур най эпизодини эсланг!) Биз ҳам шу йўлдан боришга баҳоли қудрат интилдик.

Яна бир жуда муҳим нарсани унутмаслигимиз керак. Бизнинг минг йиллардан бери мавжуд буюк шеъриятимиз бор, юксак сўз маданиятимиз бор. Қисқаси, шеършунос — заршунос халқмиз. Агар биров чиройли сўзласа ўзбек соатлаб жон қулоғи билан тинглашга тайёр. Мен

ўзимча буни, ҳали таъкидлаганингиздек, «сўз культи», яъни сўзни қадрлаш, эъзозлаш, деб атадим. Европа драматургияси нуқтаи назаридан, эҳтимол, айб, камчилик ҳисобланган бу ҳодиса — чиройли сўзлаш миллий драматургиямиз учун фазилат саналади. Биз асар сюжети ривожини тўхтатиб қўйиб, икки кишининг мунозараси — диалогини кўрсатсак, ҳатто бир кишига сўз, яъни монолог берсак ҳам, агар ўша диалог ёки монолог Шарқнинг энг яхши поэтик анъаналари руҳида ёзилган, мазмунли, таъсирчан бўлса томошабин қулоқ солади. Нега воқеалар ривожини тўхтатиб қўйдинг, демайди. Мисол учун драмадаги «Куй!», деб бошланувчи машҳур монологни келтиришимиз мумкин. Атоқли санъаткоримиз Олим Хўжаевнинг юксак ижросидаги бу монолог ҳаммамизнинг ёдимизда сақланиб қолган. Мазкур монологнинг сюжетга бевосита алоқаси йўқ, у сюжетни олға силжитмайди. Аммо спектаклнинг моҳиятини очишга катта ёрдам беради. Биз драма устида иш олиб борар эканмиз, шу нарсани ҳам ёдда тутдик.

«Алишер Навоий» хусусидаги қисқа мулоҳазаларим охирида асардаги бир ўринга диққатингизни тортмоқчиман. Ёдингизда бўлса, Маждиддин, Шайхулислом Навоий билан мунозарага киришганларида, улар Алишерни авомга ён босишда, авомнинг ғамини ейишда айблаб киноя қиладилар. Шунда Навоий уларга қарата кескин тарзда: «Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақмоқ бўлишдан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзалдур», деб жавоб беради. Бу гап улуғ шоир асарларида йўқ. Лекин Навоийнинг характерига мос, бу Навоийнинг фаолияти мазмунидан, ижодининг руҳидан келиб чиқадиган гап.

Мухбир: Ўтмиш мавзуида ёзилган асарнинг тили ҳақида турли қарашлар бор. Баъзилар асарда тасвирланаётган давр тилининг колорити мумкин қадар тўла тикланиши зарур (чунончи, Ойбекнинг «Навоий» романидагидек), деб ҳисобласалар, иккинчи гуруҳ адабиётчилар ўша замон тилининг хусусиятлари сал-пал сақланса шунинг ўзи кифоя (чунончи, Миркарим Осимнинг ҳикоя ва қиссаларидагидек), дейдилар. Яна бир қараш тарафдорлари борки, уларнинг фикрича, ўтмиш давр тилининг ўзига хос жиҳатларини акс эттириш умуман шарт эмас. Сизнингча, тарихий мавзудаги прозанинг тили қандай бўлгани маъқул? Тарихий драманинг тили-чи?

И. Султон: Ўйлайманки, ҳозирги тарихий асарларимизда аввалги тарихий мавзудаги асарларимизда қўлланилган бир нарсадан воз кечсак ҳам бўлар. Буни стилизация, услубийлаштириш деймиз: персонажларнинг ҳаммасини ўша замон тили билан гапиртиришга ҳаракат қиламиз. Менингча, бугунги кунда бунинг ҳожати йўқ. Биз «Алишер Навоий» пьесаси тилида стилизациядан воз кечиб, ҳозирги замон тилини асос қилиб олганмиз. Асардаги стилизация сезилар-сезилмас. Агар қаҳрамонлар саҳнадан туриб Навоий замонасига хос тилда гапирсалар, томошабинлар тушунмайдилар, саҳна билан зал ўртасида алоқа узилади. Ўйлайманки, ҳозирги замон романларида стилизация керакмикан. Менингча, керак эмас. Яқинда «Бобирнома»ни яна ўқидим. Кобилга борган Бобир шаҳарда халқ ўн бир тилда гаплашишини ёзади. Кобилда одамлар туркий, форсий, арабий, яна бошқа тилларда сўзлашган эканлар ўша замонда. Мабодо, мен XV асрдаги Кобил ҳақида асар ёзсам, қаҳрамонларимни ўн бир тилда гаплаштиришим керакми? Йўқ, қаҳрамонларим битта тилда гаплашишлари керак! Жуда суст стилизация бўлиши мумкин. Лекин асарда даврнинг тил колоритини тўла сақлашга уринган ёзувчи ютқазади. Асарни китобхоннинг тушуниши қийинлашади. Ҳар гал саҳифа тагидаги изоҳларга қарайверсангиз, хит бўлиб кетасиз. Шунинг учун персонажлар ҳозирги замон тилида гапиравергани маъқул.

Мана, кинода ҳамма тарихий шахслар ҳозирги замон тилида гаплашадилар. Бу шартли усул эканини ҳамма билади, ҳеч ким ажабланмайди. Масалан, ўзбек саҳнасида Ленин ўзбекча гапиради, айтайлик, Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» асарида. Ҳамма биладики, аслида доҳий таржимон орқали гаплашган, русча сўзлашган. Асарда эса таржимон йўқ. Бунинг шартли усул экани барчага аён. Шу сабабли томошабин ажабланмайди. Демак, нима учун XV аср ўзбеклари ҳозирги тилда гапиришлари мумкин эмас. Менингча, бизга ўша замон одамларининг тафаккури, фикрлаш йўсини, фикрий савияси муҳим. Ўша замоннинг ўзига хос тили асарни бадиий идрок этишимизда халал беради. Фикримча, Пиримқул Қодиров Бобир ҳақидаги романида стилизациядан воз кечиб тўғри иш қилган. Унда стилизация сезилмайдиган даражада. Яна таъкидлайман, китобхонларга ўтмиш одамларининг ҳаёти, ўй-фикрлари муҳим. Агар биз XV аср кишиларининг тилини тўла тиклаймиз десак, Навоийнинг мактубларидаги тилни тиклашимиз керак бўлади. Ваҳоланки, бу тилни фақат мутахассисларгина тушунишлари мумкин. Асли тил шу тил бўлган. Ундан ташқари, Бобир ёзганидек, у вақтдаги одамларнинг ўн-ўн бир тилда сўзлашганларини доимо кўзда тутиш лозим.

Фикримни янада ойдинлаштириш учун бир мисол келтирай. Лев Толстой ўтмиш одамларининг тилидаги ўзига хосликни сақлайман, давр колоритини тўла акс эттираман, деб «Уруш ва тинчлик»да французчани жуда кўп ишлатган. Менингча, эҳтимолки, бу нарса тарихий роман янги шаклланаётган пайтларда зарур бўлгандир. Лекин ҳозир стилизацияни минимумга етказиш лозим. Иложи бўлса стилизациядан умуман воз кечилса зарари йўқ. Буни такрор-такрор айтаётганлигимнинг сабаби шуки, колорит яратаман, деб тарихий асарнинг мазмунини, шаклини мураккаблаштириш ярамайди.

Тарихий драманинг тили қандай бўлиши керак? Тарихий драманинг тили, менингча, томошабинга ҳар жиҳатдан тушунарли бўлиши лозим. Агар биз насрий асарда стилизацияга, давр тилининг айрим хусусиятларини инъикос эттиришга эътибор берсак, драмада стилизацияга ҳожат йўқ. Фикрий ифодада ўша замон тилининг айрим хусусиятларигина сақланиши мумкин, холос. Бироқ тарихий драма тилида ҳозирги томошабин тушунмайдиган битта ҳам сўз бўлмаслиги шарт. Драма тили маданияти ўртача томошабин савиясида бўлиши керак. Чунки романда китобхон бирор сўзни тушунмаса, уни луғатдан қараб, маъносини аниқлаб олади ёки такрор ўқиб тушунади. Томошабин театрга луғат қўлтиқлаб келмайди, у бирор сўзни, ёки гапни тушунмадими, нарироқда юз берадиган воқеаларни ҳам, гапларни ҳам тушунолмаслиги мумкин. Шу сабабли драманинг тили жуда равон, таъсирли, шахдам бўлиши керак. Драмада стилизациядан жуда кам фойдаланган яхши.

Драматургиянинг ўзига хос бошқа хусусиятлари ҳам борки, улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмайман. Бироқ драматургиянинг бир талабини эслатиб ўтишим зарур деб ўйлайман. Драмада драматизм борган сари кучайиб бориши керак. Аввалги сатр кейинги сатрни тайёрласин. Драмада репликалар (ҳар бир персонаж томонидан айтиладиган гаплар) бамисоли ягона фикрий занжирнинг ҳалқаларига ўхшайди. Ҳалқалар ҳалқаларига уланиб кетади. Натижада драма тили туташ занжир ҳосил этади. Драмада бир-бирига боғлиқ бўлмаган бирорта ҳам сўзга ўрин йўқ. Занжирнинг биринчи ҳалқаси билан мингинчи ҳалқаси ўртасида мустаҳкам боғланиш бўлиши керак. Драма тилининг мана шу каби ўзига хос бир қанча хусусиятлари бор.

Табиийки, адабиётда тарихий мавзунинг ишланиши ва замонавийлик проблемалари биз юқорида фикр юритган жиҳатлар билангина чекланмайди. Бу кўп қиррали, йирик муаммонинг тарихий асарда факт ва бадиий тўқиманинг ўзаро муносабати, машҳур тарихий фактлардан фойдаланиш меъёри, историзм, прототиплар, автор таржимаи ҳолининг иштироки, халқ психологияси ва давр колоритининг ифодаланиши сингари бир қанча муҳим масалалари борки, улар иккинчи суҳбатимизнинг мавзуидир.

Суҳбатни **Маҳмуд САЪДИЙ** ёзиб олди

Боши 15—16-бетларда

чарди. Сезиб ўтирардим... Ҳаммасиям майли эди-ю, шуниси қаддимни букиб кетди. Баъзи-баъзида бўғинларимнинг зирқираши, қулоғимнинг шанғиллашига зўрға дош бераман. Оғир тошни минг азоб билан кўтарасан-ку, тушиб кетиши осон экан. Нега мен ўлмай, улар ўлди, деб оҳ ураман. Тирик юрганлардан кўра уларни кўп эслайман. Бир хил пайтларда, яшадимми ўзи бу дунёда ёки йўқми, деб узоқ-узоқ бош қотираман. Худди яшамагандай, туғилмагандай, бўлмагандай сезаман ўзимни. Фақат улар яшагандай...

Тўти кампир оғир ютинди, четга қараб рўмолининг учи билан кўзини артди. Санобар буни ошхонадан туриб кузатаётганмиди, хуллас, сездирмайгина келиб, бувисининг ёнига чўнқайди. Тўти кампир чойнак-пиёлани неварасига суриб:

— Олинг, олиб ўтиринг,— деб мени дастурхонга ундаган бўлди. Кейин:— Худога шукур,— деди гўё гапига якун ясагандай оғир сўлиш олиб.— Эл-юрт оғиздан қўймай эъзозлайди барини. Чўлдаги янги бир қишлоққа «Султон полвон қишлоғи» деб ном қўйишибди. Озод ўқиган мактаб-ку йигирма йилдан бери унинг номида. Яна ҳар ҳафтада пиянерларнинг келгани-чи, йўқ деганимга кўнишмайди. Ҳамма ёқни чиннидай супириб-сидириб, саранжомлаб кетишади. «Темирчиларимиз», деб қизиқчилик қилиб ҳам қўйишади... «Ҳа, майли, умрларингдан барака топинглар», деб алқайман уларни. Эркинимнинг дўсти-ку, боя айтдим, хати канда бўлмайди. Бирам ҳафсалали бола эканки, асти қўяверинг. Байрам келди дегунча ўйлаб тураман, ичимда: шу гал эсидан чиқдиёв, деб хавотирланаман. Йўқ, қани эсидан чиқса! Шу бу йил мойда эрта байрам-у хат келавермади денг. Ишонасизми, дилимни ваҳима босди: тағин касал-пасалга чалинибми ёки бирон нарса бўлибми... дейман нуқул ичимда. Йўқ, хайрият, кечқурун почтачи телегром ташлаб кетди. Қаерлардаям командировкада юрган экан бояқиш. Ҳа, отини айтмадим-а сизга. Оти Сергей. Норпошша уни бутун бола-чақаси билан бизникига меҳмонга чақирган. Шу кўкламда келишармиш...

Санобар секин ўрнидан турди; бувисининг гапга тушиб кетганига кулимсираганча, эҳтимол, уни чалғитмоқчи бўлдими, бориб айвондаги телевизорни буради.

— Ишонганим энди шу битта Норпошшам,— Тўти кампир чуқур хўрсинди.— Қаттиқ гапирмайман унга сира. Қўрқаман. Тилим куйган. Ишдан баъзан ранги қочиб, тажанг бўлиб қайтади. Дарров насиҳатга ўтиб, ҳовуридан тушираман. «Э, она, ёмон гапирмай бўларканми, бир хиллар одамни қон қилиб ташлайди-ку!», деб баттар хуноби ошади. «Ёмонниям яхшилаб гапир, болам. Ёмон гапирган кунинг юзингдан биламан. Яхши гапирганингда гулдай очилиб келасан», деб юпатаман. «Яхши гапир, болам, яхши гапир. Кулиб турсанг, бошқаларга ҳам осон...», дейман. Қизим депутат, звеновой...

Шу пайт Санобар айвондан туриб шоша-пиша бувисини чақира бошлади:

— Эна, тез бўлинг, тезроқ, онамни кўрсатяпти!— У сабри чидамай, югуриб ўзи келди-да, бувисининг қўлтиғидан олиб, каравотдан туширди. Мен ҳам айвонга ўтдим. Рангли телевизорда Тошкентдан репортаж берилаётган эди. Аввал зал, кейин нотиқ, ундан кейин аста-секин президиумда ўтирганлар кўрсатила бошланди. Санобар ёш боладек ўрнидан сакраб, ойисининг келишини пойлаб турди. Биринчи қаторнинг четроғида ўтирган кўкраги тўла орден-медалли кулча юз аёлни кўрсатиб, «Ана, онам, ана, бир нарсаларни ёзиб ўтирибдилар», деди ҳаяжонини босолмай. Тўти кампир телевизорга яна ҳам яқинроқ сурилиб ўтирди. Кейин менга қараб:

— Қарилик қурсин, сиз кўрдингизми, мен унча илғамадим,— деди ачиниб. «Кўрдим, жуда яхши кўрдим», деганимдан сўнг нимжон кўкрагини кўтариб, тўйиб нафас олди.

Эшиттириш тугагач, яна чорпояга қайтдик. Тепадаги катта лампочка бутун ҳовлини сутдай ёритиб турибди. Уч соатча вақт қандай ўтиб кетганини мутлақо билмадим. Санобар кеч бўлса ҳам бир косадан қайнатма шўрва келтирди. Ҳойнаҳой, мен келишим ҳамоно уннаган шекилли...

Салдан кейин Назруллажон кириб келди. Оғзи қулоғида. Нуқул кинони гапиради. Шўрвасини шоша-пиша ичиб, машина ёпқичини кўтара бошлади. Йўқ десам ҳам кўнмай, шаҳарга олиб тушиб қўядиган бўлди.

Тўти кампир букчайганча кўчага кузатиб чиқди.

— Сизгаям нуқул ҳасратимни сўйлаб, тоза эзиб юбордим шекилли-а?— деди ўзини ўзи ёзғириб.— Норпошша борида бир келинг. Мана, мошиннинг ҳам оёғини кўрадиган бўлдингиз.— Кейин неварасига қараб:— Ҳай, секин ҳайда, болам, биз хавотир олиб ўтирмайлик,— дея тайинлади.

Бурилиш ва тор кўчалардан ўтгач, атрофи бир текис дарахт равон асфальт йўлга тушиб олдик. Назруллажон билан анча ергача ундан-бундан чақчақлашиб кетдик. Кейин чарчадикми, икковимиз ҳам жим бўлиб қолдик. Хаёлга чўмганча борар эканман, Тўти кампирнинг: «Умрнинг у томони ҳам, бу томони ҳам ўзимизники», деган гапларини эслаб ҳайратланаман. Бу сўзлар негадир менга: «Одамлар! Ахир, биз кучлимизку! Истасак — ҳамма иш қўлимиздан келади, ҳар қандай кулфатларга ҳам чидаб, ҳар қандай тўсиқларни ҳам енга оламиз! Қисматни ҳар ким ўзи яратади!», дея жаранглаётгандек туюларди.

Машина фаралари қоронғиликни тилка-пора қилиб, ғизиллаганча илгарилаб борарди.

ДЎСТЛИКНИ АРДОҚЛАГАН АДИБ

Шодман, рус тупроғида
туғилиб, олдим нафас,
Оғир йиллар халқим-ла
бирга бўлдим ҳамнафас.
Озод юртда эркинман,
ҳаёт йўлим зиёда,
Бундан аъло, ишончли
йўл ва бахт йўқ дунёда!

Бу сатрлар таниқли рус адиби Николай Матвеевич Грибачёв ижодининг моҳиятини равшан ифодалайди. Чунки эллик беш йилдирки, шоир Россияни, рус халқини улуғлаб, бу азамат халқнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин босиб ўтган машаққатли ва шонли, қаҳрамонона йўлини шеър ва достонларида, ҳикоя ва қиссаларида, жанговар публицистик мақола ва очеркларида акс эттириб келмоқда.

У ранг-баранг жанрларда ижод қилади. Адибнинг лирик ва сатирик шеърлари, баллада ва достонлари, воқелигимизнинг долзарб мавзуларида ёзилган ҳикоялари, оташин публицистикаси, памфлет ва фельетонлари совет адабиётида ўзига хос ўринга эга. Хусусан, унинг жаҳонда тинчликни сақлашга қаратилган асарлари, инсонийликни улуғлаган, Ватан табиатини асрашга чорлаган шеъру достонлари китобхон эътиборини қозонган.

Николай Матвеевич Грибачёв кўп миллатли совет адабиётининг заҳматкашларидан биридир. Адибнинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташласангиз, бу фикрнинг ҳаққонийлигига амин бўласиз. Негаки, Грибачёв тиним билмай бадиий асарлар ёзиш билангина кифояланиб қолаётгани йўқ. У 1932 йилдан бери журналистика соҳасида ҳам ғайрат кўрсатиб ишлаб келмоқда. Шоирнинг илк шеърлар китоби — «Шимоли Ғарб» 1935 йили Петрозаводск шаҳрида босилиб чиққан эди. Шундан буён Грибачёвнинг рус тилида, қардош халқлар тиллари ва испан, инглиз, румин, венгер ва бошқа ажнабий тилларда кўплаб насрий ва шеърий мажмуалари нашр қилинди. Шоир «Большевик» колхози» (1947), «Победа»да баҳор» (1948) достонлари учун икки марта СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. 1960 йили эса «Америка билан юзма-юз» китобининг авторларидан бири сифатида Грибачёвга ҳам Ленин мукофоти берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Момақалдироқдан сўнг» (1952), «Қадрдон ҳамюртларим» (1954), «Йиллар» (1955) китоблари, халқ демократик мамлакатлари халқлари ҳаётига бағишланган шеърий туркумлари шоир ижодининг етуклик босқичига кирганини кўрсатди. Грибачёв ўзига хос лирик-романтик поэмаларида колхоз қишлоғида юз берган, содир бўлаётган катта ўзгаришларни, ҳозирги замон кишисининг маънавий гўзаллигини, ўй-фикрлари ва янги психологиясини очиб беришга интилди. «Август юлдузлари» (1958) китобига кирган ҳикояларида ҳам адиб совет кишисининг гўзал руҳий дунёсини кўрсатишга алоҳида эътибор берди. Ёзувчи ҳикояларида ҳаётбахш юмор кучли. Грибачёвнинг турли жанрларда ёзилган асарлари учун умумий бўлган асосий хусусият, яъни чуқур партиявий руҳ бу ҳикояларга ҳам хосдир.

Таниқли адиб ижодининг дастлабки даврларидан то ҳозиргача интернационал дўстлик ва қардошлик ғояларини, жаҳонда тинчлик учун кураш ғояларини бор қобилияти билан тараннум этиб келмоқда. У бу ўлмас мавзуларда қалам тебратибгина қолмасдан, балки таржимонлик фаолияти билан халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунончи, шоир фин, швед, япон, ҳинд, немис, венгер, корейс, карел, қозоқ, белорус, яҳудий шоирларининг шеърларини рус тилига иштиёқ билан таржима қилди. Грибачёв рус китобхонларини ўзбек адабиётининг энг ажойиб намуналаридан ҳам баҳраманд этиб келмоқда. У Ғафур Ғулом шеърларини, Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» шеърий қиссасини, Рамз Бобожоннинг «Обиҳаёт» достонини юксак маҳорат билан таржима қилди. Айни пайтда унинг шеър ва достонлари ўзбек тилида ҳам тез-тез босилиб туради. Хусусан, шоирнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ўтган йили босиб чиқарган «Дала камалаги» китоби Николай Грибачёв ижодини ўзбек китобхонига янада кенгроқ таништиришда янги қадам бўлди.



Рамз БОБОЖОН,
СССР Давлат мукофоти лауреати

Оқшом чўкди

Қош қорайиб, уфқ қизарди,
Кун илиниб қолди тепакка,
Парча булут кўкда сузарди,
Сузар эди гўё эрмакка.
Қош қорайиб, уфқ қизарди,
Қизардию гўёки ёнғин —
Олов олиб, бирдан бўзарди,
Оқшом чўкди вазмин ва ҳорғин.
Қош қорайиб, уфқ қизарди,
Чирқирашиб қолди чумчуқлар.
Йўл-йўлакай мезон тўзарди,
Яйловларда сувсиз қудуқлар...
Қош қорайиб, уфқ қизарди,
Ой хилватда нурсиз чироқдай.
Юлдуз учиб, чизиқ чизарди,
Янги кунга эски жумбоқдай.

Дўрмонда қиш

Яна чир айланиб,
бўралайди қор,
Ерга қўнар-қўнмас эриб кетади.
Қўшни девор оша мўралаб баҳор,
Боғдан боққа салом бериб ўтади.

Оқ отин йўрттириб, қамчилайди қиш..
Қани, шохлардаги оппоқ пўрсилдоқ?
Ғийбатчи қушларнинг тилида миш-миш,
Еллар ғувиллайди,
еллар ялинчоқ...

Қиш ўтиб боради отин қамчилаб,
Эҳтимол, бир нафас тўхтаб,
Дўрмондан...
Кўз ёши қилгандай осмон томчилаб,
Ризқи рўз тилайди ердан,
инсондан.

Яшай дейман

Яна ижод, яна машаққат,
Яна сайқал бергум шеъримга.
Сўнгги нуқта —
яхши аломат
Олтин бошоқ тахтдай ўримга...

Кўзларимга қуёш яширин,
Муштдай қалбим тепар куррадай.
Дўстга айтар сўзим бор —
ширин,
Баъзиларга — аччиқ ғўрадай.

Сўзим билан ишим ҳамоҳанг,
Ҳақгўйлигим билан мағрурман!
Ўзим билан жанг қиламан, жанг,
Ўз нуқтамда собит турурман!

Сатрим дилдан оқади дилга,
Томирларда кезади қондай.
Шеърим билан жондошман элга,
Яшай дейман асрий армондай!

Йўл

Яна ғилдираклар айланишга шай!
Манзил-манзилларни босиб ўтади...
Кучли машиналар бир нафас тинмай
Йўлни ютади...
Кўклам қадамимга уфуриб нафас,
Дилни чалғитгудай
кўзни алдайди.
Босган йўлларимга табиат ҳавас,
Ҳасад кўзи билан ёниб қарайди...
Нақадар файзиёб,
серзавқ,
серташвиш,
Қадрдон,
бепоён,
машаққатли йўл!
Бу йўлдан ўтаман гоҳ шод,
гоҳ хомуш,
Таъзим-ла кўксимга қўйганимча қўл...
Кўзимга чалинар чандиқ-чандиқ ер —
Уруш йилларининг ёмон яраси,
Кошкийди,
сув эмас,
ҳатто манглай тер
Ювиб, оқартолса ўтмиш қорасин!..
Бир боқсам, саф тортиб турар гигантлар
Янги беш йилликни пешвоз кутгандай.
Рўёбга чиққандай асрий ниятлар,
Лайлатулқадрни инсон тутгандай.
Бир боқсам, бағрини очган пахтазор
Уммондай чайқалиб, тўлқин отади.
Кўкка сиғмагандай офтоб беозор
Оқшом оғушида ерга ботади...
Яна ғилдираклар айланар тинмай,
Яна манзилларни босиб ўтаман.
Яна ялқов тортмай,
яна эринмай,
Янги марраларни тонгдан кутаман.

Шошма

Туйғулар туйқусдан тўлқин отади,
Қалблардан қалбларга берар акс садо...
Ёшликдан бебаҳра — лоқайд, бепарво,
Мудраган севгини гоҳ уйғотади,
Гоҳ тўлғатади...
Лазги чолғусига ўйнайди қизлар...
Қирқ дилбар,
қирқ лобар,
бир қучоқ гулдай,

Мўъжиза

Дунё, биласанми, қандай яралган,
Қайдан бунча рангу бунчалик бўёқ?
Мўйқалам тагидан нурдай таралган
Мўъжизага бир боқ!
Ван Гог ва Репин...
Кўз илғар-илғамас олисда Беҳзод!

Бир туйғу зарби-ла нафосат мулкин
Жаҳолат зулмидан этгудай озод...
Оёқлар остида топталган ниҳол
Рассом хаёлида кўтаради бош.
Тегирмон паррагин ўйнайди шамол,
Мўйқалам учида ёнади қуёш.

Николай ГРИБАЧЁВ

Одамлар, севингиз!

Кўклам...
Севсанг, севилсанг фақат,
Аммо тун қоронғилиги, сукути аро
Турар бўсағада пайғамбарсифат —
Йигирманчи аср шод, мотамсаро.
Теранлик, телбалик, кўз ёшлар, кулгу...
Тенг кўриб ёнма-ён қўймиш барини.
Ҳайдалган ер оша судраб ўтар у
Трактордa ракета қўшинларини.
Бир боқсанг — фазогир,
Бир боқсанг — бадмаст,
Гоҳ булбул, гоҳо жаз — бачки ва майда.
Қайдадир ўтларга сув сепса бир пас,
Уни қаердадир ёқади қайта.
Одамлар, севингиз! На бир хонадон,
На башар бўлғуси севгисиз ҳуррам.
Аммо кўнгил узманг Ердан ҳеч қачон,
Хаёл самоларга олиб учса ҳам!

М. РАҲМОН таржимаси



Қуёш ва тафаккур

Ўтпараст эмасман, сиғингум аммо,
Жами мавжудотга кўз ташла бир қур.
Кўргайсан: инсонми, буғдой, олча ё —
Барин ибтидоси сенга боғланур.
Булутни ёргувчи чақин изида,
Меванинг тил ёрар мазасида — сен,
Дилдорнинг ишқ тўла ёниқ кўзида,
Ойли тун булбулнинг хуш сасида — сен.
Агар-чи, бепоён эрур бу дунё,
Йўлинг чекланганин кўргайсан,
Фурсат етганида бўлиб муаллo,
Қизариб, кичрайиб боргайсан, қуёш.
Фақат айт, зурёдинг — одамзод сенсиз
Қандай чора қилур, нечук кўрар кун?
Зулматли аёзда сўнармi унсиз?
Ёшроқ юлдузга ё кетармi дилхун?
Билмадим. Ул олис, авлод, ул умр
Қандай кечар, ўтар — менга қоронғу.
Аммо коинотни қучган тафаккур
Ўлмас, омон қолгай — аён эрур бу.
Эҳтиросlар ичра йиллар ўтди-ку,
Яна не замонлар келар ҳали ҳур,
Зулмату аёздан қудратлироқ у,
Юлдуз нуридан ҳам шитоб — Тафаккур!

М. АЛИ таржимаси

Қутлаймиз!

Хотира

Эски йўлдан ўтиб бораман,
Бари таниш, қадрдон жойлар...
Таний олмай ўйга толаман,
Алдагандай соатлар,
ойлар...

Кўҳна кулба нураган...
янги —
Ям-яшил боғ, чароғон сарой...
Янги куннинг янгича тонги
Бамисоли эпсиз,
тошқин сой...

Эски йўлдан ўтиб бораман,
Ошиқаман манзилма-манзил!
Толиққандай гоҳ тин оламан,
Салкам олтмиш ҳазилми, ҳазил?

Хотирамда ёшлик,
камон-ёй...
Хотирамда эски, таниш йўл.
Бир замонлар ўтса грузовой,
Йўл бошида кўтарардим қўл...

Хотирамда баъзан шошганим,
Қайнаб-тошганим,
Баланд-пастлик,
ўнқир-чўнқирлар,
Йўл адашган кар ва сўқирлар,

Тўнг ва бадбинлар,
Эртакдаги алвасти,
жинлар...
Бир нафас тўхта,
ҳей,
атрофингга боқ!

Ўтган йил экилган ниҳол куртаклар,
Шовдираб туради солгандай қовоқ
Ич-ичидан чириган бақатераклар...

Бир ёнда оқади шарқираб дарё,
Бир ёнда кўлмак сув, қамиш ва тўқай...
Узоқ-узоқлардан келар акс садо:
«Жон берганга жонимни суқай!..»

Яна отиламан олға тўлқиндай,
Яна қитиқлайди қалбни армонлар...
Ҳар қадамда қўзиқориндай
Бош кўтарар микрорайонлар...

Наҳотки,
кечаги хотира унут?
Наҳотки,
тариқча қадру қиммати?
Диёнат олдида сақлолмас сукут
Риёкор ўтмишнинг тилсиз иллати!
Муддатлар долзарбда,
режалар занжир,

Янги уйга
янги одам кўчади...
Ғафлат уйқусини кўзлардан қочир!
Наҳотки, хотира шамдай ўчади?
Наҳотки, йилларга етмаса қўри?
Наҳотки, йўлларнинг чанги беркитса?
Наҳотки, шунчалик қисқадир умри?
Наҳотки, ўзини ўзи унутса?
Наҳотки, хотира яшашга ҳақсиз?
Наҳотки, ўтади саҳархез тушдай!
Наҳотки,
хотира шунчалар бахтсиз,
Бахтсиз ўтмишдай!

Авжи куй янграйди
янгроқ кўнгилдай,
Даврада ёнади ғуж-ғуж юлдузлар...
Туйғулар бир нафас тинади кўлдай...
Оққуш қанот қоқар яна қирғоққа,
Яна тўлқин отар йироқ-йироққа,
Муҳаббатнинг ҳасрати мўлдай...
Баланд пардаларда ўйнаган чолғу
Ўрлагандай ошиқ қалбидан,
Чертилгандай юрак зарбидан,
Асабларга ҳокимдир туйғу.
Чапдаст чилдирмачи чийраб чертади,
Оёқлар ўйнайди,
ўйнайди учиб,

Ипак гиламдаги гулларни қучиб,
Дилни қитиқлайди, дилга йўртади...
Лазги чолғусига ўйнайди қизлар,
Тақимин ўпади тим қора сочи,
Чир айланганича ёзиқ қулочи...
Гўё кўкдан учар ғуж-ғуж юлдузлар.
Шошма!
Тўкилмасин шароб тўла жом,
Санъатдай севгига яраса
юрак!
Энг кучли,
нурдай пок туйғулар керак,
Катта ўйин
ҳали этади давом!

Тоҳир ҚАҲҲОР

Ёруғ юлдуз

Ҳар қандай қоронғу тун этагида
Ёруғ юлдуз бордир. Ёруғ юлдуз бор —
Жавоҳир бўлгандек денгиз тагида.
Мағлуб бўлсанг-да, сен олға қараб бор —
Умид қил, хаёл қил зафар ҳақида,
Истиқболда сени қутлар ҳақиқат.

* * *

Гўзал бўлсанг,
Гулдек гўзал дея билсанг ўзингни,
Фақат энг соф шабнамларга ювиб яша юзингни!
Мард, оққўнгил бўлсанг агар,
Оқ кийиниб, бемалол
Чақмоқ чаққан лаҳзаларда юксакларда юра ол!
Қўрқинч қули бўлсанг агар,
Қўзғолганда зўр шамол,
Қуруқ шохдай ваҳма солмай, бирдан синиб қўя қол
Инсон бўлсанг,
Кучли инсон бўлсанг — еру кўкдан зўр,
Замин узра мағрур туриб, ўз умрингни яшаб кўр!

* * *

Ерга қараб туриб, қувонар кўзлар:
Энди йўлга кирган гўдакнинг изи!..
Тамаъгир идрокмас,
Уни ер узра
Етаклаб бормоқда туйғунинг ўзи!

* * *

Яқинда ўлган одам
Радиода қўшиқ айтар!..
Мен унимас, умрни
Ўйлайман шундай пайтлар...
Қўшиғин айтаверса
Ўлганидан кейин ҳам —
Қандай гўзал, қандай зўр
Куйлаётган у Одам!..

* * *

Шоир шеър ёзганда,
Ё ўқиганда,
Руҳи олам бўйлаб чарх уриб юрар;
Оёқлари эса, халқи яшаётган —
Юртининг тупроғи устида турар!

* * *

Нақадар ҳайбатли китоб жавони!
Мен унга қарайман қўрқиб-қувониб
Чумоли тоғларга қараган каби.
Бир оғриқ чопар
товондан
бошгача.
Бир фикр кўнглимни титар, ёритар:
«Ёзмоқ ва яшамоқ керак бошқача!..»

«Гулистон» колхозининг моҳир механизаторлари (чапдан) Т. Худоёров, Н. Ҳайдаров, Н. Исоқулов, Р. Алиматов ўртоқлар пахта йиғим-теримида юксак кўрсаткичларга эришдилар.

А. АБАЛЯН фотоси

«Гулистон» «Гулистон»да

ЮКСАЛИШ

Аҳди борнинг — бахти бор... Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг аъзолари ҳам ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 42 центнердан ҳосил ундириб, она-Ватанга 4 минг 200 тонна «оқ олтин» армуғон этдилар.

— Ҳосилнинг онаси — меҳнат,— деди колхоз раиси Исломиддин Ҳайдаров ўтган йил якунлари ҳақида гапираркан.— Пахта хирмонимиз деҳқонларимиз тўккан пешана терга яраша баракали бўлди. Анорқул Умарқулов, Абдуғани Назарқулов бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни гектарига 46—50 центнерга етказдилар. Колхоз правлениеси 1980 йил бошида механизатор Исмат Сарибоевни қолоқ бригадага бошлиқ қилиб янглишмаган экан. У ишни тўғри уюштирди, агротехника тадбирларининг сифатли ўтказилишида бошқош бўлди. Бригада пахтакорлари илк марта гектаридан 45 центнер пахта ундирдилар. Ҳосилдорликни оширишда пахта-беда алмашлаб экишни кенг жорий этиш, сув, ўғит, техникадан самарали фойдаланиш асосий омил бўлди. Деҳқончиликда ўн далали алмашлаб экиш усулига тўла ўтдик. Бу тупроқ унумдорлигини ошириш, вилт касаллигининг олдини олиш билан бирга чорва молларига мўл ем-хашак етиштириш имконини ҳам яратди. Бундан ташқари кейинги йилларда сув муаммосини ҳал қилиш учун бир қанча тадбирларни амалга оширдик. 1978 йилгача хўжаликнинг сувга бўлган эҳтиёжи атиги 65—70 фоиз қондирилар эди. Жамоат ва Ёрдам ариқларига бетон ётқизиш, Ангрен сув омборининг тўла тўлдирилиши натижасида сув танқислигига барҳам берилди. Бешта кучли насос ёрдамида сув омборидан 600 гектарга етарли сув чиқардик. Шу ҳисобга пахта майдонимизни кенгайтирдик. Янги боғ ҳам бунёд этдик.

Гулистонликлар беш йилликнинг якунловчи йилида юксак кўрсаткичларга эришдилар. Республикамизнинг бошқа колхоз-совхозларидагидек, бу хўжаликда ҳам пахта йиғим-терими намунали уюштирилди. 1980 йил теримни механизмлаштиришда муҳим босқич бўлди. 21 та машинада икки ҳафтада 3 минг 300 тонна пахта йиғиштириб олинди. Ҳар бир машинада 165 тоннадан пахта терилди. Бу юқори кўрсаткич! Раҳим Алматов, Саттор Ҳамроев, Эминжон Умаржонов ва Абдувоҳид Бегалиев сингари моҳир механизаторлар машиналар ёрдамида 180—200 тонналик хирмон уйдилар.

«Гулистон» колхози ўнинчи беш йилликни ажойиб натижалар билан якунлади. Хўжалик аъзолари беш йиллик давомида давлатга 18 минг 300 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширдилар. Тўққизинчи беш йилликка нисбатан 1 минг 600 тонна кўп пахта етиштирилди. Давлатга дон, пилла, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар сотиш бўйича белгиланган беш йиллик планлар ҳам ошириб адо этилди.

— Даромадимиз — колхозчиларнинг самарали меҳнатларига яраша,— деди биз билан суҳбатда бош бухгалтер Абдусаттор Бўтаев.— Беш йилликда хўжалигимизнинг пул даромади 14,5 миллион сўмни ташкил этди. Бу олдинги беш йилликдагидан 3 миллион сўм кўпдир. Маблағнинг етарли бўлиши ободончилик ишлари учун асосий омил бўлмоқда. Беш йиллик мобайнида колхозда ўнлаб тураржой бинолари қад кўтарди. Ўтган йилнинг ўзида 40 хонадон янги уйларда ҳовли тўйлари ўтказди. «Ғунча» болалар боғчаси, 75 ўринли шифохона фойдаланишга топширилди. Хўжалигимизнинг истиқболи катта. Янги беш йилликда 320 ўринли янги мактаб ва колхоз правлениесининг идораси қад кўтаради. 400 дан ортиқ хонадонга газ ўтказилади.

Бинобарин, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаган гулистонликлар жонажон партиямизнинг XXVI съездини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқдалар. Улар янги беш йилликда янада юксак чўққиларни кўзламоқдалар.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

Американи кашф этганлари яхши. Лекин уни пайқамай ўтиб кетганларида яна ҳам яхши бўларди.

Марк ТВЕН

ТАШҚАРИ совуқ. Эшик ўрнига осиб қўйилган хом тери шамолда лопиллайди. Синтейют терини силтаб кўтариб ичкари кирди-да, елкасидаги милтиқни бизон шохидан ясалган қозиққа илиб, пўстинини бир чеккага улоқтирди, илдам юриб келиб тўрда ўтирган бобосининг қаршисига чўккалади:

— Борадиган бўлдим, у рози!

Чол ориқ, яланғоч қўлини пўстин остидан чиқараркан, сўради:

— Қаёққа?

— Синтейютга жавоб бер, бобо! Кунботардаги қор босган дарага жўнаяпмиз. Эртагаёқ қайтамиз.

— Отанг қайсарлик қилиб ўзининг бошига етди. Сен ҳали ёшсан, бола!

— Йигирма киши отланяпти. Отамни сузиб жарга қулатган бизон шу подада эмиш, Мартин айтди.

— Аблаҳ Мартин!

Кексайиб юзи бир бурда бўлиб қолган чол жойида асабий силтанди. Синтейют отасининг жасади қайтган овга Мартин ҳам борганини билар, отасини сузиб ўлдирган бизоннинг тусини ундан бир неча бор сўраган ҳам, аммо тайинли жавоб ололмаган эди, ҳозир бобосининг ғазабланганини кўриб Мартинга нафрати янада ортди.

— Синт уни ўлдирмай тинчимайди!

— Оғзингни юм!

Чол сезилар-сезилмас титраётган қўлини невараси томон чўзди. Синтейют бобосининг кафтидан ушлади. Бобо пайпаслаганча йигитнинг елкасидан тутиб ўзига тортди.

— Сен насл-насабимизни қуритгани отланяпсан! Эртага охирги бизонни қон қақшатасанлар-да... Ё, Улуғ руҳ! Киова қабиласининг куни битади!

— Ундай дема, бобо! Ахир, улар яна қишлоққа ҳужум қилиши мумкин.

— Қани эди, шуни кўриш насиб этса...

— Кўкламгача етадиган ғарамни ёб битириб, молларни озиқсиз қолдирганини кўрсанг эди! Сигир-бузоқларни янчиб ташлагани-чи! Маккленненинг хотини билан боласини тепкилаб тупроққа қориб кетганини айтмайсанми! Қутурган бизонлар бостириб келиб чайлангнинг тит-питини чиқариб ташласа ҳам миқ этмай ўтираверарсан?!

Шунча гапни бир нафасда айтган Синтейют ҳансираб ўрнидан туриб кетди. Ҳозиргина асабий титраётган чол индамай бир нуқтага тикилиб ўтирар, алланималар деб пичирлар эди. Ниҳоят, у қўли билан «Ўтир» ишорасини қилди. Синтейют яна аввалги жойига тиз чўкди.

— Бир замонлар ер юзида одам зоти бўлмаган,— дея салмоқ билан гап бошлади чол.— Ана ўшанда Улуғ руҳ дарё ёқасига учлари осмонга тақалган Буюк йўл дарахтини ўтқазган. Барча жонзот бу тупроққа ўша дарахт шохларидан тушган. Улар орасида эркак ва аёл киова ҳам бўлган. Эр-аёл кун бўйи юриб қуёш ботаётган паллада дарахтга етишган, етишгану у ерда бир қанча бизонларни кўришган. Шу пайт булутлар орасидан Улуғ руҳ тушиб келган-да, эр-аёлга хитоб қилган: «Мана шу бизонларни сизларга бердим. Сизларни тўйдирадиган ҳам, кийинтирадиган ҳам мана шулар. Лекин, унутманглар-ки, ер юзида бизон зоти қирилиб битса — киова қуёшининг сўнгани шу!».

Чол ориқ панжаларини ёйиб, қўлини олдинга чўзди. Синтейют бобосининг қўлини тутиб, сўради:

— Бўлмаса нега улар бизга ҳужум қилади? Қўл қовуштириб ўтираверсак, қишлоғимизни янчиб ташлайдику, бобо!

Чол бир муддат индамай қолди, шифтга қараб лаблари титраб кетди.

— Бобо гапирганда Синт қулоқ солмоғи керак!.. Бир замонлар юртимизда бизон ўрмондаги яproқлардан ҳам кўп бўлган. Киова ҳам, сиу ҳам, шайен ҳам — ҳамма қабила бизон гўшти еб, бизон терисидан кийим кийган. Биласанми, нимага? Инсоф билан овлаганмиз, инсоф билан!— Чол бир оз индамай тургач, яна давом этди:— Катта сувнинг нарёғидан одамлар келдию бизонларимиз қирила бошлади. Эҳ, гумроҳмиз! Ўзимизнинг одамлар ўшалар учун бизонларни овлаб беришарди! Бизонларни

Расмларни Р. ЗУФАРОВ чизган

КИОВА ҚУЁШИ

ХУРШИД



Ҳикоя

эмас, насл-насабимизни йўқотишга кўмаклашдик!— Чол қарилигини унутиб юборгандек эди. У бутун гавдаси билан силтаниб ўрнидан туриб кетай дер, мадорсиз оёқларига ёшликдаги куч-қувват қайтгандек туюлар, сўқир кўзлари чақнар эди.— Эшитяпсанми, Синт? Улуғ руҳнинг ўгитларини унутиб қўйдик. Ноинсофлар, бизонларимиз терисини юртларига олиб кетиб аллақандай тангаларга алмашар эканлар... Ҳадемай бу ерларга ўзимиз ҳам сиғмай қоламиз...

— Бобо, ўтирган жойингда бундай хаёлларга берилаверма. Хавотир ҳам олма. Эртага...

— Бас!— деб неварасининг сўзини кесди чол.— Отанг ақлли, лекин у ҳам сендек шартаки эди. Оқ танлиларга эса бундайлар эмас, ювош, оёқ-қўли чаққон дастёрлар керак. Отангнинг ўлимидан кейин ҳам кўп одамларимиз бизон овидан омон қайтмади. Уларни бизон отиб ўлдирмагандир, ахир?! Мартиндан хавфим зўр...

— Бобо, нега бўлмаса оқ танлиларни юртимиздан ҳайдаб юбормаймиз?

Чол товушини пасайтириб, насиҳатга ўтди:

— Оғирроқ бўл, болакай, ҳали ёшсан.— У бир зум қулоғини динг қилди-да, давом этди:— Ҳайдайдиган вақтлар ҳам келади. Уч йил бурун Асов от, Ёталоқ ҳўкиз бошчилигидаги қизил танлилар Литл-Бигхорн бўсағасида Жорж Кастер галасини қандай қийратганини эшитгансан. Оқибати нима бўлди? Қизил танлилар қонини дарё қилиб оқизишди... Ҳа, йил ўтган сайин уларга бас келиш қийинлашиб боряпти...

Лабларини қаттиқ қимтиб, елкасига тушган сочини бармоқлари билан юлқиб ўтирган Синтейют шартта ўрнидан турди.

— Бобо, Синт эртага жўнайди. Хавотирланма. Шу гапларинг чин бўлса, одамхўр бизонни бир кўриб келаман!

Чол мадорсиз, қоқ панжалари билан неварасининг елкасини силади:

— Улуғ руҳ қўлласин! Киова қонидансан-да... Эсиз киова!..

Эрта тонгда бир тўда овчи қишлоқ марказидан тоққа қараб йўл олди. Баъзилари итини эргаштирган. Олдинда фермер Мартин Бергстрессер бормоқда. Қалин тушган қор юришни қийинлаштиради, изғирин юзга игна санчади.

— Лаънати бизонларни ўша куниёқ қириб ташлаш керак эди,— деди ўртароқда кетаётган кимдир.

— Бўрон кучли эди-да,— дея эътироз билдирди Мартиннинг подачиси Жоа,— қор босган дарага чиқиб бўлмасди.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Мартин,— улар ҳозир очидан ўлай деб қолган. Кунини кўрсатамиз! Қари Логанни ўзимга қўйиб берасанлар!

Синтейютнинг кўзига каттакон, қопқора буқа кўриниб кетди. Очликдан қутурган бизонлар қишлоққа ёпирилган куни поданинг олдида келган баҳайбат Қари Логан пичан ғарамини ағдарган эди. Бу қайсидир қабила бошлиғининг номи бўлиб, пенсильванияликлар ўша бизонни шундай деб атар эканлар. Мана энди Мартин уни ўлдирмоқчи...

Фермер овчи тўплаётганини эшитган Синтейют фурсатни ўтказмай кеча уникига етиб борди.

— Синтейютни ҳам олиб кетинг,— деди унга тик қараб.

Мартин бир зум ҳайрат билан тикилиб турди-да, маъносиз кулимсиради:

— Ҳали жуда ёшсан-ку, болакай. Овга ёзда борарсан, эртага Жоани олиб кетяпман. Йўл кўрсатишга бир киши бўлса бас.

— Сэр, Синтейют отасини жарга қулатган бизоннинг терисини шилмагунча тинчимайди!

— Вой, азамат-эй! Майли, тайёрлан! Ўша бизонни сенга ўзим кўрсатиб қўяман...

Синтейют кеча бўлиб ўтган ана шу гапларни эслади. Мартин чиндан ҳам унга ёрдам бермоқчими ёки?..

У туни билан бобосининг гапларини ўйлаб ухлолмаган эди. Отмасанг, Мартиннинг жаҳли тез, аяб ўтирмайди. Кеча қабиладошларидан бирон-тасига маслаҳат солиш хаёлига келмаганидан ўкинди. Ҳозир эса Жоага яқинлашишнинг иложи йўқ. Хаёлан минг бир кўчага кириб, ҳеч йўл тополмаётган Синтейют туйқусдан сесканиб, елкасидаги милтиқ тасмасини

силтаганча қўндоқни чангаллаб олди.

— Ҳа, нега чўчиб тушдинг, бола?— дея хахолаб кулди унинг ортидан келаётган ўрта ёшлардаги киши.— Бизонни кўрмай талвасага тушяпсан, ким айтади сени азамат йигит деб?!

Синтейют шартта бурилиб, милтиғини қорга улоқтирди:

— Синтейютни қўрқоқ деб ўйлаяпсанми? Сендақаларни милтиқсиз ҳам нимталаб ташлайди!

Оқ танли ҳай-ҳайлагунича икки-уч киши Синтейютни ушлаб қолди. Шундан сўнг Синтейют батамом хаёлга ғарқ бўлди: «Қаёққа, нима мақсадда кетяпман? Булар кимлар? Дўстми, душманми? Бобомнинг гаплари чин бўлса, у ҳолда...»

У миясида чарх ураётган ана шу саволларга жавоб топмоқчи бўлар, бироқ уларнинг бирортасини чуқур ўйлаб кўришга қурби етмас, боши тарс ёрилгудек эди. Қанча йўл юрганларини ҳам билмади. Дам-бадам нафаси сиқилиб ҳансирар, баданидан совуқ тер чиқар эди.

Мартиннинг «Тўхтанглар!», деб бақиргани уни ҳушига келтирди. Эллик қадамлар олдиндаги кенг дарада юздан ортиқ бизон тўшигача қорга ботиб турарди. Безовта бўлган жониворлар ғимирлаб қолишди, бироқ кўпчилиги жойидан силжий олмади.

«Очликдан ўлаёзибди ҳаммаси,— деб хаёлидан ўтказди Синтейют.— Улуғ руҳнинг борлиги чин бўлса, қани эди, шуларга қанот ато этсаю тинкаси қуриган бу жониворлар учиб кўздан йўқолса! Йўқ, аввал отамнинг қотилини кўриб қўйишим керак! Кейин... майли, учолса учиб кетаверсин!»

Синтейют одамларига кўрсатма бераётган Мартинга яқинроқ борди.

— Сэр, отамни сузиб қулатгани қайсиси, кўрсатинг?

Фермер кулиб юборди:

— Оббо! Сенларни абжирлигинг демаса, ўлгудек гўл бўласанлар-да! Ана, отангни ўлдиргани! Ана, ана! Шуларнинг ҳаммаси!— дея Мартин оғзидан тупук сачратиб бизонларни кўрсата бошлади. Сўнг милтиғини ўнглаб, тепкини босди. Берироқда турган бизон жойида типирчилаб, қорга ботиб кетди. Қорга сингаётган қип-қизил қондан сезилар-сезилмас буғ кўтарилди.

Тасир-тусур отилаётган ўқ товушлари дара сукунатини бузиб юборди. Ўқ теккан бизонлар жон талвасасида типирчилаб қорга кўмилиб кетар, баъзилари кўзи олайганча қотиб қолар эди.

— Тўхтанглар!— деб Мартин қўлини баланд кўтарди.

Ҳамма фермерга қаради.

— Қари Логанни кўрдиларингми? Уни ўзим эрмак қиламан! Қани, энди ўқни аямanglar!

Қонга беланган буқача қорнига қадар ботиб қолган жойидан сапчиб турди. У дараниng ичкарисига қараб интилар, биқинидан тизиллаб отилаётган қон қорда биланглаган из қолдирар эди. Лекин беш-олти қадам узоқлашмай, икки марта мункиб кетди, чираниб оёққа турди-да, думини тиккайтирганча ўкириб қочди. Шу пайт сағрисига устма-уст теккан ўқ буқачани қулатди. Танаси бутунлай қорга ботди, кейинги туёғи бир-икки марта мажолсиз кўтарилиб тушдида, сўнг у ҳам қорга сингиб кетди...

Кўз очиб-юмгунча дарада еттисаккизтагина бизон қолди. Синтейют уларга қарата бетўхтов ўқ узиб хахолаётганларга бирма-бир тикиларкан, ўзини йиртқичлар орасига тушиб қолгандек ҳис қиларди. Ана, Мартин ҳам, унинг укаси Жоржи ҳам кўзига йиртқич бўлиб кўриняпти. Уларни битталаб отиб ташласинми?.. Синтейютнинг қулоғи шанғиллаб, ўқ товушлари эшитилмай қолди: «Эсларингга бўлсин, ер юзида бизон зоти қирилиб битса — киова қуёшининг сўнгани шу. Эсиз киова!..»

Синтейют югуриб бориб Мартиннинг милтиғини ушлади.

— Сэр, бўлди! Отишмасин, айтинг уларга!

Қари Логанга тўртинчи марта ўқ узаётган фермер Синтейютни итариб юборди. Синтейют чалқанчасига йиқилди. Жоа югуриб келиб уни елкасидан ушлаб кўтарди. Синтейют сапчиб туриб, овози борича қичқирди:

— Тўхта! Тўхтанглар! Отманглар!

Лекин ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмасди.

— Сэр, Мартин!— деди Синтейют фермерга яқинлашиб. У милтиқни жон-жаҳди билан чангаллаб олган, ҳансирар эди.

Қари Логан ётган жойида бўйнини чўзиб пишқирар, керкиган бурун катакларидан отилиб чиқаётган буғ қорни пуркаб учирар эди. Синтейют жониворнинг ола-кула бўлаётган кўзларида таъна, ҳасрат аломатини пайқади. У фермерга қараб югурди. Йигитнинг қинидан чиқиб кетгудек кўзларида қасос шарпаси ўйнар эди.

— Сэр, отма! Отма, деяпман!

— Оғирроқ бўл, ҳароми! Бўлмаса ўзингни ҳам шуларга қўшиб...— Мартин заҳарли хахолаб, оғзи кўпириб бақирди:— Отасининг олдига ошиқаётганга ўхшайди бу сариқ ит. Йўқотинглар кўзимдан! Бўлмаса...

— Нима-нима-а! Мана! Мана бўлмаса!— Синтейют тепкини устма-уст босди. Мартин кўксини чангаллаганча қорга думалаб, типирчилаб қолди. Синтейют учинчи марта ўқ узгач, Жоржи ва яна уч-тўрттаси унинг қўлларини орқасига қайириб ерга босган, нарироқда эса беш-олти киши Жоанинг йўлини тўсиб турар эди. Синтейют бошини силкита-силкита юз-кўзига ёпишган қорни тушираркан, оёғини базўр кўтариб ташлаётган Қари Логан кўзига гоҳ отаси, гоҳ энг сўнгги бизон бўлиб кўринар эди...

ЧЎЛ ҚЎШИҚЛАРИ

Халқнинг қўриқ очиш, улкан даштларни бўстон қилиш йўлидаги буюк ҳаракатини тасвирлаган асарлар қаторига яна бир китоб қўшилди. «Ўзбекистон қўриқлари» («Қўриқ ҳақида олти қўшиқ»[1]) деб аталган бу китобни М. Қориев, А. Набихўжаев, М. Мансуров, М. Мухсимов ва Ж. Саъдуллаев ёзганлар. Китоб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидовнинг «Янги ер ҳақида сўз» сарлавҳали мақоласи билан очилади, кейин қўриқларнинг янги-янги саҳифалари варақланади.

Ҳар қайси чўлнинг ўз қисмати, ўз тарихи, ўз истиқболи бор. Китобда ана шу қисмат, шу тарих, шу истиқбол ҳақида сўз боради, буларда бунёд бўлган замонавий шаҳарлар, қишлоқлар, яшил боғлар, даштга дастлаб кетмон кўтариб чиққан бобо деҳқонлар, пахтадан оппоқ тоғлар уяётган чўлқуварлар, замонамизнинг заҳматкаш, бунёдкор қаҳрамонлари меҳнати тасвирланади.

Улкан миқёсларда қўриқ очиш, катта ерларда деҳқончилик қилиш бизда Ленин декрети билан бошланган. Бу ёш Совет давлати ажнабий ва ички душманлардан ўзини сақлаб қолиш учун жон олиб, жон бераётган кунлар эди. Ўшанда Г. К. Ризенкампф, В. Ф. Булаевский, Т. А. Колпакова каби жонкуяр олимлар катта саҳрони, Мирзачўлни суғориш лойиҳасини тузишга киришган ўша йиллари, Фарғонада — Избоскан, Қайқи, Ҳаққулобод депараларининг деҳқонлари Ленин декретида кўрсатилган Учқўрғон даштига сув етаклаш учун сарбаст юриш бошлаган эдилар.

Чўл ўзлаштириш, буюк Ленининг васиятини амалга ошириш Ўзбекистон коммунистларининг, бутун ўзбек халқининг муқаддас бурчи бўлиб қолди. Аммо қўриқ очишнинг асосий шарти — каналлар қазиб дарёлар сувини саҳроларга етаклаш осон кўчмади, бунинг учун бутун халқни сафарбар этиш ва қудратли техника зарур эди. Ана шу ишни бошлашга 30-йилларнинг охирларида муяссар бўлдик: бу вақтларда республикада колхоз тузуми батамом қарор топган, миллионер колхозлар кўпайган, халқ ўз маблағи, ўз кучи билан давлат миқёсидаги буюк ишларни рўёбга чиқаришга қодир бўлиб қолган эди.

Партиямиз халқни сув учун юришга бошлади. Халқ каналлар қазишга дарёдек оқиб келар эди. Исфайрамсойни Шоҳимардонсойга қўшган Лоғон канали бу ҳаракатнинг дебочаси бўлди. Оламга довруқ солган Катта Фарғона каналидан сўнг Шимолий ва Жанубий Фарғона каналлари битказилди, Олабуқа ва Каттақўрғон сув омборлари, Тошкент ва Мирзачўл, Туямўйин каналлари, Фарҳод гидроэлектростанцияси, Катта Андижон, Катта Наманган каналлари, Кампирровот, Чорвоқ ва Толлимаржон сув ҳавзалари каби ўнлаб замонавий иншоотлар барпо этилди. Халқимиз Ўзбекистон қўриқ ерлари белига кумуш камарлар боғлади. Улуғ Ленининг шанбаликлар якунига ёзган «Буюк почин» китобида умумхалқ қаҳрамонлиги тўғрисидаги орзуси бизда, Ўзбекистон қўриқларини очишда тўла рўёбга чиқди, ўз партияси атрофига бирлашган халқ ҳаракати мўъжизалар яратишга қодир эканини оламга намойиш қилди.

Мажруҳ бўлиб ётган қақроқ чўлларга жон кирди. Саҳролар ўрнида пахта ўлкалари, кўплаб обод районлар вужудга келди, Гулистон, Янгиер, Навбаҳор, Ғолиблар, Бўз, Ёзёвон, Нишон, Бўстон, Комсомолобод, Толлимаржон, Дўстлик сингари чароғон шаҳарлар қад кўтарди.

Инсон қўриқ ерларда чуқур томир отди. Унинг меҳнати, олтин қўли даштни туганмас хазинага айлантирди.

«Ўзбекистон қўриқлари»ни варақлар эканмиз,— дейди ўртоқ Ш. Рашидов китобга ёзган сўзбошисида,— чўлда донг таратиб, элга танилган, янги ер очиб, ўзидан яхши ном қолдирган Ғанишер Юнусов ва Жума Пирназаровдек пахта усталарининг, Мамажон Дадажонов ва Меликўзи Умрзоқовдек комплекс механизация байроқдорларининг, Шойимардон Қудратов, Жавод Кўчиев, Абдусаттор Қурбоновдек чўл шунқорларининг, Акоп Абрамович Саркисов, Тўхтамиш Боймиров каби йирик ташкилотчиларнинг, Фахриддин Шамсиддинов, Бузрукхўжа Усмонхўжаевдек машҳур ирригаторларнинг, қанчадан-қанча чўл заҳматкашларининг фидокорлиги, жонбозлиги, халқ ишига ҳамиша камарбасталиги кўз олдимиздан бир-бир ўтади».

Ўша 30-йилларнинг охирида сув учун юришга чиққан 160 минг киши Норин дарёси ёнидан дарвоза очиб, уни Қорадарё билан туташтирганда, 45 кунда 270 километрли катта канални қардош тожик халқи ерларига етказганда Фарғонадан парвоз қилган мўъжиза республика осмонини тарк этмади.

Ватанимиз тупроғида гитлерчи ёвузларга қарши ҳаёт-мамот жанги бораётган, йигитларимизнинг гули жанг майдонларида бўлган вақтларда ҳам сув чиқариш заминини тайёрлади. 50-йилга келиб қўриқ очишнинг асосий шиддати Мирзачўлга кўчди. Ленин васиятларини бажаришга бел боғлаган халқ Сирдарё областидан иборат пахта конини, шаҳарлар ва гўзал қишлоқларни вужудга келтирди.

Улкан миқёсдаги бу ишлар хамирдан қил суғургандек осонгина юзага чиққани йўқ. Қанча тўсиқларни йўлдан олиб ташлаш, зид фикрларни енгишга тўғри келди.

Чўлқуварлар, қўриқ ерларнинг бугунги қаҳрамонлари тайёр иссиқ уйларга эмас, ҳувиллаган даштга кўчиб келган, ертўлаларда яшаган, чўлнинг жазирама иссиқларига, юзга шўр чаплаган, бўронларига чидаган, қум ва ачима ботқоқларни унумдор тупроққа айлантиргунча озмунча заҳмат чекмаган эдилар.

Мана ҳозир ҳам Жиззах даштларида яқин-яқинларда ақл бовар қилмаган буюк ишлар юзага чиқаётибди. Яйдоқ саҳрога инсон ҳаёт олиб келаётибди, азамат механизмлар адирларни ётқизиб текисламоқда, каналлар қазиб, заранг, шўр ерларга жон киритмоқда, кучли насос станциялари қуриб, Сирдарё сувини бир юз олтмиш метр баландликка, Зомин адирларига тортиб чиқармоқдаки, буларни ажойибот, мўъжиза деса бўлади. Беш-ўн йиллар, ўтиб, ўз қаҳрамонларининг меҳр қўллари етган бу ерлар ҳам бахмал либос кийиб яшнаб кетади, бепоён буғдойзорларга, боғ-роғларга айланиб, ўз эҳсонидан одамларни баҳраманд этади.

Бу даштларда юз бераётган — кўриб кўз қувонадиган ишларга, ер бетида қўзиқориндай тошиб кўтарилаётган бинолар, янги хўжаликларга разм ташлаганда, нигоҳимиз Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» романларида тасвирланган жойларни, булоқлар кўзини очиб

[1] М. Қориев, А. Набихўжаев, М. Мансуров, М. Мухсимов, Ж. Саъдуллаев. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1980.

ШОНЛИ ЁДГОРЛИКЛАР

КПСС XXV съезди тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида коммунистик тарбиянинг аҳамияти ошиб бораётганини таъкидлаган, унинг шаклларини такомиллаштириш, хусусан, совет халқининг революцион ва жанговар шуҳрат ёдгорликлари воситасида олиб бориладиган тарбиявий ишни яна ҳам ривожлантириш вазифасини ўртага қўйган эди. Биз бугун ана шу муҳим вазифа бутун мамлакатимизда, жумладан, республикамизда шараф билан амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлашимиз мумкин. Академик Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи илмий ходимлари Елена Цой ва тарих фанлари кандидати Ҳамдам Содиқов қаламига мансуб «Тошкентнинг революцион ва жанговар шуҳрат ёдгорликлари»[1] китоби билан танишганда шулар ҳақида ўйладим.

Бу китоб Ўзбекистон пойтахтида Совет ҳокимияти ғалабасининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ ёдгорликлар ҳамда эсдалик жойларни тасвирлайди. Тошкентда социал-демократик ҳаракатнинг илк қадамлари, ишчиларнинг иш ташлашлари, уч революция давридаги синфий жанглар тарихи билан таништиради, шаҳардаги жанговар шуҳрат ёдгорликларининг ғоявий-бадиий мазмунини талқин этади. Авторлар Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва доҳийимиз Ленин номи билан боғлиқ ёдгорликларга алоҳида эътибор берадилар. Пролетариатнинг улуғ йўлбошчиси инқилоб курашчилари хотирасига қўйилган ёдгорликларни миннатдор халқ хотирасининг ифодасигина эмас, балки кенг оммани революцион руҳда тарбиялашнинг таъсирчан воситаси деб ҳам билган эди. 1918 йилнинг 7 ноябрида Москва Қизил майдонида Октябрь революцияси курашчиларига ёдгорлик лавҳаси очилиши муносабати билан сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Октябрь курашчиларининг хотираси шарафига уларнинг ёдгорлиги олдида, сизнинг йўлингиздан борамиз, деб, сизлардек қўрқмас, қаҳрамон бўламиз, деб қасамёд қилайлик». Бинобарин, революцион ёдгорликларни тарғиб қилиш Ватанимиз тарихини чуқур ўрганишга ёрдам беради, совет халқи босиб ўтган инқилобий ва жанговар йўл, унинг бунёдкорлик фаолияти, меҳнатдаги қаҳрамонлиги ҳақидаги билимларимизни янада чуқурлаштиради. Зеро, совет даври ёдгорликларини ташвиқ этишга алоҳида аҳамият берилмоқда, чунки бу ёдгорликларда ўз Ватанини тарихан қисқа вақт ичида социалистик асосда қайта қурган, душманларга қарши курашда ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган, эндиликда коммунизм қураётган халқимизнинг буюк жасорати абадийлаштирилган.

Авторлар Тошкентнинг революцион ва жанговар ёдгорликларини уларнинг ғоявий-бадиий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ўрганадилар. «Жаҳон пролетариатининг йўлбошчилари» бўлимида К. Маркс, В. И. Ленин, «В. И. Ленин сафдошлари» бўлимида М. И. Калинин, Ф. Э. Дзержинский, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, С. М. Киров ҳайкаллари ҳақида сўзлайдилар. «Октябрь арафасида» бўлимида китобхон Тупроққўрғон, 1916 йилги қўзғолон маркази билан, «Советлар ҳокимияти учун» бўлимида Советлар уйи, Ишчилар қалъаси билан танишади, «Ленин йўлланмаси билан» бўлимида эса РКП(б) Марказий Комитети, РСФСР Бутун Россия Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети Туркистон ишлари комиссияси иш олиб борган бинога саёҳат қилади. «Ҳимоя қилиб ва бунёд этиб», «Халқ бахт-саодати учун курашганлар», «Революция фарзандлари», «Улуғ Октябрь шарофати билан», «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди» бўлимлари ҳам қизиқиш уйғотади. Муаллифларнинг изланишлари, мавзуни пухта ўзлаштирганликлари сезилиб туради.

Чиндан ҳам, Тошкентнинг революцион, жанговар шуҳрат ёдгорликлари меҳнаткашларни, айниқса, ёш авлодни кекса авлоднинг қаҳрамонлиги ва шонли анъаналари руҳида тарбиялаш масканларидир. Музейлар, ёдгорликларни сақлаш жамиятлари, «Билим» жамияти, экскурсия муассасалари, ёшлар ташкилотлари шу ёдгорликларни кенг миқёсда пропаганда қилмоқдалар. Газета, журналлар, радио ва телевидение мавзуни кенг ва атрофлича ёритмоқда. Тематик тадбирлар — кечалар, слётлар, комсомол йиғилишлари, пионер отрядларининг машғулотлари бевосита ёдгорликлар олдида, партия ва совет органлари раҳбарлигида, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилаётганлиги жуда ҳам ибратлидир. Янги келин-куёвларнинг В. И. Ленин номи-

[1] Е. Цой, Ҳ. Содиқов. Тошкентнинг революцион ва жанговар шуҳрат ёдгорликлари. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент — 1980.

тортилган дастлабки канални, ўша халқ ҳаракатини, унинг етакчилари Ойқиз билан Олимжонни излайди. Ҳа, булоқлар сувини етаклаган ўша халқ ҳаракати амалга оширилаётган мана шу улуғ ишларнинг дебочасига ўхшаб кетади.

Китобда, бошқа чўлларда, Сурхон — Шеробод, хусусан Қарши даштида инсоннинг олтин қўли ва идроки билан рўёбга чиқарилаётган ҳайратомуз ишлар ҳам анча батафсил ҳикоя қилинган. «Ўзбекистон ерлари, даштларию тоғларининг бағри олтин. Фақат бу хазинани эътиқод, қунт билан очиш, авайлаш, авлодлар учун асраш керак.

Қарши саҳроси юриб кўрмаган одамга мавҳум. Агар шу мавҳумлик пардасини олиб ташласак, бу чўл областининг территорияси Албания, Нидерландия ва Белгия каби мамлакатларга тенг келади. Ҳозир ана шу катта майдонда иш олиб борилаётибди.

Коммунистик партиямиз ана шу даштни унумдор ерга, йирик пахта ва ғалла конига айлантириш, бу ерларда инсон яшайдиган янги хўжаликлар, янги районлар барпо қилиш вазифасини қўйди. Аму сувини олиб келмай туриб, чўлни ўзлаштириш мумкин эмас эди. Дарё суви эса, жуда пастда оқарди, уни 135—150 метр баландликка кўтариб, дашт марказидаги Толлимаржон сув омборига қуйилди, қанчадан-қанча тармоқ каналлар, сув насос станциялари ва бошқа иншоотлар қурилмоқда. Хуллас, халқимиз Қаршида янги пахта ўлкаси бунёд қилмоқда.

«Ўзбекистон қўриқлари» китобининг яна бир яхши томони шуки, чўлларда олиб борилаётган буюк ишлар билан бирга, шу мўъжизадай жойларни вужудга келтираётган кишиларнинг қаҳрамонлигини бир-бир тасвирлайди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, партиямиз XXVI съезди шарафига ўзбек пахтакорлари уйган 6 миллион 200 минг тонналик «оқ олтин» хирмонларимизда саҳролар бағридан тортиб олинган ерлар ва чўлқуварларимизнинг ҳиссаси каттадир.

Йўлдош ШАМШАРОВ

даги майдонни зиёрат қилиб, меҳнаткашларнинг улуғ доҳийси ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабри олдидаги мангу олов пойига гул қўйишлари анъана бўлиб қолди.

Хуллас, революцион, жанговар шуҳрат, меҳнат ёдгорликлари бу қадар эл эъзозида экани бежиз эмас. Улуғ Октябрь социалистик революцияси, гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг маънавий фазилатига айланган. Шунинг учун ҳам мазкур китобга революция ва Улуғ Ватан уруши тарихи билан боғлиқ баъзи жойлар, бинолар ҳам киритилганда, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан, Тошкентда Очил Бобожонов, Султонхўжа Қосимхўжаев, Мирзааҳмад Мирҳодиев, Динмуҳаммад Устабоев каби революционерлар яшаган уйлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ жойлар сақланиб қолган.

Шу ўринда яна бир истагимни баён этмоқчиман. Ёдгорликлар ва тарихий жойларни давлат назоратига олишга мутасадди ўртоқлар, ташкилотлар революция, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари шарафига янги ҳайкаллар ўрнатиш, қаҳрамонларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида бундан ҳам кўпроқ ишларни амалга оширсалар, айни муддао бўлар эди.

Собиржон ОХУНЖОНОВ,
генерал-лейтенант, Ўзбекистон ССР Граждан мудофааси штабининг бошлиғи

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

1238 йили мўғул истибдодига қарши Бухоро ва унинг атрофида бўлиб ўтган қўзғолон ҳақида қисқача маълумот айрим тарихий манбаларда, хусусан Олоуддин Отамалик ибн Муҳаммад Жувайнийнинг (1226—1283) «Тарихи жаҳонкушой» («Жаҳонгир Чингизхон тарихи») асарида келтирилган. Лекин мазкур муҳим тарихий воқеа Мирзо Улуғбек (1394—1449) қаламига мансуб «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») китобида тўлароқ ва аниқроқ баён этилган. Биз қуйида мазкур асардан ушбу қўзғолон ҳақидаги парчани муҳтарам журналхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Мирзо УЛУҒБЕК

ТОРОБИЙ ҚЎЗҒОЛОНИ

Чиғатойхон (1227—1241) замонида юз берган ғаройиб ишлардан бири Маҳмуд Торобий қўзғолони бўлди. Бу қўзғолон туркийча товушқон (қуён) йилига мувофиқ бўлмиш ҳижрий 636 (милодий 1238,— **тарж.**) йили Бухоройи шарифдан уч тош нарида жойлашган Тороб қишлоғида бошланди. Кунлардан бир куни намоз вақтида кимдир намозхонлар олдига чиқиб: «Кимда-ким менинг амру фармонимдан чиқмайдиган бўлса, атрофимга йиғилсин!», деб мурожаат қилди. Бу шахс косиб — шайх Маҳмуд Торобий эди.

Ўшанда бемор ва оғир дардга чалинганлардан бошқа барча халқ унга қўшилди. Бора-бора унинг шоншуҳрати ортиб, у билан иттифоқлашганлар сони кўпайиб кетди, теварак-атрофдан келиб у билан бирикканларнинг сон-саноғи йўқ эди. Хуллас, кун сайин унинг шуҳрат ва қудрати ортиб борди. Тороб ҳамда теварак-атроф ерларнинг доруға ва амирларидан ундан чўчиб, Хўжандга Маҳмудбек ибн Ялавоч ҳузурига чопар юбориб, уни содир бўлган аҳволдан огоҳ қилдилар, шундан сўнг муғомбирлик билан ўзларини шайхга ихлосманд кўрсатиб, Маҳмуд Торобий ҳузурига етиб келдилар, таъзим ва эътиқод изҳор этиб, унинг шаънига муносиб сўзлар топиб: «Саховатли шайх қаерга ташриф буюрмасин, халойиқнинг дили равшан бўлиб таскин топмоқда. Бухоро аҳлининг дил ойнаси бир оз хиралашган. Шу туфайли шайх жаноблари Бухоройи шарифга ҳам ташриф буюриб, унинг халқини ўзининг саховатли қудуми билан мушарраф қилсалар», дедилар. Улар шайхни Торобдан олиб чиқдилар ва Бухоройи шариф томон йўл олдилар. Лекин улар аслида Маҳмуд Торобийни Бухоро билан Тороб ўртасида бўлган кўприк устида ўлдириш қасдида эдилар. Маҳмуд Торобий уларнинг бу хатти-ҳаракатини сезиб қолди ва ўша кўприкка яқинлашганда доруғага: «Ёмон ниятингни дилингдан чиқар, бу одамгарчиликдан эмас. Ҳақиқатан ҳам ниятинг бузуқ ва бу кўзларингдан кўриниб турибди», деди. Маҳмуд Торобийнинг жонига қасд қилган доруға ва амирлар бу сўзларни эшитиб таҳликага тушиб, режаларини амалга оширолмай қолдилар. Шайх Маҳмуд Торобий эса соғ-саломат Бухоройи шарифга етиб олди ва бир хонадонга келиб тушди. Хабар топган одамлар у тушган манзил атрофига тўплана бошладилар. Бу ерга шу қадар кўп халқ тўпландики ҳатто у тушган хонадонга кириш ҳам, чиқиш ҳам амримаҳол бўлиб қолди...

Доруға ва амирлар ўз ниятларини амалга ошириш учун кўп уриндилар, лекин натижа чиқмади. Шайхнинг атрофига теварак-атроф қишлоқлардан шу қадар кўп халқ тўпланган эдики, доруға ва амирлар ҳатто унга яқинлаша олмадилар. Шундай бўлса ҳам, улар ўз ниятларидан қайтмадилар. Шайх бундан огоҳ бўлиб, халқ орасига ўтди. Йиғилган халқ уни чор атрофдан ўраб олди. Шом вақтида шайх Маҳмуд Торобий халққа қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: «Э, толиблар! Кимдаким еру заминни нопоклардан тозалашни истаса, қўлига қурол олсин ва юртимизда улардан бир киши ҳам қолмагунча курашмоққа бел боғласин». Шундан кейин халқ нимаики бўлса,— қиличми, белми, паншахами ёки сўйилми,— қўлга олди ва шайхни кўтариб аркка кириб борди. Доруға ва амирлар эса қочиб қолдилар. Эртаси, жума куни шайх Маҳмуд Торобий номига хутба ўқилди. Шундан кейин Бухоронинг барча имом ва акобирларини унинг ҳузурига тўпладилар. Уларнинг баъзилари ўлимга маҳкум этилди, айримлари эса қўйиб юборилди. Шу пайт тўрт харвор қилич ортилган карвон Шероздан келиб қолди ва халойиқ уни тақсимлаб олди. Чодирларни шаҳар майдонига олиб чиқиб тикдилар ва дабдаба билан улардан бирига шайх Маҳмуд Торобийни олиб келиб жойлаштирдилар, ўзлари эса қолган чодирларга ўрнашдилар. Халқни қуроллантириш давом этди...

Шаҳардан қочган доруға ва амирлар вилоятнинг теварак-атрофида мўғуллардан катта қўшин тўплаб, шаҳарга қараб юриш бошладилар. Шайх Маҳмуд Торобий ҳам ўз лашкарини шаҳар ташқарисига олиб чиқди. Ёвлашувчи томонлар бир-бирига қарши саф тузадилар. Уруш бозори қизиб кетди. Шу урушда ногоҳ душман ўқи шайх Маҳмуд Торобийга келиб тегди ва у шу тариқа ҳалок бўлди. Лекин, мулозимларидан биронтаси бу мудҳиш ҳодисадан хабар топмади. Одамлар шу қадар шиддат билан жон олиб, жон бериб жанг қилардиларки, улар бир-бирларининг аҳволидан тамоман бехабар эдилар. Оқибатда мўғуллар чекинишга мажбур бўлдилар. Маҳмуд Торобийнинг лашкари уларни узоқ масофагача таъқиб этиб борди. Ўша жойда ҳаммаси бўлиб 10 мингга яқин киши ҳалок бўлди. Шайхнинг лашкари катта ўлжа билан шаҳарга қайтди. Ўшандагина шайх Маҳмуд Торобий уларнинг эсига тушиб, қидира бошладилар. Лекин ундан ном-нишон топмай, бирон ғайб ҳодиса юз бергандир, деган хулосага келдилар. Охири унинг иниси Муҳаммад Алини шайхнинг ўрнига ўзларига раҳбар қилиб сайладилар ва унга тўла итоат этиб, ҳар бир сўзини ўзларига дастуриламал деб билдилар.

Бухоро амирлари юз берган бу воқеани Хўжандга Маҳмудбек соҳиб Ялавоч ўғлига хабар қилдилар. У эса ўз навбатида Бешбалиққа Қорачар Нўён ҳузурига чопар юборди. Қорачар Нўён, Илдиз Нўён ва Чакан қўрчи бошчилигида қўзғолончиларга қарши катта қўшин юборди. Бу қўшин бир ҳафтада Бухоро атрофига келиб тушди. Шайх Маҳмуд Торобийнинг иниси ҳам ўз лашкарини шаҳар четига, мўғул қўшини қаршисига олиб чиқиб сафга тортди. Улар душман билан қаҳрамонона жанг қилдилар. Ҳар икки тарафдан қарийб 21 минг киши ҳалок бўлди. Жангда Маҳмуд Торобийнинг иниси ва яқинлари ҳам ҳалок бўлдилар, лашкари бўлса теварак-атрофга тарқалиб кетди.

Мўғуллар Бухоро халқини қаттиқ толон-тарож қилдилар, тинч аҳолини эса, бундан кейин мутлақо бош кўтармасин, деб, аёвсиз қатл этдилар.

Форсчадан **Бўривой АҲМЕДОВ** таржимаси

* * *

Қайтар кунларингни кутдим интизор,
Қушдай учар кунлар, боқдим термулиб.
Қалбим саҳросига келгандай баҳор,
Бир кун келармисан йироқдан кулиб?
Қон-қонимга сингган муҳаббатим — сен,
Зарралаб ажратиб бўлмас қалбимдан.
Жон-жонимга сингган ҳаловатим — сен,
Майдалаб ажратиб бўлмас қалбимдан.
Товушинг эслайман, излайман изинг,
Гуллар орасида топмайман сени,
Йўллар орасида топмайман сени,
Куз кириб келади боғимга ҳазин...
Олиб кетган эдинг ёз-саратонни,
Чўғини яшириб менинг кўксимга.

Энди олиб келсанг қиш-қаҳратонни,
Қарай олармисан менинг юзимга?
Қайтгин, майли, қандай бўлса ҳам,
Ёшим билан ювай қайтар йўлларинг.
Уйғониб кетаман тунлар дам-бадам,
Тонггача излайман иссиқ қўлларинг.
Бир нафас бош қўйиб ёниқ кўксингга,
Бахтиёр боқайин кўзларингга мен.
Ҳижрон азобини ювиб юракдан,
Қалбим нурин сочай юзларингга мен.
Шунда унут бўлар худди бир рўё
Ҳижрон ярасига айланган ғамим.
Мен гўё етимман, ғарибман гўё,
Қишгача сен қайтиб келмасанг, жоним.

Муҳсина БОБОЕВА



ЯНГИ АДАБИЁТНИНГ ТУҒИЛИШИ

Октябрь революцияси арафасида воқеликда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида ўзбек прогрессив адабиёти тараққиётининг янги — революцион босқичига кўтарилди. Бу адабиётнинг йирик намояндалари айни пайтда даврнинг илғор педагоглари, ноширлари, журналистлари, адиблари ва актёрлари ҳам эдилар. Улар маорифни ислоҳ қилиш талабларини кўтариб чиқдилар, янги типдаги мактаблар очдилар, бу мактаблар учун дарсликлар, хрестоматиялар, қўлланмалар яратдилар. Бадиий ижодда эса маърифатчилик, ижтимоий гражданлик мотивларини юксак пафос билан куйладилар. Бу давр адабиётида ижтимоий-сиёсий мавзудаги проза, публицистика, драматургия вужудга келди. Шу нуқтаи назардан, 1905—1917 йиллар ўзбек адабиётини, ўзига хос бир давр сифатида ўрганиш, унинг ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш масалалари қонуний тарзда кўпгина адабиётшунослар эътиборини ўзига тортмоқда. Адабиётшунос Б. Қосимовнинг «Инқилобий шеърият саҳифалари» ва «Абдулла Авлоний» китоблари ҳам шундай тадқиқотлардандир[1].

[1] Бегали Қосимов. Инқилобий шеърият саҳифалари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1977; Абдулла Авлоний. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1979.

Бегали Қосимов кўп йиллардан буён 1905—1917 йиллар ўзбек адабиёти билан шуғулланиб келади. Олимнинг вақтли матбуотда босилган Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Сайидаҳмад Сиддиқий-Ажзий каби ана шу давр адабиётининг намояндалари ҳамда ўзбек инқилобий шеъриятининг шаклланиш босқичлари, ғоявий-эстетик масалаларига бағишланган проблематик мақолалари китобхонларга яхши таниш. Адабиётшуноснинг «Инқилобий шеърият саҳифалари» китобида фанимизда илк маротаба ўзбек революцион поэзиясининг пайдо бўлиши, тараққиёт босқичлари асосий мавзу қилиб олинган. Тадқиқот XX аср бошларида яшаб, ижодий ва амалий фаолиятлари билан Туркистонда социалистик революцияни амалга оширишда қизғин қатнашган ўнлаб шоирлар ижоди мисолида шеъриятимизнинг янги босқичга ўсиб ўтганлиги ҳақида баҳс этади. Китобнинг йўналиши, руҳи ва мазмунини белгиловчи «Бир замонни ўйлагайман... (Инқилобий шеъриятимиз тарихига бир назар)» қисмида ўзбек инқилобий шеъриятини вужудга келтирган ижтимоий-сиёсий ҳаёт, анъана ва новаторлик, революцион онгнинг шеъриятда ифодаланиши, ривожланиши ҳамда бу давр адабиёти ижодий методи масалалари хусусида фикр юритилади. Автор 1905—1917 йиллар маърифатчилигининг ўзига хослигига доир диққатга сазовор мулоҳазаларни ўртага ташлайди, жумладан, уни революцион маърифатчилик деб баҳолайди ва буни далиллар билан асослаб беради. Зеро, бу давр адабиёти буюк инқилобий воқеалардан озиқланди, замона билан ҳамнафас бўлди. Адабиётда халқ, Ватан, замон мавзуи биринчи ўринга чиқди, озодлик ва эркни қўлга киритишга чақириш, янги замонни куйлаш шеъриятда марказий мавзуга айланди. Б. Қосимов бу ҳақдаги мулоҳазаларини Авлоний, Ажзий, Нозимахоним, Анбар отин ижоди мисолида исботлашга интилади.

Биринчи жаҳон урушининг бошланиши меҳнаткаш халқ ҳаётининг янада оғирлашувига сабаб бўлди. Бу адабиётдаги инқилобий жараённи тезлаштириб юборди. Пешқадам адибларимиз илм-фан, маданиятни ривожлантириш билангина жабр-зулм, разолатдан қутулиш мумкин эмаслигини, мавжуд «Адлу инсофни йитирган ҳукумат»ни (Нозимахоним) ўзгартириш зарурлигини англадилар. Энди улар бир «бурда нон», бир «парча бўз» учун эртаю кеч меҳнат қилувчилар билан «кимхобу атлас»га, «базму ишратга» ғарқ бўлганлар ўртасида келишиб бўлмас катта зиддият мавжудлигини тушуниб етдилар.

Бегали Қосимов тўғри таъкидлаганидек, бутун Туркистонни чоризмга қарши оёққа турғизган 1916 йилги мардикор олиш воқеаси ва халқ озодлик ҳаракати ўзбек адабиётининг революционлашувида, унинг исёнкорона халқ қўшиқларига ҳам мазмунан, ҳам шаклан яқинлашувида катта аҳамият касб этди. Бу давр шеъриятида келажак орзулари, бўлғуси одил жамиятни революцион романтик бўёқларда тасвирлаш тенденцияси юзага келди. Октябрь революцияси арафасида адабиётда мустамлакачилик ҳамда миллий зулмга қарши қуролли кураш, исёнкорлик руҳи биринчи ўринга чиқди:

Ҳуррият олинмади қурбосизин,
Ки, тарихларнинг сўзидур чин.
Қачонким ҳурриятдин ўлса нишон,
Билинг, олдилар тўкушуб қон.

(Шавкат)

«ДУНЁНИ ТАНИСАНГ, ТАНИСАНГ ОДАМ...»

Бу муаммо — дунё ва одам таниш муаммоси Барот Бойқобиловнинг «Висол ва ҳижрон»[1] китобининг мазмуни, руҳи, пафосини белгилайди. Дунёни танимай, инсонни билмай туриб, дунё муаммолари, дард-ташвишлари, гўзаллик ва жароҳатлари тўғрисида, инсоннинг юксак туйғулари, орзу-идеаллари, ғам-ғуссалари, яхши ва ёмон хислатлари ҳақида сўз айтиш, фикр юритиш мумкин эмас. Александр Блок: «Санъаткор улуғвор нарсалар тўғрисида ўйлаши лозим, ўз олдига катта вазифалар қўйиши керак», деган эди. Барот Бойқобилов ижодда шунга интилади. «Висол ва ҳижрон» тўпламининг ижтимоий бақувватлигининг сабаби шунда. У ўзини «буюк даврнинг оташин фарзанди», деб ҳис этади ва шу «ўз асрида кўрганини якқалам» қилади. Шоир воқеликдаги, ҳаётдаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар ҳақида ўйлашни, инсон бахти ва тақдири тўғрисида қайғуришни ва мазкур фикр-мулоҳазаларини, туйғу-кечинмаларини жанговар публицистик пардада ифодалашни устозлари Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжондан ўрганади. «XXI аср шоирларига» деган шеърида Барот Бойқобилов ўнлаб устозларини меҳр-муҳаббат билан тилга олади ва қасамёд этиб ёзади:

Мен буюк шоирларга бўлдим бахтли замондош,
Бундай юксак бахтни ҳеч топмагайман изласам.
Устозлар ҳузурида бир умрга эгиб бош,
Таъзим этиб турурман, сизга бугун сўзласам.
Устозлар нафасидан баҳра топиб ўсди дил,
Улар мени суяшди — тоғдай туриб ёнимда.
Мен бу буюк ишончни оқлай дея муттасил,
Эзгу қасам ичганман, меҳри яшар жонимда.

Барот Бойқобиловнинг публицистик шеърларидаги жанговарлик руҳида, кенг тарихий фикрлаши ва мужассам образларида Ғафур Ғулом, Ватан мавзуини эҳтирос билан мадҳ этишида, гўзалликни ардоқлашида Ҳамид Олимжон нафасини сезиш мумкин. Ҳатто баъзан шундай ҳоллар ҳам юз берадики, шоир устозлари шеърларининг оҳанги, образлари ва шакл-ўсулларининг кучли таъсирига берилиб кетади. Чунончи:

Мадойин қасридек Нукус қалъаси
Бу олам саҳнидан ўчарди мангу,—

мисраларидаги образда устози Ғафур Ғуломни такрорлайди. Ёки мана бу парчада «Турксиб йўлларида» шеърини эслатувчи оҳанг бор:

Қудратли ва улуғвор,
зилзиладай ларзакор
Зарб ва оҳанг
Бонг ва занг билан
Бир юрак нидоси,
Ўн,
юз,
минг
Ва миллион юрак нидоси
Еру кўкни титратгандай,
Эриган қўрғошинни ютгандай,
Келажак авлодларга
қўлларин узатгандай...

Тўпламдаги чет эллар ҳақидаги айрим шеърларда масалага, фактга, воқеликка ёндашиш ва бадиий талқин шакл-шамойили, йўл-усулида бир хиллик сезилади, янги ҳис-туйғу, янги руҳ етишмай қолади. Китобдаги аксарий шеърлар эса, шубҳасиз, қайноқ ҳис-ҳаяжон, теран фикрнинг уйғунлигидан дунёга келган. Мажмуанинг салмоғини ҳам, фазилатини ҳам худди айни шу шеърлар белгилайди. Барот Бойқобилов ўзи танлаган изчил йўлдан боради: бу — шеъриятга янги мавзу, янги мазмун, янги ҳаётий материал олиб кириш ва уларни ифодалашга мос шакл топишдир. У шеъриятнинг кичик жанрларида ҳам, йирик жанрларида ҳам тинмай изланади. Шоир сонет жанрининг ўзбек шеъриятида муқимлашишига муносиб ҳиссасини қўшмоқда, жанрнинг янги-янги қирраларини топмоқда. У маснавий шаклида достон яратди, шеърий романда қаламини синаб кўрди. «Висол ва ҳижрон» тўпламида сонетдан ташқари анчагина станслар ҳам ўрин олган, улар бирор мавзуни чуқур бадиий тадқиқ этиш, шоирнинг кечинмаларини тўлароқ ифодалашга хизмат қилади. Шаклий ранг-баранглик китобнинг энг яхши фазилатларидан биридир. У ҳаётнинг, воқеликнинг, инсон туйғуси ва ҳолатининг сероҳанглигини таъкидлаб туради.

Шоирнинг она Ватанга чексиз ва

[1] Барот Бойқобилов. Висол ва ҳижрон. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1978.

Профессор Ғулом Каримов 1975 йил октябрида республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган Совет Шарқи адабиётларида социалистик реализмнинг шаклланиши, манбалари ва тараққиётига бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференциясида қилган докладида Бегали Қосимовнинг «Революция ва адабиёт» («Шарқ юлдузи» журнали, 1975 йил, 8-сон) мақоласини тилга олиб, олимнинг «1905 йилдан кейинги ўзбек адабиётида асосий мотив революцион романтика бўлганини жуда бой фактик материал асосида исботлаб берган»лигини айтган эди. Биз ҳам профессорнинг ана шу фикрига қўшилганимиз ҳолда китобда Б. Қосимов мулоҳазаларининг янада қатъийлашиб, чуқурлашганини таъкидлаш билан чекланамиз.

1905—1917 йиллар адабиётини, маориф-маданиятини Авлоний сиймосисиз тасаввур этиш қийин. Автор бу санъаткор ижодини алоҳида муҳаббат ва самимият билан таҳлил қилган. Авлоний замонасининг пешқадам шоир ва адиблари каби ўзбек инқилобий адабиётининг пайдо бўлиши, Ўзбекистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш, социалистик адабиёт ва санъатни вужудга келтириш каби масъулиятли вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатдики, бу масалалар тадқиқотчининг диққат марказида туради.

Абдулла Авлоний ўлкамизда оламшумул воқеалар, меҳнаткаш халқ онгида буюк ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда адабиётга кириб келди. Шоир инқилобий романтика руҳи билан суғорилган жанговар шеърияти орқали ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Уч революция оралиғида Абдулла Авлоний айниқса қизғин педагогик фаолият кўрсатди. Улкан мураббийнинг «Адабиёт», «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Учинчи муаллим», «Мактаб Гулистони», «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» каби ўндан ортиқ китоблари янги усулдаги мактаблар учун тузилган бўлиб, изоҳли ва ифодали ўқишда асосий қўлланма вазифасини ўтади. Авлоний Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар педагогикамиз тараққиёти тарихида биринчи бўлиб ифодали ўқиш методи асосини яратиб берди, ўзи ташкил этган мактабда техника воситаларидан фойдаланди.

Б. Қосимовнинг «Абдулла Авлоний» китобида эса адибнинг педагогик ва маърифатпарварлик фаолияти тадқиқ қилинади. Асарда Авлонийнинг юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган ва адибнинг педагогик, фалсафий қарашлари тўла аксини топган «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари таҳлилига анча кенг ўрин берилади.

Тадқиқотчи тўғри таъкидлаганидек, Авлоний 1917 йилга келиб марксизм-ленинизм таълимотидан баҳраманд бўлди, ижоди жанговар исёнкорлик касб этди. У Октябрь инқилобининг илк кунларидаёқ, ёш Совет ҳокимиятини контрреволюцион кучлардан ҳимоя қилиш учун революцион органларда қизғин амалий фаолият кўрсатди, инқилобий шеърлар, марш-лар яратди, 1918 йили К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» асарини ўзбек тилига таржима қилди, Туркистонда янги социалистик санъатнинг пойдеворини вужудга келтиришда фаол қатнашди.

«Инқилобий шеърият саҳифалари» китобида 1905—1917 йиллар адабиётининг машҳур намояндаларидан бири — шоир, публицист, таржимон ва илғор педагог Сайидаҳмад Сиддиқий-Ажзийнинг мураккаб ҳаёти, ижоди тадқиқ қилинган. 1928 йили «Маориф ва ўқитғувчи» журнали Ажзий фаолиятига юксак баҳо бериб, қуйидагиларни ёзади: «Сиддиқий мафкура ва ўйлашда ўз чоғдош (муосир) ва маслакдошларидан юқори туради. Ул санъатда, адабий ижодда ҳам ўз даври шоирларидан олдинда... У эски стилнинг ширин ва ёқимли ҳаволари билан ўзининг янги наволарини эшитдирмоқчи бўлади». Лекин узоқ вақт Ажзий ижоди ўзбек адабиётшунослари эътиборидан четда қолиб келди. Мазкур китоб автори 1973 йили Сиддиқий-Ажзий асарларини нашрга тайёрлаб жуда хайрли иш қилган эди. Ижодини лирик шеърлар ёзишдан бошлаган Ажзий биринчи рус революциясидан кейин янги дард, янги илҳом билан қўлига қалам олди, Ватан, халқ истиқболини кўзлаган революцион романтик руҳга йўғрилган «Айн ул-адаб», «Ганжинаи ҳикмат» шеърий тўпламларини, «Миръоти ибрат» («Ибрат ойнаси»), «Анжумани арвоҳ» достонларини яратди.

Ажзийнинг кўҳна Самарқанд учун янгилик бўлган мактаби ва «Миръоти ибрат» достони мутассиб дин пешволарини талвасага солди, шоирни «кофир» деб эълон қилдилар. Сиддиқий уларга кескин жавоб берди: «Токи ҳаёт эканман, ростликдан сўзлайман, тўғриликни маҳкам ушлаб, муқаддас ҳисоблайман. Агар ҳақиқатни айтиш кофирлик экан, сўнгги нафасимгача ҳақиқатдан сўзлайман».

Ажзий жасорати Туркистоннинг илғор зиёлилари таҳсинига сазовор бўлди. Мирмуҳсин Шермуҳамедов «Афандим самарқандликлар!» публицистик мақоласида Сиддиқийни қаттиқ ҳимоя қилди. Шоир Тошхўжа Асирий «Миръоти ибрат» достонининг кучли таъсири остида «Ибрати Асирий ба жавоби «Миръоти ибрат» Ажзий Самарқандий» достонини ёзди.

Тадқиқотчи Сиддиқийнинг таржимонлик фаолиятига, хусусан, 1908—1910 йилларда ўзбекчалаштирилган Н. Гоголнинг «Шинель» повести таржимасига ҳам алоҳида аҳамият беради.

Тўпламнинг таҳсинга сазовор жиҳатларидан яна бири шундаки, Авлоний, Ажзий каби сиймолар ижодидаги мавжуд давр, ижтимоий-сиёсий ҳаёт зиддиятлари, мураккабликлари билан боғлиқ чекланишлар, камчиликлар очиб берилган.

Китобда, шунингдек, улуғ демократ шоираларимиз Дилшод-Барно ва Анбар отин ижоди ҳам мухтасар таърифланган.

Бегали Қосимов ҳақли таъкидлаганидек, бу давр адабиёти эндигина, қолаверса, чор цензурасидан ўтиб матбуотда эълон қилинган асарлар асосида ўрганилмоқда. «Эҳтимол,— деб ёзади автор,— бу соҳадаги бўлажак тадқиқотлар янги номлар, янги материаллар берар». Назаримизда, шу даврда фаол ижод этган, давр воқеаларига жанговар шеърлари, «Русия инқилоби», «Тоза ҳуррият», «Рабочийлар келиши», «Сизларга мужда» достонлари билан жавоб берган Шавкат Искандарий ижодини ўрганиш яхши натижалар бериши мумкин. Афсуски, бу оташин шоир ижоди тадқиқот доирасидан четда қолган.

Қисқа қилиб айтганда, истеъдодли адабиётшунос олимимиз Бегали Қосимовнинг китоблари адабиётшунослик фанимиз ва ўзбек педагогик тафаккури тараққиёти тарихини ўрганишга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Улуғбек ДОЛИМОВ,
филология фанлари кандидати

makriz

қайноқ муҳаббати «Висол ва ҳижрон» тўпламининг асосий мундарижасини ташкил этади. У ўзи туғилиб ўсган юртини — Ургутни фарзандлик туйғуси билан севади. Шу маскан унинг қалбига меҳрибон республикасига, катта ва бепоён Ватани Совет Иттифоқига бўлган улуғ муҳаббати, садоқатини вужудга келтирди, камол топтирди. Барот Бойқобиловнинг Ургут тоғлари, чинорларига мафтун бўлиши, уларни образга айлантириши бежиз эмас. Она ер узра салобат тўкиб ястаниб ётган улуғвор тоғлар, томирлари ер бағрига сингиб кетган, бўйи кўкка интилган минг йиллик қудратли ва гўзал чинорларни Ургут тупроғида кўрганимда шоирнинг уларга шайдолиги боисини англаб етдим: она заминга яқинлик, юксак туйғу, орзулар сари интилиш, бахтиёр халқнинг эркин бир фарзанди сифатида ўзини ҳис этиш... Шоир қалбидаги худди мана шу ҳолат уни она Ватан тарихидаги улуғвор воқеаларни, шу Ватан фарзандлари ҳаёти ва фаолиятидаги қаҳрамонона нуқталарни, юксак туйғуларни мадҳ этиш, ардоқлашга етаклайди. У «Ўзбекистон фарзандиман» шеърида «Ўзбекистон деганда — кўксим тутиб тоғ қадар, бир буюк ғурур билан янграр менинг овозим», дейди ва бундай шеърларида чиндан ҳам самимий кўтаринкилик, ғолиблик руҳи ҳокимдир.

Бойқобилов «Смольнийда», «Аврора», «Нева бўйларида» каби шеърларида улуғ доҳиймиз Ленин ва Октябрь социалистик революциясининг инсоният тақдиридаги буюк аҳамиятини улуғлайди. Шоир Ватанга муҳаббат туйғусининг қайноқлигини совет кишисининг ўз юртига, унинг улуғвор идеалларига бўлган садоқати орқали белгилайди. «Ветеранлар», «Разведкачи Сирожиддин Валиев монологи», «Номаълум солдатга», «Садоқат» (октавалар), «Ниҳол ва чинор», «Ғалаба қўшиғи» каби асарларида она Ватанимиз озодлиги йўлида мардона курашган, коммунизм идеалларига содиқ халқимиз образини гавдалантиришга интилади. «Мусо Жалил» шеърида ҳам шоир Ватанга садоқат туйғусини ардоқлайди:

Мангу тимсол бўлиб мардликка Мусо,
Мармар қоя узра турибди бугун.
Унга ҳавас билан жилмаяр дунё,
Ватан деб фидойи бўлгани учун!

Шоирнинг Ватанга садоқат туйғуси ягона оила туйғуси, қардошлик туйғуси билан уйғунлашиб кетади. «Қозоғистон — бу!», «Меҳрнома», «Қорақалпоқ қўшиғи», «Салом, Латвия» каби шеърларида халқларимиз ўртасидаги «томири теран чинор илдизидек» чуқур ва мустаҳкам дўстликни улуғлайди. Унинг севги-муҳаббат тўғрисидаги ҳақиқий лирика сирасига кирувчи эҳтиросли, ҳаяжонли ва самимий шеърлари Ватан ҳақидаги шеърларининг ажойиб саҳифаларини ташкил этади.

Китобнинг «Ҳижрон» бўлимида Бойқобилов Италия, Сурия, Миср, Греция, Туркия каби мамлакатларга саёҳатлари натижасида туғилган таассуротлари, фикрлари, кечинма ва туйғуларини ифодалайди. Бойқобиловнинг аксари шеърлари заминида бирор воқеа, факт туради. Шоир шуни восита қилиб, муҳим умумлашмалар чиқаради. Чет эллар ҳақидаги шеърларида айниқса бу усул шоирга жуда қўл келади. «Рим», «Бронза гулчамбар», «Колизей харобаси», «Римлик бир рассом», «Нил», «Сфинкс», «Парфенон», «Босфорга», каби ўнлаб шеърларга назар ташланса, булар асосида конкрет бирор воқеа, тарихий ёдгорлик турганини англаш мумкин. Бойқобиловнинг хорижий мамлакатлар халқлари ҳаётидан олиб ёзган шеърларида бир муҳим ўзига хослик бор: шоир у ерларда кўрган ҳамма нарсасини шеърга соловермайди, барча масалани бадиий таҳлил этишга уринмайди. Шоирнинг кўзи ҳамма ерда санъат ва санъаткорлар тақдирига тушади. Халқлар тарихи ва тақдирини, бугуни ва эртасини худди шу санъат масаласи орқали кўрсатади. У меҳнаткаш инсон, халқнинг ақл-заковати, истеъдоди билан яратилган санъат мўъжизаларини ҳайратланиб, завқланиб тасвирлайди, айни чоқда шундай сеҳргар даҳоларнинг юқори табақа, золимлар томонидан хор-зор этилишини қаҳр билан лаънатлайди:

Петрарка ё Дантенинг
овози берса садо,
Яраланган шердай Рим
ўрнидан қўзғалади.
Қулларнинг исёнидан
жонига тушиб ғавғо
Карузодай куйлаган
қалби ҳам музланади.
Қабоҳат ва саодат
бунда олиб борар жанг,
Икки дунё бағрида
аросатда қолган Рим.
Уни домига тортиб
сармоя мисли наҳанг,
Тўрга тушган балиқдек
асоратда толган Рим.
Югурик бу асрнинг
темир аравасида
Шовқин-сурон ичра Рим
истиқболга қўяр от.

Шоир санъаткорлар тўғрисида сўйлаганда диққатни юксак санъат ва унинг ижодкорларининг боқийлиги масаласига тортади. Меҳнаткаш халқини улуғлаган санъаткорни авлодлар ва тарих шарафлайди, уларга юқори табақа эмас, балки меҳнаткашлар, илғор инсоният шуҳрат тожини кийдиради. Шоир ҳамма ерда ҳаётни, воқеликни, одамларни фаол ҳаракатда, интилиш ва курашда кўради, уларнинг порлоқ истиқболига умид ва ишонч билан боқади. Нозим Ҳикмат ҳақидаги шеърида у турк халқининг «одимлари оҳангида, юракларининг залворли зарбида» улуғ шоир шеъриятининг руҳи ва оҳангини сезади. «Робертино куйлаганда» шеърида боланинг жўшқин қўшиғида «Карибдаги кичик бир орол ноласи»ни тинглайди. Ҳаяжонли ёзилган «Фаластинлар» стансларида «ғаним бошда ханжар тутса ҳам сира мағрур боши эгилмай, тонг отишини» умид билан кутаётган ботир халқни куйлайди. Қўшиқни аслида ғам-ғусса, дард-алам, кураш ва зафар, умид ва орзу яратади. Тўпламда бу туйғуларни ифодаловчи қўшиқларнинг кўплиги ҳам шундан: «Италия қўшиқлари», «Робертино куйлайди», «Ла-Скала қўшиқчиси», «Соррентолик санам қўшиғи» каби шеърларида юқорида биз таъкидлаган руҳ ҳукмрон. Уларда яхши ҳаёт, озод турмуш, бахтиёр келажак ҳажрида ўртаниш, умид-орзу, висолга етишиш иштиёқи туйғуси жўш уради. Китобдаги хорижий мамлакатлар халқлари ҳаётидан олиб битилган шеърларда «мунг янграши» шундан; она юртга бағишланган шеърларда «шўх овоз» эшитилиши ҳам шулардан.

Барот Бойқобиловнинг янги тўплами шеъриятимизнинг тематикасини, уфқини кенгайтиради, айниқса, публицистик шеър турини бойитади, шоирнинг шаклдаги изланишларининг самарали эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори

ОППОҚ ҚЎШИҚ

Ризқи рўзимиз пахта кишиликнинг ўзидан ҳам қадимий: унинг ёши ўн миллион йилдан ортиқ. Шоир тили билан айтганда:

Жаҳонда кўп тожлар сўлиб, чириб кетди,
Менинг меҳнат тожим ўттиз асрлик.
Бир замонлар, ерга тушган биринчи чигит,
Кафтимда, нафасим тафтида тирик.

Ғўзанинг илк аждодлари ўн газгача бўй ростлаган. Бу кўп йиллик ўсимликни одамзод бора-бора бир йиллик ғўзага айлантирди. Ҳозир ер юзида унинг тўрт тури кўпроқ экилади.

Ўзбек жайдари ғўзасининг ҳам мухтасар «таржимаи ҳоли» бор. Академик В. Бартольд кўҳна манбаларга суяниб, Шарқий Туркистонда IV—V асрлардаёқ жайдари, яъни Африка ғўзаси ўстирилганини ёзган эди. Лекин кўп йиллик археологик изланишлар, пахтамиз ёшини ғоят улғайтириб юборди. 1933 йили тарихчи археологларимиз Самарқанд воҳасидаги Муғ қалъасидан 90 дан зиёд ҳужжат, 400 дан ортиқ ҳар хил буюмлар топдилар. Топилмалар орасида пахта ва чигит намуналари бор эди. Наршахий, Мақдисий, Бобир мақтаган Самарқанд қоғозларининг сифати Хитой қоғозларидан бирмунча ўзиб кетган. Ўрта аср кутубхоналарини тўлдирган рисолаю девонларнинг қоғози аждодларимиз етиштирган пахтадан тайёрланган эди. Наманганнинг гумбаз мозорлари сағанасида пахтадан йигирилган ип сақланиб қолгани 1956-57 йилларда аниқланди. III—IV асрларга даҳлдор бу топилма пахтачиликнинг узоқ тарихини янада чуқурлаштирди. 1972 йили Фаёзтепадаги қидирувларнинг бирида II—III асрларда қурилган иморат деворидан пахта чаноғи тутган кишининг тасвири чиқди. Қува районидаги Чилламозор тепалигидан топилган пахта ва чигит қолдиқлари эса ўрта-осиёликларнинг ғўзани узоқ ўтмишдаёқ маданийлаштира олганликларидан далолат беради. Аждодларимизнинг муқаддас китоби Авестода мана бундай сатрлар учрайди: «Нон мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади». Демак, ота-боболаримиз тирикчилик, зироат, деҳқончилик ташвишини бидъатдан, қолаверса, «илоҳий сўзлар»дан афзалроқ кўрганлар. Балки ўша пайтларда ҳам пахта нонга қиёс қилинган ва нондек эъзозланган.

Бундан бир неча йил муқаддам Шаҳрисабздаги Темур Оқсаройи деворидан пойдеворидан сирли кошин қазиб олинди. Унда пахта чаноғи зарҳал бўёқда тасвирланган. Демак, мўъжизага баробар бу техника экини деҳқончиликда етакчи ўрин тутибгина қолмай, балки унинг рамзий ифодаси — эмблемага айлантирилган, муқаддас саналган.

Шу тариқа, Ўрта Осиёда Мурғоб воҳаси, Ўкуз (Амударё), Яксарт (Сирдарё) этакларида эрамиздан анча илгари пахта етиштирилгани маълум. Энг сўнгги далиллар жайдари ғўзамиз 2,5 минг ёшга тўлганини кўрсатади. ЎзССР Фанлар академиясининг фахрий академиги С. Толстов маълумотига кўра, Кушон империяси даврида (янги эрадан аввалги III асрдан — эрамизнинг III асригача) Аму ва Сир этакларида обикор ерлар майдони 3,5-3,8 миллион гектарни ишғол этган. Борди-ю шундай улкан майдоннинг бир қисмига пахта экилган бўлса, ярим миллион турдаги ўсимлик орасида энг қадрли саналган меҳригиё чаноғининг мозийда ҳам нечоғлик мавқе тутганини билиб олиш қийин эмас.

Пахта ҳақида ривоятлар Европа қитъасига ўрта асрлардагина етиб борди. Чунки яшил бойлик араблар орқали анча кеч, яъни VIII асрдагина бу иқлимга кириб келган эди. Сайёҳлар афсоналарни элатдан-элатга, мамлакатдан-мамлакатга олиб ўтдилар.

Бу чўпчаклар туфайли, талайгина европаликлар пахтанинг асл қиёфасини бир неча юз йил бузиб тасаввур қилдилар. Аслини олганда, шундай бузуқ тасаввурни мелоддан аввалги IV асрда машҳур тарихчи Геродот ҳам ёзиб қолдирган эди: «Ҳиндларда бир нав ўсимлик бор, у мева ўрнига қўй жунидан ҳам нозикроқ ва сифатлироқ жун беради. Ҳиндлар кийим-кечакларини шу жундан тўқийдилар». Эрамизнинг биринчи асрида яшаб ўтган римлик олим Катта Плиний эса Миср пахтасининг асл таърифини ёзади. Бу — ер юзининг пахта унмайдиган минтақаларида яшовчи элларнинг «оқ олтин» ҳақидаги ҳозирги тасаввурига жуда мос.

Ўзбек пахтасининг тарихи, айниқса Улуғ Октябрь инқилобидан кейин зарҳал ҳарфлар билан битилди. Янги жамият пахта бобида ҳам беқиёс бурилиш ясади. Маълумки, чор маъмурлари ярим мустамлака Туркистонда пахта етиштиришга зўр бердилар. Аммо зироат ишларини йўлга қўя олмаган бу амалдорлар ердан йирт қичларча фойдаландилар. Улар кўтарган ҳосил мингларча пудлар билан ўлчанар эди, холос. Энди эса «оқ олтин»имизнинг залвори миллион-миллион тонналар билан ҳисобланади. 1980 йилнинг сарҳисоби: 6 миллион 200 минг тонна! Булутларга бош урган бу хирмонни асло кўз кўриб, қулоқ эшитмаган эди. Беш йилликнинг якунловчи йилида республикамиз айниқса пахтачиликда эришган улкан ютуқлари учун учинчи марта Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ленин ордени билан муносиб тақдирланди.

Дастлаб, мамлакатнинг қудратини ана шу пахтада ҳам кўрган Владимир Ильич Ленин бўлди. Буюк доҳийимизнинг назари пахтага инқилобдан бурунроқ тушган: сиёсий иқтисодни мутолаа қилаётганида пахта унинг диққатини тортган. Шушенскоеда Туркистон пахтасига доир статистик маълумотлар тўплаган. Ёш совет давлатининг тетапоя йилларида Владимир Ильич пахтачилик ва суғориш программасини ишлаб чиқиш бўйича комиссия тузди. Ленин имзо қўйган пахтачиликни юксалтириш ва суғориш ишларига доир тарихий декретлар (1918 йил 17 май; 1920 йил 2 ноябрь; 1920 йил 27 ноябрь) деҳқончилигимиз тарихида буюк ўзгаришлар ясади. «Пахта, унинг тақдири. Бу оламшумул масала», деган иборалар доҳийнинг кўнглидан қуйилиб келганини ўйласак, уларнинг бугунги кунда теран мазмун касб этганини кўрамиз. Ильич «Главхлоппром»ни ўша вақтлардаёқ «совет монополиясининг типик намунаси», деб атаган эди. Ўз даврида Фридрих Энгельс «ип-газлама ва темир буюмлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда турган миллат»ни саноати тараққий этган миллатлар сафига қўшган эди. Ильич даҳо фикрини ривожлантирибгина қолмай, пахтачилик равнақининг амалий тадбирларини ҳам белгилаб берди. Шунинг учун ўзбек деҳқони 1932 йилдаёқ ўлкада пахтадан юқори ҳосил олиш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллади.

Бий чўлни ўзлаштиришда ҳам ўзбек деҳқони шижоатига жумлаи жаҳон қойил қолиб келмоқда. Шунинг учун ҳам голландиялик профессор Ван ден Берг Мирзачўлни «ҳалқаро лаборатория» деб атайди. Қардош элларда: «Ўзбекистон — мамлакатнинг пахтачилик академияси», дейдилар. Ўзида асрий тажрибаларни мужассамлаштирган бободеҳқонни эъзозлаб «дала академиги» деймиз. Биргина Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-текшириш институти коллекциясида 6 мингдан зиёд ғўза нави ва турлари бор. «Тошкент» навлари деҳқоннинг мушкулини бир неча йил осон қилди. Энди бу навлар қайта бор оқпалакка чалина бошлаганда, яна фан деҳқоннинг жонига оро кирди. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг мухбир аъзоси Набижон Назиров радий нури таъсирида оқпалакка чидамли, кўсаги очилганда барги ўз-ўзидан тўкиладиган нав яратди. Янги чигит талайгина майдонларда экила бошлади.

Мўъжизакор «оқ олтин»нинг ойдин йўлига ҳеч нима ғов бўла олмайди. Бир вақтлар нейлон каби сунъий толалар унга бир оз таҳдид солгандек бўлди. Лекин пахта ўзининг ажойиб хусусиятлари билан синтетикани мағлуб этаверди. Эндиликда мангу бебаҳо «оқ олтин»имизга жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари мунтазир. Ўзбекистон момиқ толани тўқийдиган дастгоҳларини ҳам, пахта териш машиналарини ҳам чет элларга чиқаради.

Момиқ толадан 200 хилдан ортиқ газлама тўқилади. Бир йиллик пахтамиздан тўқилган газлама жаҳонни етти қайта кийинтиришга етаркан. Ғўзанинг барги, пояси, илдизи ҳам турган-битгани хазина. Ғўза баргининг ўзидан 80 га яқин кислота олинади. Ҳали пахтамиз иштирок этмаган соҳани биз билмаймиз. У медицинадан то космонавтикага қадар яраб турибди.

Пахтани оппоқ қўшиққа қиёс қилгулик. Қатор эгатлар чолғунинг торларига ўхшайди. Меҳригиё чаноқлар унинг оҳанграбо садолари... Оппоқ қўшиқ тароватидан тилимиз ҳам, бадииятимиз ҳам бойиб бораётир. Академик шоир Ғафур Ғуломнинг мисраларига унинг сайқали югурган:

Унинг ҳар толаси кундалик ишнинг
Майда томиридай юракка туташ.
Пахтача қадри йўқ олтин-кумушнинг,
Пахта — инсон жонин иситган оташ.

Пахтага дахли йўқ одам ўлкамизда топилмаса керак. Шунинг учун ҳам оппоқ қўшиқ шаънига ҳар кимнинг қалб қўридан бирор илиқ гап доим отилиб чиқиши тайин.

Шоир Жуманиёз Жабборов бир мақоласида: «Пахта ишларимиз поэзияси, интилишларимиз сурури, халқимиз яратаётган улуғвор эпопеядир», деса журналист Шароф Убайдуллаев: «Пахта дунёнинг буюк эҳтиёжи... Шунинг учун ҳам уни севамиз», деб ёзади. Мирзачўллик Ғанишер Юнусов: «Пахтанинг ҳидини боламнинг ҳидидай яхши кўраман», деган эди. Донгдор пахтакор Турсуной Охунованинг: «Пахта тушларимга кириб чиқади» деган сўзлари бизга жуда таниш.

Леонид Ильич Брежневнинг аллақачон шиорга айланган «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади», деган ажойиб ташбеҳи ўзбек деҳқони ва у яратган бойликка ғоят муносиб баҳодир.

Пахтанинг эртаси унинг ўзидай ойдин, яқин келажагини эса тонгдай тасаввур қиламиз. Бу сурурли келажак оппоқ қўшиқнинг бугунги заҳматини ҳам, шуҳратини ҳам ортда қолдириб кетади... Қаршидек сўнгсиз «дашти кабирда 2 миллион тонналик кумуш ва зар тола хирмони юксалади. Бухоролик деҳқонлар бир вақтлар қатра сувга ташна биёбонларда 1 миллион тонна дурдона ундиришни чамаламоқдалар. Ипак пахтанинг янги-янги нзвлари яратилади. Барабора ғўзамиз кўп йиллик меҳригиёга ҳам айланар. Ёҳуд аломат «зангори кема»лар бир йўла баргини, ҳосилини, ғўзапоясини тўплаб, бир йўла шудгорлаб ерга майса уруғини сепиб кетса, не тонг. Ўшанда кимёнинг маъдан ўғити ҳам эскирган сўзга айланади.

Нурли келажакнинг сурури ва нашъаси билан яшаймиз.

Ўзбек деҳқонининг жасоратини авлодлар асло унутмайди. Ахир, деҳқон машаққат чекмаса, келажак бугундан бошланармиди! Шоир таъбири билан айтганда, «келажакни туғиш тўлғоғи — оғир». Ўша мушкулкушод замонларга бугун тамал тоши қўйилмоқда.

Мурод ХИДИРОВ

Қишнинг баҳори.

А. КОРНИЛОВ фотоси

ШАХ МАТ

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида



Ҳужумкор усулда

Кубалик улуғ шахматчи, 1921—1927 йилларда жаҳон чемпиони бўлган Хосе Рауль Капабланка ўйинларини ўрганиш кишига зўр маънавий завқ бағишлайди. 1935 йили Москвада ўтказилган Халқаро турнирда собиқ жаҳон чемпиони (оқлар) билан ленинградлик Г. Левенфиш (қоралар) ўртасидаги ўйин ҳанузгача шинавандаларни мароқлантиради.

20. Ке5—g4!

Оқлар мотга олиб борувчи гўзал ҳужумни бошладилар. Бу юришнинг бутун мағзи шундаки, аспни боғлаб қўядиган 20. ...e5дан кейин ўйин 21. К:h6+gh 22. Ф:h6 тарзида давом этарди.

20. ...Сс5—e7.

21. Cg5:f6 g7:f6

Мажбурий юриш. Акс ҳолда, 21. ...С:f6 бўлса, 22. К:h6+! ўйинни ҳал қилади.

22. Кg4:h6+ Крg8—g7

23. Фh3—g4+ Крg7—h8

Мабодо отни олинса, ҳозир ҳам, кейин ҳам қоралар икки юришдан сўнг мот бўлади.

24. Фg4—h5 Крh8—g7

25. Кh6:f7! Лf8—h8

26. Фh5—g6+. Қоралар таслим бўлди.

Голландияда ғалати бир қонун кучга кирди: телевизор экранида тиш чўткасининг тасвири доимо кўрсатиб турилган тақдирдагина телевидение орқали ширинликни реклама қилишга рухсат бериладиган бўлди.

Улкан Миср эҳромларининг довруғини ким эшитмаган! Лекин жуда қадим замонларда қурилган бу улуғвор иншоотнинг лойиҳасини топиш тадқиқотчилардан бирортасига насиб қилмай келар эди. Яқинда ғарб матбуотида архитектор Фридрих В. Хинкелнинг Судан территориясида улкан эҳромнинг анча яхши сақланган лойиҳасини қўлга киритгани ҳақида ахборот босилди. Лойиҳа Хартумнинг шимолида жойлашган қадимий маданият маркази Мероэда олиб борилаётган қазилма пайтида топилган. Чизмаларда эҳромнинг умумий кўриниши, иншоотнинг миқёси ва деворлари, кузатув майдончалари равшан акс этган.

Чехословакиянинг почта бўлимларида ҳар йили адресларнинг ноаниқ ёзилгани сабабли эгаларига етиб бормаган қанчадан-қанча хатлар тўпланиб қолади. Шундай хатларнинг ҳаммаси Транва шаҳрига жўнатилади. У ерда ноаниқ ёзувларни ўқиш бўйича ўта билағон киши яшайди. Баъзан уни ҳатто почта детективи деб ҳам атайдилар. Унинг ёрдами туфайли жумбоқ мактубларнинг учдан икки қисми эгаларига жўнатилади.

Яқинда мўғул олимлари Улан-Батор шаҳри жанубга томон силжиётганини аниқладилар. Уларнинг тадқиқотига қараганда, Мўғулистон пойтахти ҳар йили экватор йўналишига қараб тўрт-беш сантиметрдан жилиб бораётган экан.

Дунёда энг катта китоб Берлин шаҳрида ГДР Давлат кутубхонасида сақланади. Унинг оғирлиги 120 килограмм, ҳажми 170×110 сантиметр. У 1661 йили нашр этилган.

Родос оролидаги қадимий етти мўъжизанинг бири эрамиздан аввалги 280 йилда ясалган Гелиос маъбудидир. У фақат атиги 56 йил қад ростлаб турди ва зилзиладан вайрон бўлди. Ҳақиқатан «дунё мўъжизаси» ҳисобланган гигант ҳайкал ўша давр кишиларини ҳайратда қолдирган. Бу ҳақда кўпгина антик авторлар ҳам маълумот берадилар. Грецияда Гелиоснинг улкан ҳайкалини қадимги қўлёзмалар асосида яна қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

НАСРИДДИННИНГ ҚАЙТИШИ

Афанди ҳайкали олдида бир соат

Баланд янграган қаҳқаҳа бир томони Кўкалдош, иккинчи томони Нодир девонбеги мадрасаларининг осмонўпар, нақши нигорли деворларига урилиб акс садо берди. Пастда — Девонбеги ҳовузининг зилол суви сатҳида майин, сержило табассум. Гўё ҳалиги қаҳқаҳа ана шу сув бағрида ором топгандек бир муддатга тиниб қолди. Ҳаял ўтмай ўша қаҳқаҳа яна такрорланиб, унга ҳаётбахш қўшиқ жўр бўлиб янгради:

Том бошида тоғора-а-а,
Тоғорада зо-ғо-ра,
Зоғорани ёполмай, ҳей,
Чолу кампир о-во-ра!..

— Бу Насриддин Афандининг қўшиғи,— деди «Роҳат» чойхонасининг кекса мижозларидан Амак.— У кишини киндик қонлари тўкилган Бухорода доимий прописка дан ўтказиб қўйдик. Агар менга қолса-ку ўша кинони ҳам «Насриддин Бухорода» эмас «Насриддин Бухородан» деб атардим.

Лоторей махсум деган чойхўр қўлидаги пиёлани тўқ этиб хонтахтага қўйди.

— Э, нима қиласиз гапни кўпайтириб! Насриддиннинг элликта ватани бор, ўн иккита қабри бор. Ўйлаб гапиринг, бо яна жанжол бўлиб юрмасин. Биласиз-ку, ҳозир бирон машҳур одам пайдо бўлса, ҳамма эга чиқади. Қўйинг ғалвани!..

— Нега ғалва бўларкан? Нимага?— деб қизишди Амак.— Бухорода туғилган десак гуноҳми? Аслида туғилган ери ҳисоб. Абу Али ибн Сино ҳам Бухорода туғилганлар, кейин бошқа мамлакатларни ватан тутганлар, ҳатто қабрлари ҳам ўша ёқларда қолиб кетган. Бобомдан эшитганман Насриддин Афанди асли...

— Хўп, хўп!— деди Лоторей махсум.— Хўжа Насриддин Афанди асли сизнинг Хўжалар қишлоғида туғилган. Бўлдими? Сизга худо бас келмаса, бандаси...

— Ўв, Латарей, кўп тилимни қичитма!..

Ёши бир ерга бориб қолган, барваста гавдали Профессор уларнинг баҳсига чек қўйиш мақсадида шарт ўрнидан турди.

— Бўлди! Бас қилинглар!— деди чарм папкасини қўлтиғига қисиб.— Жанжол, жанжол, деб ўзларинг жанжаллашиб ўтирибсизлар!.. Юринглар, яхшиси, меҳмонга Афанди бобонинг ҳайкалини кўрсатайлик. Илмнинг туби кенг. Бир кунмас бир-кун Насриддин Афанди қаерда туғилган, уйланганми, хотинининг оти нима, бола-чақаси бормиди, эшагининг ёшигача, соқолининг мўйигача аниқлаб беради. Қани юринглар!

Ҳамма кула-кула унга эргашди. Сўрида ёлғиз Лоторей махсумгина қолди. Лаби ҳовузнинг кун чиқар томонидаги тош зинадан оҳиста юқори кўтариламиз. Рўпарадаги хиёбонда баландлиги уч метрча келадиган қизғиш тунж ҳайкал. Унда гижинглаган, ёлдор эшагига бемалол миниб олган қизиқ одам. Бошига қийиқчадан салла ўраган, бодом қовоқ, қошлари шўх чимирилган тағалак соқоли ярашиқли, ўнг қўли кўксида, чап қўлини боши узра кўтарганча жилмайиб турибди. Оёқларида каласангги малла ковуш, туриш турмушидан ҳаракат ва кулги ёғилади.

Наҳотки шу Насриддин Афанди бўлса? Бошқачароқ бўлиши керак эди, шекилли. Кўзимни юмиб, узоқ йиллар тасаввуримда яшаб келган қиёфани хаёлда гавдалантирмоқчи бўламан. Қани энди ўша қиёфа тезроқ тасаввуримга кела қолса! Яна ҳайкалга қараб олиб, кўзларимни такрор юмаман. Тасаввуримда шу ҳайкал бор бўйи билан гавдаланиб тураверди, тураверди...

— Салом, пийри қаҳқаҳа, салом, кувноқ донишманд!— дея пичирлайман.

Одам говжум. Шовқин-сурон авжида. Икки суратчи йигитнинг фото аппаратлари басма-басига чириқлайди. Ҳамманинг юзида табассум, тўп-тўп бўлиб турган одамларнинг кулгилари, қийқириқлари эшитилади.

Юрагим ҳапириқиб, вужудим фахр ва ғурурдан титрайди. Назаримда бу кулгига, хурсандликка, табассумга ўрнатилган ҳайкал эди. Улфатлардан узоқлашиб, кўҳна тут панасидан одамларни кузата бошлайман.

Эгнига олача чопон кийиб, белини солдатча камар билан бўшгина бойлаган, бошига қора шапка қўндирган қизил бурунли бир киши одамларни турта-сура ҳайкалга яқин келди.

— Э, вей, сураткаш ука,— деди у кўкрагини олдинга чиқариб,— бизга ҳам нўвбат келадими ўзи?

— Ҳозир, акамулложон, ҳозир,— деди тақа мўйловли, жиккак фотограф,— ана бу қизалоқдан кейин сизга навбат. Бир пас, ана бўлди. Навбат сизга! Э, яшанг, шоввоз! Қани Афанди бобомнинг эшакларига яқинроқ туринг! Бешиктерватарга ўхшаб чайқалаверманг! Ҳа, ана шундай!

— Ҳў, Соқи сархуш!— дея қичқирди кимдир.— Ҳушёр бўл, яна Афанди бобомнинг эшаклари тепиб олмасин!

— Оғзингни юм!

— Қизиқ! Анави опам Афанди бобонинг ҳайкалларини тавоф қиляптими?

— Ҳа, шўрликнинг эри ҳеч кулмас экан, Афанди бободан «Туркини иситиб беринг», деб илтижо қиляпти. Қани, сиз ҳам омин деб юборинг!

Омадим чопмади. Улфатлар кўриб қолишди.

— Ҳа, касбингиз шу-да!— деди Амак мен томон бош чайқаб келаркан.— Биламан, гап ўғирлайсиз. Анови томонга қаранг. Мулло Шакар келди. Ёнидаги шогирди, собиқ магазинчи Зиё қаллоб. Ҳозир намозхон бўлган.

Қатма-қат узун тўн ва яхтак кийиб олган, саватдек яғир дасторли, ўнг оёғидаги қўнжи қисқа махсисидан пайтаваси осилиб турган қария ҳайкалга қараб чинқириб юборди.

— Ҳай-ҳай-ҳай! Ким қилмагай, ким топмагай! Ажаб бўлибди, хўб бўлибди!

Зиё қаллоб секин сўради:

— Қалай, мақбулми, тақсир?

— Бул нобакор, Насриддин одамлардан, шайху муллолардан кулиб, уларни масхараю мазоқ қиларди. Изойи мўмин ҳаром деганлар. Ана оқибат, мана оқибат! Қилмишига яраша бўлибди. Парвардигори ҳаштдаҳ ҳазори олам уни эшаги бирлан қўшиб тошга айлантирибди!..

Бир йигитча унинг сўзини бўлди.

— Э, қўйсангиз-чи, бу ҳайкал-ку! Яков Шапиро деган машҳур ҳайкалтарош яратган.

— Яратган дема, бадбахт, яратган дема!

Ҳамма кулиб юборди. Мулла Шакар ёқа ушлаб истиғфор айтди.

Кулги тингач Профессор секин билагимдан тутиб, яқиндаги ўриндиққа бошлади.

— Биласизми,— деди у ўйчан,— ҳали Амак айтган гапда жон борга ўхшайди.

— Хўш?

— Насриддин Бухорода туғилган!— деди Профессор қатъий ишонч билан. Кулгим қистади. Лекин у тамом жиддий эди.— Буни унинг исми-шарифидан ҳам билса бўлади. Насриддин... Ўзингизга маълумки от ясовчи «дин» қўшимчаси Бухорога хос. Масалан: Садриддин, Фахриддин, Баҳриддин, Қиёмиддин, Насриддин ва ҳоказо. Бунинг устига Бухоро диннинг маркази ҳам ҳисобланган. Унда хўжа ва саидлар жуда кўп. Ҳатто Хўжалар деган қишлоқлар ҳам бор.

— Бошқа шаҳарларда Хўжалар йўқ эканми?

— Албатта бошқа шаҳарларда ҳам йўқ эмас.

— Қизиқ.

— Ҳа, шунақа, қизиқ гапларни топиб юрамиз,— дея Профессор оқ тушган қошларини учириб қўйди.— Яна ўзингизга маълумки, Бухоро Шарқда тижорат ва дин марказигина эмас, у жабр-зулмнинг ҳам ўчоғи бўлган. Шунинг учун ҳам хон ва амирларга, бою бекларга, дин пешволарига қарши бир қаҳрамон керак эди. Қисқаси, шу заминда Насриддин туғилган. У бамисоли руслардаги Иванушка тентаквой, қозоқлардаги Алдар кўса, тожиклардаги Мулло Мушфиқий, қорақалпоқлардаги Умирбек лаққи сингари халқ қаҳрамонларидек зулм ва бедодликка қарши курашган. Насриддин Бухорода туғилиб кўпгина донишмандлар сингари қувғинга учраган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шундай қилиб Хўжа Насриддин Озарбайжон, Татаристон ва мамлакатимизнинг бир қанча ўлкаларида, шунингдек бутун Шарқда шуҳрат топган.

Профессорнинг сўзини ҳайкал тарафдан эшитилган қаҳқаҳа бўлди. Мен ҳам худди шуни кутиб турган эдим.

— Илмнинг туби кенг, домла!— дея уни ўз сўзлари билан юпатдим.— Бу мунозарали масала.

Яна ҳайкал томон бордик. Худди шу пайт сочи елкасига тушган, попишакнусха бир йигитча чўнтагидан қаламтарош чиқариб ҳайкалга яқинлашди.

— Ҳой бола!— деди Амак ўдағайлаб.— Агар отингни ёзмоқчи бўлсанг, Афанди бобонинг эшакларининг орқа оёғига ёз! Биламан сенларни!.. Ҳў, такасалтанг!

Йигитча ола-кула қараб олиб, кўздан ғойиб бўлди. Шляпа кийган олифта киши даврага келиб қўшилди. У ҳайкалга бир муддат қараб турди, кейин қуйи лабини чўччайтирганча писандсиз бош чайқади:

— Бўлмабди, Афандининг соқоли узун бўлиши керак эди.

— Бекор гап,— деди Амак унга ҳам эътироз билдириб.— Афандининг соқоли узун бўлмаган. Бу ҳақида латифа ҳам бор. Мана эшитинг. Бир куни бозор айланиб юрган Насриддин тўрва соқолли имомга рўпара келади. Шунда ўз соқолидан уч тола мўйни «чирт-чирт» юлиб домла-имомга тутади:

«Тақсирим шу уч тола мўйни сотиб олсалар». «Қанча сўрайсан?»— дебди имом масхараомуз. «Юз танга!»— дебди. Имом қўлларини кўкка кўтариб атрофдагиларга қичқирибди: «Бандаи мўмин! Эшит, манови товламачининг гапини, уч тола соқол мўйига юз танга сўрайди-я!», деб. «Хўп, майли, олинг, эллик танга!», дебди Насриддин. «Бу соқол мўйи бир тангага ҳам ярим тангага ҳам, ҳатто бир ҳовуч хоки сиёҳга ҳам арзимайди!» деб қичқирибди имом. «Бир ҳовуч қора тупроққа ҳам арзимаса, нега ўзингиз соқолни бир боғ бедадай қилиб кўтариб юрибсиз» деган экан Насриддин Афанди.

Амак латифани қойил қилиб айтгани учун гуррос кулги кўтарилди. Шляпали олифта киши чурқ этмасдан нари кетди.

— Биласизми,— деди Профессор қиқир-қиқир кулиб,— Бухоро халқи жуда удумчи-да. Шу ҳайкал ўрнатилгандан бери анчагина қизиқ урф-одатлар пайдо бўлди. Янги фарзанд кўрган оналар чақалоқлари тез ва равон юриб кетсин учун Афандининг эшагига миндириб олишади. Илк бор юз кўрдига чиқадиган йигит-қизлар эса учрашув жойи сифатида шу ҳайкал олдини белгилашади. Ҳаётлари хушнудлик билан ўтаркан.

Қисқаси, бу ерда ҳар куни байрам. Одамларнинг қувончи беқиёс. Рўё узоқ йиллардан кейин Насриддин Афанди ўзбек тупроғига қайтиб келгандек. Бунинг учун Бухоро область партия, совет ва жамоатчилик ташкилотларига, Насриддин қиёфасини бронзада жонлантирган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Яков Шапиро ва архитектор Константин Крюковга ҳар қанча таҳсин айтса арзийди.

Эндиги масала ана шу ҳайкал атрофида меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишларини уюштиришдан иборат. Болгариянинг Габрово, ўзимиздаги Одесса шаҳарларидек Лаби ҳовузда ҳам кулги сайиллари, республика миқёсида кулги кунлари ўтказилса, бунга таниқли қизиқчилар, аскиячилар, санъаткорлар, телеминиатюра усталари ҳамда ҳажвчи ёзувчилар таклиф этилса мақсадга мувофиқ бўлурди.

Яна ҳайкалга тикиламан. Кимдир бир сават гул келтириб қўйди. Бола кўтариб олган йигит:

— Қани Афанди бобонгга салом бер, ўғлим!— деди. Бола ҳам қийқириб:

— Шалом боб-бо!..— дея ҳайкалга талпинди.

Неъмат АМИНОВ

Ҳисоблаш марказида ишлайдиган дўстим билан доим тортишиб юрамиз: у электрон машиналарининг ажойиб фазилатларини куйиб-пишиб гапиради, мен эса, унинг жиғига тегаман:

— Машинанг бари бир ҳисоблашдан бошқани билмайди, ҳаётда икс, игрек, зетдан бошқа нарсалар ҳам бор. Масалан, адабиёт, ижод... Бундай нарсаларга машинангнинг ақли етмайди.

— Тўғри машиналар ҳозирча чинакам ижод қилишга қодир эмас. Лекин асарлари матбуотда чиқаётган айрим ёзувчи, шоирларингдан кўра машина яхшироқ ёзади. Ишонмасанг эртага бизнинг марказга бор, ижод ҳақида машиналар билан суҳбатлашасан.

Дўстимнинг гапи мени қизиқтириб қўйди. Эртасига эрталаб ҳисоблаш марказига жўнадим. Йўл-йўлакай машинани мот қиладиган саволларни ўйлаб бордим.

— Келдингми?.. Қани, юр бу ёққа,— деди ўртоғим.

Биз йўлакдан бир оз юриб, каттагина хонага кирдик. Хонада ёнмаён жойлашган бир қанча темир сандиқчаларнинг сон-саноқсиз лампочкалари милтиллаб турарди. Дўстим мени чеккароқдаги стол олдига ўтқазди. Столда радио приёмникни эслатувчи чиройли яшикча турарди.

— Мана бу тугмачани босиб, хоҳлаган саволингни беравер:

Мен тугмачани босдим-да, имтиҳон олаётган ўқитувчидек сўз қотдим:

— Айтинг-чи, бундан... сиздан нималар бўйича маслаҳат олсак бўлади?

Машина мулойим оҳангда жавоб берди:

— Мендан бадиий асарлар ёзиш бўйича маслаҳат олишингиз мумкин.

— Айтинг-чи, ҳозирги пайтда нималарни ёзиш мақсадга мувофиқ?

— Ҳозирги пайтда фантастик асар, детектив ҳикоя, ҳар хил ВЧА-лар учун шеър ёзиш мақсадга мувофиқ.

— Кечирасиз, ВЧА деганингиз?..

— Вокал чолғу ансамбли.

Мен пешанам бир оз тиришганини ҳис этдим, машинани мот қилишга тайёрлаган саволларим қаёққадир учиб кетди. Чунки ўзим кўпдан бери фантастик асар ёзиш ҳақида бош қотириб юрардим.

— Фантастик асарни қандай ёзиш керак?

— Фантастик асарда қаҳрамонларингизни космик кемага ўтқазасиз ва бирон та планетага учирасиз. Сўнгра ўша планетада ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни қалаштириб ташлайверасиз. Қарабсизки, асар тайёр!

Наъматак

— Советлар янги беш йилликни бошлашибди, эшитдингизми?

— Доим алдашади! Беш йиллик, дейишади-ю, уни уч-тўрт йилда бажариб қўйишади.

МАСЛАҲАТГЎЙ МАШИНА

Очиғини айтсам, бу нарсани ўзим ҳам билардим. Лекин қандайдир иккиланиш туфайли асарни ёзишга кириша олмаётган эдим.

— Мавзуни қандай танласам бўлади?

— Мавзуни халқ эртакларидан олганингиз маъқул. Фақат қаҳрамонларнинг минган отларини космик кемага, қилич ва бошқа қуролларини лазер тўппончасига айлантириш керак. «Йўл юрса ҳам мўл юрган» ерини бошқа планетага келиш билан алмаштирилса, бошқа томонлари осон. Аждарлар, девлар, нотаниш ҳайвонлар, бошқа мамлакат одамлари эса, чет планета одамлари деб қўя қолинади.

Мен шоша-пиша ён дафтарчамга ёза бошладим.

— Агар, мумкин бўлса, бирорта асарни бошлаб берсангиз...

— Марҳамат, «Уч оғайни ботирлар» фантастик ҳикояси шундай: «Кекса фозогир олдига уч ўғлини чақириб деди: «Сизларга космик кемани ҳозирлаб қўйдим, бошқа планеталарни ўрганинглар». Ўғиллар лазер тўппончаларини ёнларига солиб, юлдузучар кемага чиқишди-да, номаълум планетага қараб учишди. Узоқ учишгач, бир планетага қўнишди. Укалари дам олаётганда акаси навбатчилик қиларди. Бирдан тепалик орқасидан каттакон номаълум бир махлуқ ҳужумга шайланиб кела бошлади. Ботир йигит ёнидан лазер тўппончасини олди-да, эпчиллик билан махлуққа қаратиб лазер нурини ёғдирди. Шундан кейин...»

— Бўлди, бўлди, у ёғини топиб оламан... Детектив ҳикоя қандай ёзилади?

— Детектив ҳикоя, повесть ёзиш учун бирор бир жиноят ўйлаб топасиз. Жиноятчини яширасиз, изқуварингизни эса, роса қийнайсиз, у жуда узоқ ўйласин, қидирсин. Далилларни, гувоҳларни аста-секин унга тутқазасиз. Асарингиз охирида албатта жиноятчини ушлаб беринг. Лекин асар ҳажмини ошираман деб воқеаларни чўзиб юборманг, ўқувчилар зерикиб қолишади.

Мен анчадан бери бунчалик тез ёзмаганимдан терлаб кетдим. Чўнтакдан дастрўмолни олишга ҳам вақт йўқ эди. Пайтдан фойдаланиб ундан кўпроқ нарса сўраб олгим келарди.

— ВЧАларга шеър ёзишни ҳам айтиб беринг...

— ВЧАларга шеърни бармоқ вазнида ёзинг. Қанча кам бўғин бўлса шунча яхши. Классик шоирларнинг шеърий усул ва ўйинларини такрорлайман деб бошингизни қотирманг. Қофиядан бошқа сифатларга эътибор берманг. Севги ҳақида шеър ёзсангиз, қиз ва йигитнинг ҳис-туйғу ва ҳаракатларини иложи борича очиқроқ ёзинг. Чунки бу нарса замонавийлик деб тушунилади. Айрим мисраларингизда қофия чала бўлса ҳам майли.

— Кечирасиз, унда шеър чиқмайди-ку?

— Уни шеър деб айтмоқчи бўлмасангиз, бошқача айтиш мумкин. Масалан, ВЧАлар учун ашула деб. Лекин, энг муҳими, ёзганингизни бирорта ВЧАга беринг. Шунда сиз мақсадга эришасиз — ашулангиз тез орада радио ёки телевизорда айтилади.

— Битта мисол келтирсангиз.

— Марҳамат:

Лабинг ғунча,
Сочинг тунча,
Нега, жоним,
Фироқ шунча?
Юзинг кулча,
Ўзинг кунча,
Мени шод эт,
Тўйгунимча.

Ҳайратдан оғзим очилиб қолаёзди. Лекин вақтни бой бермай доно машинани яна саволга тутдим:

— Пьеса ёзиш масаласида нима дея оласиз?

— Пьеса ёзиш жуда осон иш, қоғознинг чап томонига ким гапирганини, ўнг томонига эса нимани гапирганини ёзинг.

— Повесть ёзиш учун...

Мен яна савол бермоқчи бўлиб турган эдим, дўстим гапимни бўлди.

— Кечирасан, машинани тўхтатишга тўғри келади. Хўш, фикринг қандай?

Мен машинанинг ажойиблигини, қойил қолганимни айтган бўлиб бир нималар деб минғирладим. Калламда эса, ғаройиб эртаксимон фантастик ҳикоялар, ёвуз жиноятчини қўлга туширмоқчи бўлиб юрган довюрак изқуварлар, гитара ва ноғоралар жўрлигида айтилаётган лирик қўшиқлар айланарди. Шу пайт дўстимнинг сўзлари мени ҳушимга келтирди:

— Машина сенга шунчаки ҳозирги пайтдаги айрим асарларнинг таҳлилини айтиб берди холос. Агар ижод қилмоқчи бўлсанг, машинанинг маслаҳати билан эмас, юрак илҳоми билан иш кўргин.

Дўстим шу сўзларни айтатуриб ён дафтарчамдаги ёзувларим устига чизиқ тортиб юборди. Аттанг!..

Ғолиб ҚОСИМОВ

Андижон

— «Оила бошлиғи» дегани нима, ойи?

— Дадангдан сўра.

— Дадам, «Ойингдан сўра», дедилар-ку?..



— Бош оғриғига уч сўм яшириб қўювдим, хотиним топиб олибди.

— Э, хотинингнинг чўнтагига солиб қўймайсанми?

— Раҳмат, яхши ўтиришдик, хайр. Папоғим шу ерда қолсин, оғайни. «Нега ичдингиз?», деганидан кўра, «Папоғингиз қани?», деса иш осонроқ кўчади.



Топган-тутганлари ўртада.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

— Бугун негадир катта акамизнинг таъблари тирриқроқ кўринади?

— Бу гал пул йиғишда у кишини четлаб ўтмовдик, балки шунгадир...

Дирижёр.

Н. КОЗИНСКИЙ фотоси



Илон йўл танламайди.



Шимол полвони жанубда.

А. КОРНИЛОВ фотолари



КРОССВОРД

Энига: 5. Итальян рассоми. 6. Катта соат. 9. Иштиёқманд. 11. Сабзавот. 16. Сўз қисми. 17. Сўз санъати. 18. Ширинлик. 20. От. 21. Мева. 23. Сибирдаги шаҳар. 25. Уйғониш даври адабиётининг классик асари. 28. Исм. 33. Чолғу асбоби. 34. Минерал. 35. Расм андазаси. 37. РСФСРдаги шаҳар. 39. Донгдор пахтакор. 40. Ой.

Бўйига: 1. Ёдгорлик. 2. Австралияда тарқалган йиртқич ит. 3. Фан. 4. Касб. 7. Ўйин. 8. Тинч океанидаги архипелаг. 9. Қуш. 10. Польшадаги дарё. 12. Нишон. 13. Африкадаги давлат. 14. Юрувчи зина. 15. Педагог адиб. 19. Пул бирлиги. 22. Яқин киши. 23. Босма усули. 24. Рўзғор буюми. 26. Мамлакатимиздаги дарё. 27. Ўзбек совет олими. 29. Транспорт воситаси. 30. Ёзув қуроли. 31. Космонавт. 32. Нодир металл. 36. Адабий жанр. 38. Сувчи.

Тузувчи Т. ХОЛМАТОВ
Самарқанд

12-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. «Спартак». 9. Дулдул. 10. Йўлдош. 11. Қашқадарё. 12. Маржон. 14. Ацетон. 20. Андаза. 21. Пародия. 22. Апатит. 23. Типратикан. 24. Меҳнатобод. 26. Исирға. 27. Витамин. 28. Пропан. 29. Патнис. 32. Сеялка. 36. «Рустамхон». 37. Қалқон. 38. Осетин. 39. Қашалот.

Бўйига: 2. Польша. 3. Рахманинов. 4. Адолат. 5. Ҳулкар. 6. Болқон. 7. Сайёра. 8. Қудрат. 13. Жезқазғон. 15. Евпатория. 16. Бақтрия. 17. Папанин. 18. Никелин. 19. Студент. 25. Карикатура. 30. Таллин. 31. Сурнай. 32. Саноат. 33. Лахтак. 34. Искана. 35. Ихтиро.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Москва, Қизил майдон.

А. ЖДАНОВ фотоси

Учинчи бет: Республикамиз маҳаллий ва енгил саноат ходимлари аҳолига кўркам, пухта уй-рўзғор ҳамда эсдалик буюмлари етказиб бермоқдалар. Суратларда. 1. Тошкентдаги «Сувенир» фабрикасининг моҳир рассомлари **Марғуба Орипова** ва **Манзура Тўлаганова.** 2. Шаҳрисабздаги «Ҳужум» фабрикаси полос цехининг илғор тўқувчилари **Холида Омонова, Салима Имомова** ва **Робия Рўзиева** ўртоқлар. 3. Тошкент Чинни заводининг бош рассоми **Сайидмаҳмуд Сайидбеков,** рассомлар **Саодат Дўсматова** ва **Нина Никитина.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ ва Б. МИЗРОХИН фотолари

Тўртинчи бет: Боғларга қиш келди. (Жиззах шаҳар парки.)

А. ГУБЕНКО фотоси

Бош редактор Асқад МУХТОР
Редколлегия: Чингиз АХМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил, ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» («Цветущий сад») — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ЙЎЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди. 22.11.80 й. Босишга рухсат этилди. 24.12.80 й. Р — 03445. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоги 7,80. Тиражи 267090. Буюртма 4484. Нашр М—97.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2207
Баҳоси 30 тийин
Индекс 75233